



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHIBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чизилган, e-mail: axborotXasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 1 сентябрь, шанба

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ЎЗБЕКИСТОН — САЙЁХЛАРНИ ЛОЛ ҚОЛДИРАЁТГАН ЮРТ



Истиқлол йиллари Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатда сайёҳлик тизими ҳам изчил ривожланди


Бу эса Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон каби илм, маданият ва маърифат марказлари жойлашган мўътабар замин, Амир Темури, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Ибн Сино, Бобурдек буюк уламолар, машҳур давлат арбоблари ва мутафаккирлар киндик қони тўқилган она-Ватанимизни жаҳоннинг сайёҳлик соҳаси тараққий этган мамлакатларидан бирига айланганди, десак муболага бўлмайди. Бинобарин, мустақиллик йилларида ўзига хос туристик салоҳиятга эга бўлган мамлакатимизда қадимий ёдгорликларни реконструкция қилиш, маҳаллий туроператорларни қўллаб-қувватлаб, уларга ўз фаолиятларини амалга ошириш учун зарур шарҳ-шароитлар яратиб бериш, жойларда соҳага оид инфратузилмани барпо этиш, шунингдек, туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилдики, бунинг самараси ўлароқ Буюк Ипақ йўли чорраҳасида жойлашган юртимиз сонсаноксиз осори-атикалари, урф-одатлари миллий таомлари, бетакрор табиятини бутун дунёга намоян қилиш имконига эга бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма бир йиллигини нишонламоқдамиз. Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улғу, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклар мен учун катта бахтдир. Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлимизни англаш, инсоний шаънимизни, кадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгали қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улғу айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадри юртодошларим! Ўз-ўзидан аёнки, кишилик тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йигирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди. Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафқурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суръатлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намоян этмоқдамиз. Ўтган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа — замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан қўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқаро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва қишлоқларимизнинг

қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Кўпчиликини ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган қўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас. Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолиимизнинг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга узайгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллиги, ўзимизни ўзимиз гўшт, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир. Буларнинг барчаси аввало мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципти ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш шу мақсадда амалга оширилган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини катта кўтаринчилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртодошларимиз қалбига бемисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улғу, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» деган эзгу гоя асосида нишонланмоқда. 2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шуқуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустақкам оила йилига бағишланган бадий паннолар билан безатилган. Давлатимизнинг мағрур ҳилпирётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғунлашиб атрофга ажиб тароват таратади, дилларга масрурлик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одам-

лар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошиқади. Бу ерга Олий Мажлис Сенатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буурган. Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг нилий гўмбазларидан нур ёғилиб турган маҳобатли хайкали улкан мажмуага янада улғуворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беназир шеърини эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамisha ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда. Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ер ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиг иш.

Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўғитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки башариёт учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улғу мутафаккир бобомиз айнан "олам аҳли" деб муурожаат қилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилингандан кейин санокли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улғувор хайкали қад ростлади. Бу юртимизда амалга оширилаётган беқиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебочаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида кутлуғ келди. Унутилмас сана бўлиб қолди.

Самимий кутловлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий кутловлар ҳамон келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустақкам соғлик, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби томонидан йўлланган табрикда шундай дейилади: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари! Сизни ва халқингизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан

чин юракдан муборакбод этишни истардим. 2010 йилнинг апрель ойидаги ташрифим чоғида юртингизнинг чуқур таассурот қолдирадиган тарихий ва маданий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг донг таратган меҳмондўстлиги билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг учинчи ўн йиллигига қадам қўяр экан, у халқаро ҳамжамиятнинг

аъзоси сифатида муҳим одимлар ташлашни давом эттирмоқда. "Минг йиллик тараққиёт мақсадлари"га миллий даражада эришиш йўлида олға силжишни давом эттириб, мамлакатингиз иқлим ўзгариши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш каби соҳаларда халқаро майдонда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда, бу эса уларнинг баъзилари, холос.

Аждодлар хотираси мангу барҳаёт

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шаъни, кадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли даврларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртодошларимиз, Ватанимизнинг фидойий фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда



Мустақиллик байрами олдиндан бугунги саодатли кунларга етишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимиз хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан буён 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига

кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундай мўътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадамжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англаштиради, уларнинг қалби ва онига миллий истиқлол ғоясини янада чуқурак сингдиришга хизмат қиладиган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Бундан йигирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар ўнта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намоён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган моливий-иктисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охиригача етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар каторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсишга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг аққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узокни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатгина ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришмоғи мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўётган айни шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз — бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгиликларга модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жаҳаларини эркинлаштириш жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш тинчлик ва оқилоллик, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатларга тотувлик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳамisha эътиборимиз марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узок ён-атрофимизда, минтақамизда кўндан кўндан давом этаётган низо ва қарама-қаршилиқ, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо оғох, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, хавфсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазоннинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шуригимизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга бало берад эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни кўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва говларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эгмасдан, ўз эътиқидидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни ис-

тардим.

Хозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа тўғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги — 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий таърибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқарашини, сиёсий ва фуқаролик савиясини, ижтимоий фаоллигини ўсиб бораётган, ўзбекона айтганда, биз бугун оқни қорадан ажрата оладиган халқимиз.

Бизнинг халқимиз, аввало, йигирма бир йил давомида вояга етган, мустақил фикрлашга, юксалиб бораётган онгу тафаккурга эга бўлган навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен такрор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадам бўлиб, узок ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда кулай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш — буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқроқ ташкилотларнинг вакилларига, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Бугунги шукҳули дамларда бизнинг таянчимиз ва сунъимиз, умидимиз бўлмиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодсиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюқ Ватанимиз кудратига сунъиб, маррани бандан олдинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир галабангиз — юртимиз галабаси, Ўзбекистон галабасидир!

Азизларим, қадрдонларим!
Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табрик-лаб, сизларга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда Ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтамыз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Самимий кутловлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шу ўринда, яқинда ўтказилган "Рио+20" барқарор ривожланиш бўйича БМТ Конференциясида мамлакатимиз делегациясининг самарали қатнашгани учун ўз миннатдорчилигини билдириш.

Марказий Осие умумий масалаларни ечишда минтақавий ҳамкорлик ва биргаликдаги ёндашувларни излашни тақозо этадиган янги давр бўсағасида турибди. Марказий Осиедаги бошқа мамлакатларнинг давлат раҳбарлари билан биргаликда минтақанинг сув ва энергетика муаммоларини ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлини топишда Сизнинг етакчилик қилишингизга ишонаман.

2014 йилга бориб Афғонистонда хавфсизлик соҳасида янги шарт-шароитлар вужудга

келади. Афғонистонда ва умуман минтақада барқарорлик ҳамда иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган минтақавий саъй-ҳаракатларни янада қўллаб-қувватлашингиз ва бунда иштирок этишингиз гоёт муҳим аҳамиятга эгадир.

Сизни ишонтириб айтаманки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон халқи манфаатлари борасидаги, шунингдек, Марказий Осие ва унинг атрофида тинчлик, барқарорлик ва раванқ йўлидаги ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам ривожлантириб бораверишга тайёрдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоёт юксак эҳтиромирларимни қабул қилгайсиз.

Пан Ги МУН, БМТ Бош қотиби

Шунингдек, қуйидагилар ҳам ўз кутловларини йўллашган:

БМТ Бош Ассамблеяси Раиси **Носир Абдулазиз Ал-Носир**
Нидерландия Кириличаси **Беатрикс**
Туркия Президенти **Абдуллох Гул**
Австралия Генерал-Губернатори **Квентин Брайс**
Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кен Ям**
Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чонг Тан Шанг**
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика**
Фаластин Озодлик ташкилоти Ижроия кўмитаси раиси,
Фаластин Миллий маъмурияти раиси **Махмуд Аббос**
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**
Киргиз Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбаев**
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти **Ҳамид Карзай**
Саудия Арабистони Подшоҳлигида
истиқомат қилувчи ватандошлар **Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний** ва бошқалар.

Кутловлар келиши давом этмоқда.

Аждодлар хотираси мангу барҳаёт

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

2012 йил 31 август тонги. Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат баҳо келтирилди. Анъанага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хотирасини ёд этар эканмиз эзгулик аталмиш қудратли куннинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шаҳид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улур орзу қилган, улур учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидай асраш, мустаҳкамлаш, Ватанга садоқат сингарии муқаддас тушунчаларини ёшларимиз онгига чуқур сингдириш даркор. Улар оқни қорадан, ҳақиқий ноҳақдан ажрата олсин. Зеро, ватанпарварлик гоёси онгига чуқур муҳрланган, дунёқарашини кенг, ҳар жиҳатдан билимли, зукко, ҳамisha оғох авлоднинг ҳеч қачон унутмаслиги шарт. Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узокда, деб унга лоқайд қараш хомхалқликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида баргараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша оғох бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётини янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз хиссасини қўймоғи, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғ-

усини дилига жо қилмоғи даркор.

Бу хусусда гапирар экан, Президентимиз қўшни Афғонистондаги мураккаб вазиятга яна бир бор эътиборни қаратди. Ўзбекистон бу давлатда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён давом этаётган можаролар тезроқ барҳам топиб, мамлакат тикланиш ва тараққиёт йўлига тушиб олишини истади. Зеро, халқи-

қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вакиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, оғох бўлиб бормоқда.

Шу азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини

ТАРИХИНИ БИЛМАГАН, ЎЗЛИГИНИ АНГЛАМАГАН

ХАЛҚИНИГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ. ШУ БОИС МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШ, МУСТАҲКАМЛАШ, ВАТАНГА САДОҚАТ СИНГАРИИ МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАРИНИ ЁШЛАРИМИЗ ОНГИГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ ДАРКОР. УЛАР ОҚНИ ҚОРАДАН, ҲАҚНИ НОҲАҚДАН АЖРАТА ОЛСИН. ЗЕРО, ВАТАНПАРВАРЛИК ГОЁСИ ОНГИГА ЧУҚУР МУҲРЛАНГАН, ДУНЁҚАРАШИ КЕНГ, ҲАР ЖИҲАТДАН БИЛИМЛИ, ЗУККО, ҲАМИША ОҒОХ АВЛОДНИ ҲЕЧ КИМ ЕНГОЛМАЙДИ. ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЁТГАН БУНДАЙ НАВҚИРОН АВЛОДГА ЧЕТДАН ҲЕЧ КИМ ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗА ОЛМАЙДИ.

анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳус воқеалар ҳар қандай соғлом фикр инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршилиқлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатида рўй бермасин, бундан кўнглимиз ғаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узокда, деб унга лоқайд қараш хомхалқликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида баргараф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳамиша оғох бўлиш, она Ватанимиздаги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш, шу фаровон, осуда ҳаётини янада мустаҳкамлаш учун ҳар бир инсон ўз хиссасини қўймоғи, эл-юрт тақдири, келажаги учун дахлдорлик туйғ-

мизда "қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бор. Умуман, ҳамisha эзгу ва хайрли ниятлар билан яшаيدиган халқимизнинг орзуси, мақсади битта — жаҳондаги барча мамлакатларда, элларда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурсин, одамлар бахтли ва фаровон ҳаёт кечирсин.

Улуг неъмат — мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикдан хотиржамликка берилиши, оғохлик ва сезгирликни йўқотишга мутлақо ҳаққимиз йўқ, деди Ислам Каримов. Тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш фақат муайян соҳалар ходимларининг вазифаси, деганлар қаттиқ янглишади. Бу йўлда барчаларимиз, бутун халқимиз янада жипс бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишимиз керак. Ўз уйингни ўзинг асра, деган гапда ҳикमत кўп, унинг маъноси кенг. Зеро, тинчлик учун курашиш керак, уни ҳеч қачон яратиб бермайди.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган ўзгариш ва воқеалар хусусида, улурнинг асл сабабларини тушунириш ишларини олиб боришда имом-хатибларнинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, бугунги имом-хатиблар бундан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси

ЎЗА

Яна бир янги бино

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Термиз шаҳридаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида барпо этилган замонавий хирургия мажмуасининг иккинчи босқичини фойдаланишга топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тиббиёт соҳаси ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди



Мазкур мажмуа Бойсун туманидаги "256-хўжалиқлараро механизациялашган кўчма жамланма" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Уч қаватли янги бинода барча кулайликларга эга тўртта жаррохлик хонаси, дорихона, реанимация ҳамда марказлашган стрелизация бўлимлари жойлашган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида аҳолининг репродуктив санолатини асраш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида гамхўрлик

кўрсатилмоқда. Энг олис, чекка ҳудудларда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилиб, замонавий усқуналар билан жиҳозланаётди. Тиббиёт марказлари тубдан реконструкция қилиниб, қўшимча бинолар қурилмоқда.

Истиқлол йилларида Сурхондарё вилоятида замонавий тиббиёт асбоб-усқуналари билан жиҳозланган 240 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди.

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази босқичма-босқич реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-усқуналар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, ўтган йили 4 миллиард 100 миллион сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилди. Жорий йилда бу борадаги ишларни

давом эттириш учун 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами олдида янги бинонинг фойдаланишга топширилиши шифокорлар ва аҳоли учун муносиб соғва бўлди, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Аҳмадилла Дўстбоев. — Жаҳон андозалари асосида барпо этилган реанимация бўлими бир вақтнинг ўзига 12 беморни қабул қилиш имкониятига эга. Ички дорихонада 45 турда сифатли дори тайёрлаш учун етарли шарт-шароит яратилган. Аҳоли санолатини сақлаш учун кўрсатилаётган бундай гамхўрликлардан чексиз миннатдоримиз.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири.



Ўзбекистон — сайёҳларни лол қолдираётган юрт



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат ХҲЖАЕВ, «XXI ASR»

Бу эса бой тарихга эга юрт ва замон билан ҳамнафас одимлаётган мамлакат сифатида Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган сайёҳлар сонининг йилдан-йилга ортиб боришини таъминламоқда.

Жаҳон таърибидан маълумки, сайёҳларнинг аксарияти бирон бир мамлакатга боришдан олдин, авваламбор, ана шу ҳудуднинг туристик объектларга бойлиги, дам олиш учун яратилган шароитлар, шунингдек, хавфсизлик ҳамда нарх-наво билан танишишга ҳаракат қиладилар. Мамлакатимизда бу борадаги маълумотларни йиғиш, уларни хорижий туроператорларга тақдим этиш, умуман, юртимизнинг туристик салоҳияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан амалга оширилди.

Президентимизнинг 1992 йил 27 июлида қабул қилинган фармонида асосан ташкил этилган компаниямиз ўтган давр мобайнида туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш, соҳани ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига сайёҳлик хизматлар бозорида кенг имкониятлар яратиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди, — дейди «Ўзбектуризм» МК раиси ўринбосари Анвар Темирходжаев. — Миллий компания таркибига кирган Бухоро, Самарқанд ва Хоразм минтақавий бўлимлари ҳамда 8 та сайёҳлик ва экскурсия бюрolari зиммасига жойларга ташириш буюрган туристлар хавфсизлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулкни муҳофаза қилишни таъминлаш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни асраш каби вазифалар юқлатилган.

Таъкидлаш жоиз: ўтган давр мобайнида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан хорижий сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Греция, Ҳиндистон, Малайзия, Исроил, Миср, Россия, Қозғистон, Украина каби жаҳоннинг туризм соҳаси ривожланган 40 дан зиёд давлатлари ўртасида ҳуқуқатларро ва идораларо шартномалар, меморандум ва дастурлар имзоланди. Дунёнинг етакчи сайёҳлик компаниялари иштирок этадиган JATA (Япония), TTG (Италия), WTM

(Буюк Британия), TOP RESA (Франция), MITT (Россия), ITB (Германия) халқаро кўргазмаларида «Ўзбекистон» миллий стендининг намойиш этилиши аънаёнага айланди.

2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЎТГАН ЙИЛНИНГ АНА ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 12,8 ФОИЗДАН КўПРОҚ САЙЁХНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН. ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШДАГИ ўСИШ 2011 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИГА НИСБАТАН 4,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН бўлса, САЙЁХЛИК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲАЖМИ 59,8 ФОИЗГА ўСГАН.

Умуман олганда, ўтган йилда бир йил давомида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи туризм йўналишларида сезиларли ўсиш қайд этилди, десак муболаға бўлмайди. Масалан, 80-90-йилларда мамлакатимизга йил давомида 150-200 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 1,2 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда.

Чиндан ҳам Ўзбекистон айни пайтда жаҳон туризми харитасидан муносиб ўрин эгалламоқда. Компания маълумотларида таъкидланишича, 2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан 12,8 фоиздан кўпроқ сайёҳни қабул қилган. Хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатишдаги ўсиш 2011 йилнинг 6 ойига нисбатан 4,1 фоизни ташкил этган бўлса, сайёҳлик хизматларининг ҳажми 59,8 фоизга ўсган. Туристик хизматларни экспорт қилиш бўйича белгиланган режа 131,3 фоизга бажарилган ҳолда ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан умумий ўсиш суръати 31,8 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган туристик ташкилотлар сони 782 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ана шу санасида улар сони 851 тага етказилди. Аҳамиятлиси, уларнинг маълум қисми сайёҳларга туризмнинг янги турларини тақлиф қилмоқдалар. Буларга мамлакатимизнинг хушманзара тоғолди ҳудудларида ташкил этиладиган экотурларни, шунингдек, меҳмонларга миллий кадрларимиз ва урф-одатларимизнинг нозик қирраларини кўрсатиш мақсадида улар учун юртимизнинг узоқ туманларига уюштирилган саёҳатларни киритиш мумкин.

Бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бинобарин, кейинги йилларда қадимий шаҳарларимизда замонавий меҳмонхоналар қурилиб, сайёҳларнинг имкони борича кўпроқ туристик объектларни томоша

қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилаяпти. Уларга барча қулайликларга эга транспорт воситалари — «Евро-4» талабларига жавоб берадиган автобуслар,

учун «Буюк Ипак йўли» — асосий брэнд сифатида қабул қилинган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Буюк Ипак йўли эса ҳам тарихий, ҳам географик, ҳам маданий ва

«Boeing-767», A310, A320 ру-сумли ҳаво лайнерлари, «Afrosiyob» тезкор поездининг қатновлари ташкил этилди, — дейди компания вакили. — Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жалдлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2015 йилга қадар Ўзбек миллий автомагистралари эксаида 240 та йўл инфратузилмаси объекти, жумладан, 19 та кемпинг, 18 та мотель типидagi меҳмонхона, 36 та ёнилғи қуйиш шохобчаси, 49 та автогаз тўлдирувчи компрессорли станция, 78 та авария-чакирув ва тез тиббий ёрдам хизмати пункти, 31 та автобилларни қисқа вақтга қўйиш майдонлари, шунингдек, туризм соҳасининг барча талабларига жавоб берадиган 9 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлди.

Шунингдек, ўтган йилдан «Мега-инфо-тур» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчионалари ва мамлакатимиздаги йирик хусусий сайёҳлик фирмалар билан ҳамкорликда чет эллик журналистлар ҳамда туристик компаниялар ходимлари учун таништирув сафарлари ташкил этила бошлаганини таъкидлаб ўтиш лозим. Дастурнинг 2011 йил 15-ноябрда ҳамда жорий йил 15-30 март, 15-30 июнь, 1-15 август кунлари ўтказилган тадбирларига қарийб 40 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган 1051 туризм соҳаси мутахассислари ва 157 дан ортиқ ОАВ вакиллари юртимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб уюштирилган саёҳатдан олам-олам таассурот олди. Мазкур лойиҳалар юртимиз туризмнинг янада ривожланишига хизмат қилиши табиий.

Маълумки, халқаро туризм бозорида махсулотнинг рақоримизда замонавий туристик брэнд ва уни тарғибот-ташвиқот қилиш усуллариға боглик. Сир эмас, Ўзбекистон

ҳам иқтисодий ресурс сифатида кўпчилик сайёҳларнинг диққат-эътиборини жалб қилиши аниқ. Дунёнинг йирик динларидан бири — буддизм Хитой ва Японияга айнан Марказий Осиё орқали ўтгани, ипак ва қозғ тийёрлаш технологияси айнан Буюк Ипак йўлидан олиб келингани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир неча йил аввал ўзбек туризми тарихида янги саҳифа очилди. Гап шундаки, 2010 йил охирида мамлакатимиз томонидан юртимиз ҳудудида жойлашган 4500 дан ортиқ қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, маданий қадриятларни тиклаш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишларни юқори баҳолаган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Жанубий Кореянинг Кёнжу шаҳрида бўлиб ўтган Бош ассамблеясида 150 дан ортиқ аъзо-давлат орасидан Ўзбекистонни UNWTOнинг 2011-2015 йилги даври учун Ижроқўм аъзоси сифатида қабул қилди.

Айнан UNWTO бошчилигида, шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан пойтахтимизда ҳар йили ўтказиладиган Тошкент халқаро туристик ярмаркаси эса соҳа вакиллариға мазкур брэндни янада такомиллаштириш имконини берди, десак муболаға бўлмайди. 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма майдонининг сўнгги тўрт йилда қарийб 2 баробар кенгайгани, экспонатлар сони 3 мартага кўпайгани эса ярмаркаға қизиқиш ортаётганини кўрсатмоқда.

— Айни пайтда жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида «Ўзэкспомарказ» кўргазма майдонларида бўлиб ўтиши кутилаётган XVIII Тошкент халқаро туристик ярмаркасини юқори даражада ташкил этиш бўйича фармойиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди А.Темирходжаев. — Ўз навбатида, «ТХТЯ-2012»да қатнашиш шартлари баён этилган флаерлар, мультиме-

диа дисклари ва бошқа ахборот материаллари тайёрлашиб, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик миссиялар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчионалари ва миллий туристик ташкилотларига тарқатиш учун Ташқи ишлар вазирлигиға жўнатилди. Бундан ташқари, мазкур сайёҳлик ярмаркаси давомида «Ички туризм, минтақаларда туризми ривожлантириш манбалари» мавзуси бўйича халқаро семинар ҳамда «Ипак йўлида экологик туризмнинг ривожланиши ва унинг келажаги» мавзусига бағишланган халқаро конференциянинг ўтказилиши ҳамда бу борадаги маълумотлар UNWTO расмий сайти орқали туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган барча хорижий мамлакатлар вазирликлари ва ташкилотлариға тарқатиладиган бўлди.

Умуман олганда, мамлакатимиз хорижлик соҳа вакиллари эътиборини жалб этишда давом этмоқда. Бунга яқинда юртимизга ташриф буюрган Буюк Британиянинг «Bridgehouse Capital» инвестицион компанияси вакили Н.Ходбейнинг ТИФ Миллий банки ҳамда «Westbury Hotel Group» билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Toshkent Palas» ва «Registon Plaza» меҳмонхоналари базасида бир неча 5 юлдузли отелларни қуриш тақлифини берганини, жорий йилнинг апрель-май ойларида юртимизда бўлган Чехиянинг «Объектив» телеканали Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ҳақида ҳужжатли фильм суратга олганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу ўринда «Ўзбектуризм»нинг ҳомийлик ишлари ҳақида икки оғиз сўз. Ўзининг вазифалари сирасига бола-лар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамға муҳтож қатламлари учун сайёҳлик хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратишни ҳам қўйиб қўйган компания томонидан «Мустақам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида минтақавий бўлимлар томонидан «Камолот» ЕИХ, «Махалла» жамғармаси, сайёҳлик фирмалари ҳамда вилоят ҳокимликлари билан биргаликда режаға мувофиқ кам таъминланган оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларидаги қадимий ҳаёт тарихи, Фарғона водийсининг сўлим гўшалари бўйлаб ҳамда Тошкент шаҳридаги музейлар, истироҳат ва ҳайвонот боғлариға экскурсиялар уюштирилди.

Энг муҳими, ўз олдиға улкан мақсадларни қўйган «Ўзбектуризм» МК яқин келажақда асосий эътиборини ички туризмининг ривожлантириш, хусусан, пансионатлар, қорортлар, санаторийлар ва бошқа даволаш-соғломлаштириш масканларидан унумли фойдаланиш, яъни уларнинг йил давомида фаолият кўрсатишларини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда туризм соҳасиға оид мутахассислар бўйича касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар, таълим маскани ва иш бевувиға ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш каби бир қатор йўналишларға қаратишни режалаштираётганини айтиб ўтиш лозим.

Мухтасар қилиб айтсак, «Ўзбектуризм» МК Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти имкониятларини оширишни давом эттирмоқда. Қолаверса, мустақиликнинг 21 йиллиги муносабати билан компания меҳмонлар учун янги тўхфалар тайёрлаб қўйганки, бу совғалар, ўз навбатида, юртимиз довергини жаҳон бўйлаб янада кенгрок қулоч ёйишиға сабаб бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТўҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 31 август кунин Тошкент
шаҳрида Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг тўққизинчи ялпи
мажлиси ўз ишини давом эттирди

Ялпи мажлисининг иккинчи кунинда сенаторлар Конституция нормалариға мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўйбга чиқариш доирасида мамлакат минтақалариға хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказдилар.

Мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақалариға хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида муайян ишлар амалға оширилмоқда. Чунинчи, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мунтазам равишда халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 32 та чет эл делегациясининг Ўзбекистонға ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амириклари, Бельгия Қиролиги, АҚШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7 та бизнес-анжуман ва давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалға ошириш тўғрисида 52 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истиқболли тармоқлариға тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўйбга чиқарилиши устидан тизимли мониторингни амалға ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда ҳар йили минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, мазкур дастурлар доирасида 2011 йилда 1226 та лойиҳа бўйича жами 841,2 миллион АҚШ доллари миқдоринда инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу ҳисобот даврининг прогнозига нисбатан 110,2 фоизни ва 2010 йил кўрсаткичиға нисбатан 118,5 фоизни ташкил этди.

Парламент эшитувинда савол-жавоб тарзида кенг фақр алмашув бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини хал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркиблариға ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатлариға дахлдор бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришға қаратилган, амалға оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишни қудратли омил бўладиган 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
матбуот хизмати

Ҳамма нарса инсон учун, инсон манфаатлари учун

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг моҳияти ана шу тамойилга қаратилмоқда



Зумрад АБОРОВА,
«XXI ASR»

Жорий йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши ва шу асосда тегишли Давлат дастурининг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий соҳада улкан ижобий ўзгаришлар ясаш имконини бермоқда. Жумладан, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси ва раҳбариятининг ушбу Давлат дастури таъминлашга жиддий эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун корхонада «Мустақкам оила йили» дастурини амалга ошириш бўйича махсус комиссия ташкил этилган.

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи тизимида минглаб одамлар меҳнат қилади, — дейди завод директори ўринбосари, мажор комиссия раиси Мавжуда Хурсанова. — Уларга фақатгина ишчи кучи, техник ва иқтисодий ресурс сифатида қараш нотўғри бўлади. Чунки ҳар бир ходим ўзича бир олам. Ҳар бир одамнинг ўз орзу-истаклари, режа ва мақсадлари бўлади. Оилалардаги маънавий муҳит ҳамда муносабатларни соғломлаштирмай туриб улар фаровонлигига, оила аъзоларининг саломатлигини юксалтирмай туриб оила мустақкамлигига эришиш қийинлигини ҳеч ким инкор этмас керак. «Мустақкам оила йили» Давлат дастури амалга татиқ этиши ана шу мақсадларга

эришиш имконини бермоқда.

Корхонада оила институтини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, бу масалага жамият эътиборини кучайтиришни назарда тутувчи талаблар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги соҳасида миллий хусусиятлар ва анъаналарни, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қўшимча қоидаларни назарда тутадиган қонун лойиҳаси юзасидан вилоят ҳокимлиги комиссиясига бир неча амалий тақлиф берилди. Хусусан, жамоа вакиллари билан тегишли масалалар бўйича муҳокама қилинган бўлиб, уларда ўртага ташланган мулоҳазалар асосида хотин-қизлар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёшга ошириш, бунда никоҳ ёшини бир йилгача камайтириш мумкин бўлган истисно қилинадиган ҳолатларни аниқлаштириш, қораларни асраб олиш механизмининг такомиллаштириш, тарбия муассасасига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилмаган алиментларни банларда шу бола номига очилган ҳисоб-рақамда жамғариш ва унга вояга етганидан сўнг тўлашни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш, ажралишда айбдор деб топилган эр ёки хотинга нисбатан, улардан бири фарзанд тарбиясига масъул бўлиб қолган ота ёки онага фарзандлар учун ундирилиши шарт бўлган маъна-

вий зарарни қоплаш механизмининг такомиллаштириш ҳамда оилани мустақкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича тақлифлар берилди.

— Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар берилди борасида ҳам заводда ишлаб чиқилган ҳамда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди М.Хурсанова. — Хусусан, уй-жойга эҳтиёж сезаётган ишчи-хизматчиларга ипотека кредитларини бериш учун ресурсларни шакллантириш механизми ишлаб чиқилди. Маргилон шаҳрида, Олтиариқ ва Тошлоқ туманларида ёш оилаларга сотиш учун 60 та коттедж уйлари қуриш лойиҳалари тасдиқланди, тендерга қўйилди. Улар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фойзал ставка бўйича 15 йилгача муддат билан ипотека кредитлари берилди.

Завод раҳбарияти сайёҳаракати билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиш ҳам изчил йўлга қўйилган. Жумладан, 2012 йил 16 апрель кун Фаргона шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари рўйхати, стенд-

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

— Заводда ишчи-хизматчи-

белгиланган вазифаларнинг истиқболли эканини, ушбу жамоага муносиб эканликларини турли танловлар воситасида исботлаб ҳам беришга эришилди. Масалан, 28-цех касаначиси Раънохон Абдурахимова «Энг фаол касаначи аёл» кўриктанловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни, вилоят бос-

қуланувчи одам ҳеч қачон дори-дармонга муҳтож бўлмайди. Кайфияти ҳам, иш унуми ҳам доимо аъло бўлади. Кўп йиллар давомида ўз исботини топган бу ҳақиқатни яхши англаган завод раҳбарияти ишчи-хизматчиларни спортга кенг жалб этишга интилоқда.

болалар ўлимини, айниқса, оналар ва болалар орасидаги турли касалликлар сонини камайтириш мақсадида 2012 йил 2-чорагида вилоят сил касаллиги диспансери томонидан 2785 нафар аёл флюорография текшируви ва гинекологик тиббий кўриқдан ўтказилди ва соғломлаштирилди. Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш бўйича заводда цех хотин-қизлар етакчилари ўртасида «Аёлларда учрайдиган саратон хасталиги», «Соғлом турмуш тарзи омиллари» мавзуларида даяра суҳбатлари ўтказилди.

Яна шу нарсани қайд этиш керакки, ишчи-хизматчиларнинг оилаларида тиббий маданият даражасини янада ошириш ва соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни, зарарли одатларга берилмасликни, чекишга ҳамда ичкиликбозликка қарши курашни ташвиқ этувчи маънавий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказишга одатланганмиш. Шунингдек, «Нефти овози» газетаси ва радио орқали «Ёш оила мактаби», «Оила психологияси», «Соғлом турмуш тарзи» мавзуларида махсус мақола ва радио эшитиришлар тайёрлашда яқиндан кўмак бераёلمиз.

Таъкидлаш керак, «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ҳамда жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий қадриятларини асраб-авайлаш ва мустақкамлаш, юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий менталитетимизга мулкка ёт бўлган фарғона иллатларга қарши туришида оиланинг роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутди. ФНҚИЗ меҳнат жамоаси орасида бу борада амалга оширилган ишлар ҳам ибрат ва намуна қилиб кўрсатишга арзийди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида «Мустақкам оила йили» Давлат дастури нафақат ишчи-хизматчилар, балки уларнинг оила аъзоларини ҳам ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг моддий ва маънавий камолоти йўлидаги ишлар қўламини янада кенгайтириш учун яхшигина ҳуқуқий асос, руҳлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, оиласи тинч ва фаровон ишчи-хизматчи хотиржам ва самарали меҳнат қилади. Бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ одамгина жамият равнақи учун барча куч-қудратини ишга солишга интилади.

ЗАВОД ТАСАРРУФИДАГИ 28 ЦЕХ ҚОШИДА КАСАНАЧИЛИК ГУРУҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ШУ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНЬ ҲОЛАТИГА ЖАМИ 471 НАФАР КАСАНАЧИ ИШГА ОЛИНГАН, 1 ГЕКТАР МАЙДОНДА БАЛИҚЧИЛИК, 2 ГЕКТАР МАЙДОНДА ИССИҚХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ҚЎШИМЧА 18 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАНИ ҲАМ ФИКРИМИЗГА МИСОЛ БЎЛИШ МУМКИН.

ларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратаёلمиз, — дейди М.Хурсанова. — Жумладан, Фаргона ва Маргилон шаҳарлари, Тошлоқ, Езёвон, Кўштепа ва Олтиариқ туманларининг ФХДЭ мудирлари иштирокида «Сиз оилангиз учун масъулсиз» мавзуида туркум учрашувлар ташкил этилди. Ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Оила» ва «Фуқаролик» кодекси юзасидан савол-жавоблар ташкил этилди.

Корхонада ишчи-ҳодимлар учун жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам бирламчи эътибор қаратилапти. Хусусан, айни кунда завод ҳудудида сартарошлик, тикувчилик, пойабзал, офис техникасини таъмирлаш каби маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорларни жалб этган ҳолда қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, махсус маиший хизмат биносини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, янги иш ўринларини яратиш ва тасдиқланган ҳудудий дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлашни рағбатлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш орқали завод ишчилари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Завод тасарруфидаги 28 цех қошида касаначилик гуруҳлари ташкил этилиб, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига жами 471 нафар касаначи ишга олинган, 1 гектар майдонда балиқчилик, 2 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилиб, қўшимча 18 та иш ўрни яратилган ҳам фикримизга мисол бўлиш мумкин. Таъкидлаш керак, янги иш ўринларини эгаллаганлар аҳоли бандлигини таъминлаш борасида

Яқинда аёллар ўртасида ўтказилган «Граунд голф» спорт мусобақаси ҳам узоқ вақт ишчилар хотирасида қоладиган бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида «Соғлом она — соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда онанинг ўрнини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда заводдаги жами 32 та цех ҳамда участкалардан биттадан вакил иштирок этиб, ўз жамоадoshлари шарафини ҳимоя қилди. Спорт мусобақаси иштирокчилари ҳамда голиблари гулдара, эсдалик совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Заводда, шунингдек, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Шу боис болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спортга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларга юқори малакали устоз ва мураббийларни бириктириш мақсадида завод тасарруфидаги «Спорт мажмуаси» 2012 йилнинг манзилли дастурига киритилиб, жорий йилнинг 3-чорагида ақунланиши режалаштирилмапти. Шунингдек, завод тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари реконструкция қилиниб, дам олиш корпуслари қурилиши олиб борилмоқда.

— Такрор бўлса-да айтишим жоиз, барча чора-тадбирларда аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди М.Хурсанова. — Зеро, улар оила таянчи, соғлом ва баркамол авлодни воғга етказишда муҳим ўрин тутувчи бўғиндир. Шу боис аёлларга ва оилаларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва





Ўзбекистон — сайёҳларни лол қолдираётган юрт



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат ХҲЖАЕВ, «XXI ASR»

Бу эса бой тарихга эга юрт ва замон билан ҳамнафас одимлаётган мамлакат сифатида Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлган сайёҳлар сонининг йилдан-йилга ортиб боришини таъминламоқда.

Жаҳон таърибасидан маълумки, сайёҳларнинг аксари яти бирон бир мамлакатга боришдан олдин, авваломбор, ана шу ҳудуднинг туристик объектларга бойлиги, дам олиш учун яратилган шароитлар, шунингдек, хавфсизлик ҳамда нарх-наво билан танишишга ҳаракат қиладилар. Мамлакатимизда бу борадаги маълумотларни йиғиш, уларни хорижий туроператорларга тақдим этиш, умуман, юртимизнинг туристик салоҳияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан амалга оширилди.

Президентимизнинг 1992 йил 27 июлида қабул қилинган фармонида асосан ташкил этилган компаниямиз ўтган давр мобайнида туризм соҳасидаги норматив базани такомиллаштириш, соҳани ривожлантириш учун инвестицияларни жалб қилиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига сайёҳлик хизматлар бозорида кенг имкониятлар яратиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни амалга оширди, — дейди «Ўзбектуризм» МК раиси ўринбосари Анвар Темирходжаев. — Миллий компания таркибига кирган Бухоро, Самарқанд ва Хоразм минтақавий бўлиmlари ҳамда 8 та сайёҳлик ва экскурсия бюролари зиммасига жойларга ташир буюрган туристлар хавфсизлиги, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулкни муҳофаза қилишни таъминлаш, туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни асраш каби вазифалар юклатилган.

Таъкидлаш жоиз: ўтган давр мобайнида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан хорижий сайёҳлар оқими ошириш мақсадида мамлакатимиз ҳамда жаҳоннинг Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Греция, Ҳиндистон, Малайзия, Исроил, Миср, Россия, Қозғистон, Украина каби жаҳоннинг туризм соҳаси ривожланган 40 дан зиёд давлатлари ўртасида ҳуқуқатларро ва идораларо шартномалар, меморандум ва дастурлар имзоланди. Дунёнинг етакчи сайёҳлик компаниялари иштирок этадиган JATA (Япония), TTG (Италия), WTM

(Буюк Британия), TOP RESA (Франция), MITT (Россия), ITB (Германия) халқаро кўргазмаларида «Ўзбекистон» миллий стендининг намойиш этилиши аънамага айланди.

2012 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЎТГАН ЙИЛНИНГ АНА ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 12,8 ФОИЗДАН КўПРОҚ САЙёХНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН. ХОРИЖЛИК МЕХМОНЛАРГА ХИЗМАТ КўРСАТИШДАГИ ўСИШ 2011 ЙИЛНИНГ 6 ОЙИГА НИСБАТАН 4,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТГАН бўлса, САЙёХЛИК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ҲАЖМИ 59,8 ФОИЗГА ўСГАН.

Умуман олганда, ўтган йилда бир йил давомида Ўзбекистоннинг ички ва ташқи туризм йўналишларида сезиларли ўсиш қайд этилди, десак муболаға бўлмайди. Масалан, 80-90-йилларда мамлакатимизга йил давомида 150-200 минг сайёҳ ташриф буюрган бўлса, айна пайтда бу кўрсаткич 1,2 миллиондан ортиқни ташкил этмоқда.

Чиндан ҳам Ўзбекистон айна пайтда жаҳон туризми харитасидан муносиб ўрин эгалламоқда. Компания маълумотларида таъкидланишича, 2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан 12,8 фоиздан кўпроқ сайёҳни қабул қилган. Хорижлик меҳмонларга хизмат кўрсатишдаги ўсиш 2011 йилнинг 6 ойига нисбатан 4,1 фоизни ташкил этган бўлса, сайёҳлик хизматларининг ҳажми 59,8 фоизга ўсган. Туристик хизматларни экспорт қилиш бўйича белгиланган режа 131,3 фоизга бажарилган ҳолда ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан умумий ўсиш суръати 31,8 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, 2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган туристик ташкилотлар сони 782 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ана шу санасида улар сони 851 тага етказилди. Аҳамиятисини, уларнинг маълум қисми сайёҳларга туризмнинг янги турларини тақлиф қилмоқдалар. Буларга мамлакатимизнинг хушманзара тоғолди ҳудудларида ташкил этиладиган экотурларни, шунингдек, меҳмонларга миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизнинг нозик қирраларини кўрсатиш мақсадида улар учун юртимизнинг узоқ туманларига уюштирилган саёҳатларни киритиш мумкин.

Бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бинобарин, кейинги йилларда қадимий шаҳарларимизда замонавий меҳмонхоналар курилиб, сайёҳларнинг имкони борича кўпроқ туристик объектларни томоша

қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилаяпти. Уларга барча қулайликларга эга транспорт воситалари — «Евро-4» талабларига жавоб берадиган автобуслар,

ушун «Буюк Ипак йўли» — асосий брэнд сифатида қабул қилинган. Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Буюк Ипак йўли эса ҳам тарихий, ҳам географик, ҳам маданий ва

«Boeing-767», A310, A320 руйли ҳаво лайнерлари, «Afrosiyob» тезорар поездларининг қатновлари ташкил этилди, — дейди компания вакили. — Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишнинг ривожлантириши жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2015 йилга қадар Ўзбек миллий автотранспортли йўлида 240 та йўл инфратузилмаси объекти, жумладан, 19 та кемпинг, 18 та мотель типидagi меҳмонхона, 36 та ёнилғи қуйиш шохобчаси, 49 та автогаз тўлдирувчи компрессорли станция, 78 та авария-чакирув ва тез тиббий ёрдам хизмати пункти, 31 та автомобиллари қисқа вақтга қўйиш майдонлари, шунингдек, туризм соҳасининг барча талабларига жавоб берадиган 9 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ўтган йилдан «Мега-инфо-тур» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчионалари ва мамлакатимиздаги йирик хусусий сайёҳлик фирмалар билан ҳамкорликда чет эллик журналчилик ҳамда туристик компаниялар ходимлари учун таништирув сафарлари ташкил этила бошлаганини таъкидлаш ўтиш лозим. Дастурнинг 2011 йил 1-15 ноябрь ҳамда жорий йил 15-30 март, 15-30 июнь, 1-15 август кунлари ўтказилган тадбирларига қарийб 40 дан ортиқ давлатдан ташриф буюрган 1051 туризм соҳаси мутахассислари ва 157 дан ортиқ ОАВ вакиллари юртимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб уюштирилган саёҳатдан олам-олам таассурот олди. Мазкур лойиҳалар юртимиз туризмнинг янада ривожланишига хизмат қилиши табиий.

Маълумки, халқаро туризм бозорида маҳсулотнинг рақоримизда замонавий туристик брэнд ва уни тарғибот-ташвиқот қилиш усуллари бориқ. Сир эмас, Ўзбекистон

диа дисклари ва бошқа ахборот материаллари тайёрлашиб, Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик миссиялар, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчионалари ва миллий туристик ташкилотларига тарқатиш учун Ташқи ишлар вазирлигига жўнатилди. Бундан ташқари, мазкур сайёҳлик ярмаркаси давомида «Ички туризм, минтақаларда туризмни ривожлантириш манбалари» мавзуси бўйича халқаро семинар ҳамда «Ипак йўлида экологик туризмнинг ривожланиши ва унинг келажаги» мавзусига бағишланган халқаро конференциянинг ўтказилиши ҳамда бу борадаги маълумотлар UNWTO расмий сайти орқали туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган барча хорижий мамлакатлар вазирликлари ва ташкилотларига тарқатилди.

Умуман олганда, мамлакатимиз хорижлик соҳа вакиллари эътиборини жалб этишда давом этмоқда. Бунга яқинда юртимизга ташриф буюрган Буюк Британиянинг «Bridgehouse Capital» инвестицион компанияси вакили Н.Ходбейнинг ТИФ Миллий банки ҳамда «Westbury Hotel Group» билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги «Toshkent Palas» ва «Registon Plaza» меҳмонхоналари базасида бир неча 5 юлдузли отелларни қуриш тақлифини берганини, жорий йилнинг апрель-май ойларида юртимизда бўлган Чехиянинг «Объектив» телеканали Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари ҳақида ҳужжатли фильм суратга олганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шу ўринда «Ўзбектуризм»нинг ҳомийлик ишлари ҳақида икки оғиз сўз. Ўзининг вазифалари сирасига бола-болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари учун сайёҳлик хизматларининг фойдаланиш имкониятини яратишни ҳам қўйиб қўйган компания томонидан «Мустақам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилнинг биринчи ярми йилгида минтақавий бўлиmlар томонидан «Камолот» ЕИХ, «Маҳалла» жағмармаси, сайёҳлик фирмалари ҳамда вилоят ҳокимликлари билан биргаликда режага мувофиқ кам таъминланган оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Навоий вилоятларидаги қадимий ишларни юқори баҳолаган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Жанубий Кореянинг Кёнжу шаҳрида бўлиб ўтган Бош ассамблеясида 150 дан ортиқ аъзо-давлат орасидан Ўзбекистонни UNWTOнинг 2011-2015 йилги даври учун Ижроқўм аъзоси сифатида қабул қилди.

Айна UNWTO бошчилигида, шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан пойтахтимизда ҳар йили ўтказиладиган Тошкент халқаро туристик ярмаркаси эса соҳа вакиллари мазкур брэндни янада такомиллаштириш имконини берди, десак муболаға бўлмайди. 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма майдонининг сўнгги тўрт йилда қарийб 2 баробар кенгайгани, экспонатлар сони 3 мартага кўпайгани эса ярмаркага қизиқиш ортаётганини кўрсатмоқда.

Айна пайтда жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида «Ўзэкспомарказ» кўргазма майдонларида бўлиб ўтиши кутилаётган XVIII Тошкент халқаро туристик ярмаркасини юқори даражада ташкил этиш бўйича фармойиш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, — дейди А.Темирходжаев. — Ўз навбатида, «ТХТЯ-2012»да қатнашиш шартлари баён этилган флаерлар, мультиме-



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТўҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 31 август кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди

Ялпи мажлисининг иккинчи кунинда сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўйбга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказди.

Мажлисида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бора-бора муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисидаги ахборотни кенг ёйиш мақсадида мунтазам равишда халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, анжуманлар ва конференциялар ўтказилмоқда. 2011 йилда 50 дан ортиқ, 2012 йилнинг биринчи ярмида эса 32 та чет эл делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ташкил этилиб, бизнес-анжуманлар ўтказилди. Иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида 2011 йилда Япония, Бирлашган Араб Амириклари, Бельгия Қиролиги, АҚШ, Польшада, шунингдек, Испаниянинг Мадрид ва Барселона шаҳарларида 7 та бизнес-анжуман ва давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбирлар яқунлари бўйича ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш тўғрисида 52 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз минтақаларининг истиқболли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳалар рўйбга чиқарилиши устидан тизимли мониторингни амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда ҳар йили минтақавий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Умуман, мазкур дастурлар доирасида 2011 йилда 1226 та лойиҳа бўйича жами 841,2 миллион АҚШ доллари миқдоринда инвестициялар жалб этилган бўлиб, бу ҳисобот даврининг прогностига нисбатан 110,2 фоизни ва 2010 йил кўрсаткичига нисбатан 118,5 фоизни ташкил этди.

Парламент эшитишида савол-жавоб тарзида кенг фикр алмашув бўлиб ўтди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларининг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига дахлдор бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишни қудратли омил бўладиган 9 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини تامомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Ҳамма нарса инсон учун, инсон манфаатлари учун

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида «Мустақкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг моҳияти ана шу тамойилга қаратилмоқда



Зумрад АБРОРОВА,
«XXI ASR»

Жорий йилнинг «Мустақкам оила йили» деб номланиши ва шу асосда тегишли Давлат дастурининг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий соҳада улкан ижобий ўзгаришлар яшаш имконини бермоқда. Жумладан, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси ва раҳбариятининг ушбу Давлат дастури таъминлашга жиддий эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун корхонада «Мустақкам оила йили» дастурини амалга ошириш бўйича махсус комиссия ташкил этилган.

Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи тизимда минглаб одамлар меҳнат қилади, — дейди завод директори ўринбосари, мажор комиссия раиси Мавжуда Хурсанова. — Уларга фақатгина ишчи кучи, техник ва иқтисодий ресурс сифатида қараш нотўғри бўлади. Чунки ҳар бир ходим ўзича бир олам. Ҳар бир одамнинг ўз орзу-истаклари, режа ва мақсадлари бўлади. Оилалардаги маънавий муҳит ҳамда муносабатларни соғломлаштирмай туриб улар фаровонлигига, оила аъзоларининг саломатлигини юксалтирмай туриб оила мустақкамлигига эришиш қийинлигини ҳеч ким инкор этмас керак. «Мустақкам оила йили» Давлат дастури амалга татиқ этиши ана шу мақсадларга

эришиш имконини бермоқда.

Корхонада оила институтини ривожлантиришга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, бу масалага жамият эътиборини кучайтиришни назарда тутувчи талаблар юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги соҳасида миллий хусусиятлар ва анъаналарни, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан қўшимча қоидаларни назарда тутадиган қонун лойиҳаси юзасидан вилоят ҳокимлиги комиссиясига бир неча амалий тақлиф берилди. Хусусан, жамоа вакиллари билан тегишли масалалар бўйича муҳокамалар ўтказилиб, уларда ўртада ташланган мулоҳазалар асосида хотин-қизлар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёшга ошириш, бунда никоҳ ёшини бир йилгача камайтириши мумкин бўлган истисно қилинадиган ҳолатларни аниқлаштириш, қораларни асраб олиш механизмининг такомиллаштириш, тарбия муассасасига жойлаштирилган боланинг ота-онасидан суд томонидан ундирилмаган алиментларни бандада шу бола номига очилган ҳисоб-рақамда жамғариш ва унга вояга етганидан сўнг тўлашни кўзда тутувчи тартибни жорий этиш, ажралишда айбдор деб топилган эр ёки хотинга нисбатан, улардан бири фарзанд тарбиясига масъул бўлиб қолган ота ёки онага фарзандлар учун ундирилиши шарт бўлган маъна-

вий зарарни қоплаш механизмининг такомиллаштириш ҳамда оилани мустақкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш бўйича тақлифлар берилди.

— Ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар берилмоқда ҳам заводдаги маънавий қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда, — дейди М.Хурсанова. — Хусусан, уй-жойга эҳтиёж сезаётган ишчи-хизматчиларга ипотека кредитларини бериш учун ресурсларни шакллантириш механизми ишлаб чиқилди. Марғилон шаҳрида, Олтиариқ ва Тошлоқ туманларида ёш оилаларга сотиш учун 60 та коттедж уйлари қуриш лойиҳалари тасдиқланиб, тендерга қўйилди. Улар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фойда ставка бўйича 15 йилгача муддат билан ипотека кредитлари берилади.

Завод раҳбарияти сайёҳаракати билан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиш ҳам изчил йўлга қўйилган. Жумладан, 2012 йил 16 апрель кун Фаргона шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари рўйхати, стенд-

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

— Заводда ишчи-хизматчи-

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

лар, тарқатма материаллар, бошланғич келишувлар тузишга оид ҳужжатлар тўплами шакллантирилиб, «Таълим ва карьера» кўргазмасида иштирок этилди ва 74 нафар ёш билан ишга қабул қилиш борасида шартномалар имзоланди.

ЗАВОД ТАСАРРУФИДАГИ 28 ЦЕХ ҚОШИДА КАСАНАЧИЛИК ГУРУҲЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ШУ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНЬ ҲОЛАТИГА ЖАМИ 471 НАФАР КАСАНАЧИ ИШГА ОЛИНГАН, 1 ГЕКТАР МАЙДОНДА БАЛИҚЧИЛИК, 2 ГЕКТАР МАЙДОНДА ИССИҚХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, ҚЎШИМЧА 18 ТА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАНИ ҲАМ ФИКРИМИЗГА МИСОЛ БЎЛИШ МУМКИН.

ларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратаёلمиз, — дейди М.Хурсанова. — Жумладан, Фаргона ва Марғилон шаҳарлари, Тошлоқ, Езёвон, Қўштепа ва Олтиариқ туманларининг ФХДЭ мудирлари иштирокида «Сиз оилангиз учун масъулсиз» мавзюда туркум учрашулар ташкил этилди. Ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Оила» ва «Фуқаролик» кодекси юзасидан савол-жавоблар ташкил этилди.

Корхонада ишчи-ҳодимлар учун жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам бирламчи эътибор қаратилаяпти. Хусусан, айни кунда завод ҳудудида сартарошлик, тикувчилик, пойабзал, офис техникасини таъмирлаш каби маиший хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорларни жалб этган ҳолда қўшимча иш ўринлари ташкил этиш, махсус маиший хизмат биносини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, янги иш ўринларини яратиш ва тасдиқланган ҳудудий дастурлар доирасида аҳоли бандлигини таъминлашни рағбатлантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда хотин-қизларни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиш орқали завод ишчилари моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Завод тасарруфидаги 28 цех қошида касаначилик гуруҳлари ташкил этилиб, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига жами 471 нафар касаначи ишга олинган, 1 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилиб, қўшимча 18 та иш ўрни яратилган ҳам фикримизга мисол бўлиш мумкин. Таъкидлаш керак, янги иш ўринларини эгаллаганлар аҳоли бандлигини таъминлаш борасида

қичида эса иккинчи ўринни эгаллаб, махсус совға билан тақдирланди.

— Сир эмас, одамзот қўлидан иш келиб турган пайти азиз бўлади, ҳаммага керак бўлади. Аммо кексайғач, ўзгалар ғамхўрлиги ва кўмагига муҳтож бўлиб қолади. Шу сабабдан, кўп йиллик умри ва кучини заводга бағишлаган фахрийларни мунтазам қўллаб-қувватлаш корхонада устувор масалалардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, завод «Фахрийлар» кенгашида 2012 йилнинг иккинчи чорагида жами 1586 нафар фахрий рўйхатга олинган бўлиб, улардан 41 нафари 1-гурӯх, 126 нафари 2-гурӯх, 27 нафари 3-гурӯх ногиронларидир. Шунингдек, уларнинг 37 нафари ёлғиз кексалар, 8 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидир. Ишчи-хизматчи ва фахрийларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг ҳар бирига жорий йил давомида коммунал тўловлар ҳамда моддий ёрдам учун ҳар ойда 110 минг сўмдан маблағ ажратилиб, жами 1744 млн. 600 минг сўм сарфланди. Ҳар ойда 70 минг сўмдан, уларга тенглаштирилган фуқароларга эса 50 минг сўмдан моддий ёрдам ажратилмоқда. Бундай харажатлар учун умумий ҳисобда 3 млн. 300 минг сўм сарфланди. Шу билан бирга, 47 нафар ёлғиз яшовчи пенсионерга ва 41 нафар 1-гурӯх ногиронига ҳар ойда энг кам иш ҳақи миқдоридан озиқ-овқат учун маблағ ажратилапти.

Маълумки, аҳоли саломатлигини сақлашда спортнинг ўрни бекиёс. Спортга меҳр қўйган, у билан мунтазам шу-

Яқинда аёллар ўртасида ўтказилган «Граунд голф» спорт мусобақаси ҳам узоқ вақт ишчилар хотирасида қоладиган бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида «Соғлом она – соғлом фарзанд» тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда онанинг ўрнини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда заводдаги жами 32 та цех ҳамда участкалардан биттадан вакил иштирок этиб, ўз жамоадошлари шарафини ҳимоя қилди. Спорт мусобақаси иштирокчилари ҳамда голиблари гулдаста, эсдалик совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Заводда, шунингдек, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Шу боис болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спортга кенгрок жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларга юқори малакали устоз ва мураббийларни бириктириш мақсадида завод тасарруфидаги «Спорт мажмуаси» 2012 йилнинг манзилли дастурига киритилиб, жорий йилнинг 3-чорагида ақунланиши режалаштирилаяпти. Шунингдек, завод тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромуҳлари реконструкция қилиниб, дам олиш корпуслари қурилиши олиб борилмоқда.

— Такрор бўлса-да айтишим жоиз, барча чора-тадбирларда аёлларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди М.Хурсанова. — Зеро, улар оила таянчи, соғлом ва баркамол авлодни воғга етказишда муҳим ўрин тутувчи бўғиндир. Шу боис аёлларга ва оилаларга кўрсатилаётган ёрдам сифатини яхшилаш, оналар ва





Барқарорликдан — янада юксак марралар сари

Истиқлол йиллари Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос банк тизими шаклландики, буни нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқдалар. Хусусан, мана уч йилдирки, «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишини «барқарор» деб тасдиқламоқда



**Шаҳзод НАЗАРОВ,
Ориф ЎЛМАСОВ,
«XXI ASR»**

Андижон вилоятида ҳам мазкур тизим изчил ривожланаётди. Буни банк ва мижоз ўртасидаги муносабатлар ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, кейинги йилларда Андижонда Марказий банк ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга тижорат банклари томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса янгидан-янги ютуқларга замин ҳозирламоқда. «Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи» ҳаётий шиори остида соҳа вакилларига моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак берилаётди. Энг асосийси, вилоят тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Хусусан, 2012 йилнинг ўтган ярим йиллигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банклар томонидан жами 178 млрд. 335 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, белгиланган 146 млрд. 249 млн. сўмлик прогноз 122 фоиз-

га бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга ортган. Ана шу маблағларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишига эътибор қаратсақ, 48,9 млрд. сўми саноат соҳасига, 26,1 млрд. сўми қишлоқ хўжалигига, 32,2 млрд. сўм маблағ қурилиш ва маиший хизмат кўрсатишни ривожлантиришга, 45,9 млрд. сўми айланма маблағларни тўлдиришга ва 25,2 млрд. сўми бошқа тармоқларга йўналтирилди. Мазкур маблағлар ўз самарасини бериб, вилоятда қўшимча 11 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга микрокредитлар ажратиш салмоғи ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, вилоят миқёсида микрокредитлар ажратиш бўйича 38,4 млрд. сўм режа-прогноз белгиланган бўлиб, ана шу маблағ ортиғи билан, яъни 49,1 млрд. сўмга етказилди. Бу рақам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробарга ошди. Шунингдек, 26,6 млрд. сўм озиқ-овқат, 36,9 млрд. сўм миқдордаги маблағ ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда касб-хунар коллежи битирувчиларини бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 1,9 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан ки-

2012 ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЛТИ ОЙИ ДАВОМИДА 15 МЛРД. 630 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛИБ, БЕЛГИЛАНГАН 9 МЛРД. 600 МЛН. СЎМЛИК РЕЖА 163 ФОИЗГА БАЖАРИЛДИ. ХУДУДАГИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲАМ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, АНА ШУ МАҚСАДЛАР УЧУН 4 МЛРД. 388 МЛН. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

чик бизнес субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 2012 йилнинг ўтган олти ойи давомида 15 млрд. 630 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиб, белгиланган 9 млрд. 600 млн. сўмлик режа 163 фоизга бажарилди. Худуддаги банклар томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ана шу мақсадлар учун 4 млрд. 388 млн. сўм миқдорда кредит йўналтирилди.

Маълумки, оила қўрғонининг ҳақиқий бекалари бўлган аёлларимиз бугун ўзларининг ташаббускорликлари билан жамиятнинг ҳар бир бўғинида фаол иштирок этишмоқда. Андижонлик хотин-қизлар орасида ҳам тадбиркорликка қўл уриб, янги иш ўринлари яратган ишбилармон аёллар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Улар фаолияти тижорат банк-

лари томонидан ўз вақтида молиявий қўллаб-қувватланаётгани туфайли жойларда янги иш ўринлари яратиш режалари ортиғи билан адо этилмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тадбиркор аёлларга 20,1 млрд. сўм кредит маблағи ажратилганида ҳам кўриш мумкин. Ушбу рақам ўтган йилнинг шу даврида 11,8 млрд. сўмни ташкил этган эди. Бу кундан-кунга чирой очётган Андижон вилоятидаги ўрта қатлам вакиллари орасида опа-сингилларимизнинг ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далолатдир.

Албатта, ўз бизнесини ташкил этишни хоҳлаган ҳар бир фуқарони мавжуд шароитлар, берилган имтиёزلардан хабардор этиш муҳим аҳамият касб этади. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, Марказий банк ташаббуси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга

қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонуни, Президент фармон ва қарорлари, Вазирил Маҳкамаси қарорлари билан яратилган имтиёزلар, шарт-шароитларни тўлдириш мақсадида жойларда мавжуд тижорат банклари, сиёсий партиялар ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирликда амалий учрашув ва анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилди. Бу эса аҳоли кенг қатламлари ва банклар ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайтилишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Ўз навбатида, банкларнинг барча филиалларида тадбиркорларнинг энг яқин маслаҳатчисига айланган «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган.

Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида тўхталиш жоиз. Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида тайёр енгил саноат маҳсулотлари (тикув-трикотаж, пайпоқ) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналарни ташкил этишга доир худудий манзилли дастур бўйича тижорат банклари томонидан йил бошидан жами 5 млрд. 509 млн. сўм, шунингдек, 7 млн. 922 минг АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Берилаётган кредит маблағлари туфайли енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар салмоғи ортиб, улар нафақат ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдирмоқда, балки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида хорж бозорларини ҳам забт этишга ётир. Ана шулардан бири Хўжаободдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Барчиной» хусусий корхонасидир. 200 га яқин киши меҳнат қилаётган корхонада иш самарали ташкил этилганлиги туфайли жорий йилда маҳсулот сотиш ҳажми 4 млрд. 402 млн. сўмни ташкил этди. Экспорт улуши эса 78 фоиздан иборат бўлди.

— Ешлигимда чет элларда тайёрланган кийим-кечакларни кўриб, юртимизда ҳам ана шундай либослар тайёрлаш-



нинг имкони туғилармикин, деб кўп уйлардим. Мустақиллик туфайли ва тижорат банкларининг молиявий кўмаги эвазига ана шу эзгу ниятларим ижобат бўлди, — дейди корхона раҳбари Раҳимберди Рахимов.

Тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки йилларида бирмунча қийинчиликлар бўлди, аммо Раҳимжон орқага чекинмади. Бир қатор хорижий фирмалар билан алоқа ўрнатиб, турли хил дастгоҳлар келтирди. Бугун ўша ускуналарда турли грамаждаги супрем, интерлок, жакард матолари тўқилмоқда. Буюк цехи эса бир

кунда 2500 кг матони 20 хил рангда бўяш қувватига эга. 15 кишидан иборат кенг ва ёруғ тикув цехида эса иш қизгин. У ерда 50 хилдан ортиқ эркаклар, аёллар ва болалар либослари тикилмоқда. Энг асосийси, корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга нафақат юртимизда балки кўллаб чет эл мамлакатларида ҳам талаб ортиб бормоқда. Замонавий тикув дастгоҳларини моҳирлик билан бошқараётган қиз-жувларни кўриб, кишини ҳаваси келади. Бу дегани, Раҳимжон маҳалладошларини доирлик иш билан таъминлашдек савобли ишни ҳам удалаляп-


ти. Хўжаободлик тадбиркорнинг ютуқлари муносиб баҳоланиб, рағбат топиб бормоқда. 2009 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор номинантисининг» голиби бўлди. Бу ҳам бўлса, юртимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар эшиги очилаётганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, интиланганга толе ёр, деганларидек, мустақил юртимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун белни маҳкам боғлаб, сидқидилдан меҳнат қилаётган юртдошларимиз шаънига ҳар қанча тахсинлар айтилса арзийди. Улар учун эришилган ютуқлар чегара эмас, албатта. Халқимиз бундай тиниб-тинчимас ишбилармонларни ҳар доим қадрлайди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар самарасининг бир қисмини Андижонда ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда вилоятда тижорат банкларининг молиявий кўмаги туфайли хусусий шифо маскани очиб, эл дардига малҳам бўлаётганлар сони ортиб бораёпти. Ана шулардан бири «Соғлом турмуш» клиникасидир. Бугун мазкур клиникада терапия, психотерапия, педиатрия, неврология, эндокринология, офтальмология, наркология, дерматология, рентген диагностика, тиббий радиология каби бир неча турдаги замонавий тиббий хизматлардан аҳоли баҳраманд.

Тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари мавжуд ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратилиши хусусида гапирадиган бўлсак, ушбу йўналишга 85 млрд. 546 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг ҳисобига 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилгани қувонарлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, бошқа худудларда бўлганидек, Андижон вилоятидаги банклар ҳам муносиб ҳисса қўшяптилар.



Навоий — саҳро бағридаги мўъжиза шаҳар

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, ёш ва кўркам шаҳар Навоий — Ўзбекистоннинг фахру ифтихори ҳисобланади. Айни пайтда Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидаги масканда асос солинган Навоий- дўстлик ва биродарлик шаҳри дея ҳам эътироф этилаётир. Чунки бу ерда 80 дан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқдалар

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR»

Яқинда Навоий ўзининг 54 йиллигини кенг нишонлади. Ана шу даврнинг жаннатмонанд она Ўзбекистонимиз осмони узра истиқлол кўши балқиган 21 йили навоийликлар учун том маънода юксалиш йиллари бўлди, дея ишонч билан айтиш мумкин.

— Ҳар сафар Навоийда бўлганимда, албатта бирон-бир янгиликку гувоҳ бўламан, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Кадрдон шахримдаги ҳар қандай ўзгариш киши қалбини ҳаяонга солади, кўзларни қувонтиради. Ҳамшаҳарларим бунёд этаётган бир-

Хўш, бу нимадан далолат беради? Бу, шубҳасиз, истиқлол берган имкониятлардан оқилон фойдаланиш, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси таъминланаётгани, шаҳар ҳокимлигининг бу борадаги изчил саяёҳаракати натижасидир. Айни пайтда барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 83,2 миллиард сўмга, ёки ўтган 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 112,1 фоизга ошган. Ушбу маблағларнинг 2 миллиард 469,1 миллион сўми хорижий инвестиция ва кредитлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, улар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратиш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, қолаверса, мамлакат тараққиётига бевоси-

қилиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳукумат дастурлари асосида 12 та иссиқхона қурилди. Бунинг учун тижорат банклари-нинг 1,2 миллиард сўмдан ортиқ кредити йўналтирилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги ташкил этилган ишлаб чиқариш қувватларини замонавий техника ҳамда технологиялар билан қуrollантириш бўйича 6 та лойиҳа асосида 1 миллион 900 минг АҚШ долларлик иш бажарилиб, 125 та янги иш ўрни яратилди.

Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори асосида 34 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу

ёшлар учун том маънода байрам совғаси бўлди.

Шу ўринда 2 та янги, кўп қаватли уйнинг 64 та хонадонидан ҳовли тўйларни ўтказилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аҳоли маблағи ва қисман тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобидан эса жами 8 минг квадрат-метр уй-жой қуриб битказилди. Яна 250 та хонадонли 4 та кўп қаватли уйларида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, шаҳарда олий спорт маҳорати мактаби, кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда виллоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари биноларида қурилиш ва реконструкция ишлари ниҳояланмоқда.

Айни пайтда аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатиш учун 14 та уюшма корхона ва ташкилотларида 633 та замонавий автоуловлар бўлиб, улар ёрдамида жорий йилнинг 6 ойида 1,3 миллиард сўмлик хизмати кўрсатилди. Ёки бу борадаги режа 119 фоиздан ошди. Шаҳар аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, транспортда хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш мақсадида тадбиркор Салоҳиддин Жамолов раҳбарлигидаги “Асқом-жтранс” МЧЖ жамоаси мустақиллигимиз неъматини ISUZU русумли автобуслардан 22 тасини олиб келиб, Навоий шаҳрини қўшни шаҳар ва туманлар билан боғловчи шаҳарлараро янги йўналишларга қўйди.

Халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати, тадбиркор Фарҳод Эрназаров раҳбарлигидаги “Трейдинг сервис” МЧЖ жамоаси ҳам аҳоли ва шахримиз меҳмонларига меҳмонхона хизмати кўрсатишни жаҳон андозаларига етказишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, Юртбошимиз томонидан илгари сурилган кучли ижтимоий ҳимоя тамойилига кўра, меҳнат бозорига кириб келаётган аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳар “Бандлик” дастури қабул қилиниб, жорий йилнинг 7 ойида жами 4601 та янги иш ўрни яратилди. “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида эса яқинда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 582 та ва уй меҳнатини йўлга қўйиш ҳисобига 659 та иш ўрни ташкил этилди. Шу ўринда яратилган иш ўринларининг 1664 тасида оила бекалари — мунис хотин-қизларимиз фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Навоий шаҳар ҳокими, O'zLiDeP аъзоси Баҳодир Жўраевнинг таъкидлашича, бугун энг асосий вазифалардан бири бу — келажакимиз ворислари бўлган коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласидир. 2011-2012 ўқув йилидан шаҳардаги 8 та касб-ҳунар коллежини битирган 4710 нафардан зиёд талабанинг ярмидан кўпроги 1 август ҳолатида иш билан таъминланди. Ўз бизнесини бошлаш истагини билдирган 65 нафар йигит-қизга эса 273 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредитлари ажратилди. Доимий иш ўрнига эга бўлган битирувчиларнинг 1515 нафари янгидан яратилган ва бўш иш ўринларига жойлашган бўлса, 590 нафари квоталанган иш ўринларига эга бўлдилар. Бундан ташқари, июль ойида 4 та шаҳар коллежида битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, уларда 232 нафар битирувчи доимий ишга жойлаштирилди.

Тахлилчилар шаҳар тиббиёт муассасалари бирлашмаси тасарруфидаги касалхона ва поликлиникаларнинг “Саломатлик-1”, “Саломатлик-2”, ва “Саломатлик-3” дастурлари асосида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши, шифокор ва ҳамшираларнинг тизимли



НАВОИЙДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИ ЎЛАРОҚ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ УЛУШИ КҮН САЙИН ОРТИБ БОРАЯПТИ. ЖУМЛАДАН, ХУСУСИЙ СЕКТОР ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ УЛУШИ 98,1 ФОИЗ, АСОСИЙ КАПИТАЛГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРДА 27,0, ҚУРИЛИШ ИШЛАРИДА 67,7, ЧАКАНА САВДО АЙЛАНМАСИДА 41,7 ВА ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДАГИ ҲИССАСИ ЭСА 31,9 ФОИЗГА ЕТДИ.

равишда малака оширишлари касалликларнинг кескин камайишига хизмат қилаётганини таъкидлаётганлар. Бевосита шаҳар ҳокимлигининг саяёҳаракати билан аҳоли саломатлигини сақлаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш, тиббий-санитария маданиятини ошириш учун тарғибот-ташвиқот ишларининг изчил йўлга қўйилгани ва ҳар бир МФЙда тиббий патронаж ҳамшираси лавозимининг жорий этилгани ҳам ижобий самара бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг фахри-ифтихори бўлган Навоий ва навоийликлар истиқлолнинг 21 йиллик тўйини улкан зафарлар билан қутиб олмақда.

Юртбошимиз Ислам Каримов Навоийда бўлганларида, “Бугунги кунда Навоий шаҳри мамлакат иқтисодиётига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. “Дўстлик” ордени Навоий кон металлургия комбинати фан ва техниканинг замонавий ютуқлари, ноёб технологияларни қўллаган ҳолда, мамлакатнинг бош валюта цехига айланиб қолди ва дунёга танилиб, жаҳондаги энг йирик олтин казиб олувчилар қаторидан жой олди. Шаҳар ва бутун минтақанинг энергетик мувозанати навоий иссиқлик электр станцияси ОАЖнинг бир маромдаги иши орқали таъминлаб келинмоқда.

Бутун Марказий Осиёда минерал ўнгитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишга доир кимёвий воситалар ва қурилиш саноатининг “нон”ини ишлаб чиқариш бўйича “Навоийазот”, “Электрхимзавад” ва Қизилқумцемент” каби очик турдаги акционерлик жамиятлари билан тенг рақобатлаша оладиган корхоналарни топиш қийин” деган эдилар.

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари, навоийликларни доимо улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳар соҳада илғор бўлишга, билдирилган юксак ишончни оқлаш учун фидокорона меҳнат қилишга, “Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш”га чорлаб турибди. Буни истиқлол тантаналари арафасида ишга туширилган янгидан-янги йўллар, замонавий коллеж ва лицейлар мисолида ҳам қўриш мумкин.



биридан гўзал ва бетакорр иншоотлар, равон йўллар, ишлаб чиқариш, савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари, албатта, истиқлол шарофатидандир.

Бутун дунё афкор оммасини иқтисодий буҳронлар ташвишга солаётган айни кунларда ҳам Ўзбекистонимизнинг барча ҳудудларидагидек Навоий шаҳрида ҳам барча тармоқларда барқарор иқтисодий ўсиш даражаси таъминланмоқда. Жорий йилнинг ярим йиллик ижтимоий- иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизга ўсганидан далолат бермоқда. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 113,4 фоизга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,2, пудрат ишлари ҳажми 126,9, чакана савдо айланмаси 117,9 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 110,1 фоиз ўсган.

та дахлдорлиги назарга олинса, бу борада ҳам Навоийда салмоқли ишлар амалга оширилган лойиҳалар ҳисобига 143 Агар, 2011 йилнинг 6 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард 368 миллион сўм кредитлар йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 3 баробарга қўлайиб, 4 миллиард сўмдан ошди. Ўзлаштирилган 10,2 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ эвазига 40 та лойиҳа асосида 3 та ноозиқ-овқат ва 13 та озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 24 та турли соҳаларда аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш объекти ишга туширилди. Энг муҳими эса ана шу ҳисобдан 180 та янги иш ўрни яратилди.

Бетақорр заминимиз имкониятларидан тўғри фойдаланиш, халқимиз дастурхонини кишин-ёзин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўқин

йўналишда ҳам салмоқли ишлар амалга оширилган. Шу ўринда фойдаланишга топширилган лойиҳалар ҳисобига 143 Агар, 2011 йилнинг 6 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард 368 миллион сўм кредитлар йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 3 баробарга қўлайиб, 4 миллиард сўмдан ошди. Ўзлаштирилган 10,2 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ эвазига 40 та лойиҳа асосида 3 та ноозиқ-овқат ва 13 та озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, 24 та турли соҳаларда аҳолига маиший ва сервис хизмати кўрсатиш объекти ишга туширилди. Энг муҳими эса ана шу ҳисобдан 180 та янги иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг “2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Навоий кон металлургия комбинати Давлат корхонаси, “Қизилқумцемент” ва “Навоийазот” ОАЖ, “Электрхимзавад” ҚК ЕАЖ, шунингдек, “Тизол-Н”, “Химреактив”, “Кимё сервис Навоий” сингари 7 та йирик корхонада 48 та лойиҳа ўзлаштирилди, хорижникидан қолишмайидиган маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Натижада мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш учун зарур бўлган 97,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ тежаб қолинди.

«Мустаҳкам оила йили» ҳам навоийликлар учун қувончли воқеалар йили бўлмоқда. Хусусан, Юртбошимиз раҳнамолигида ўтказилаётган “Умид ниҳоллари-2012” мусобақалари арафасида 10 минг томошабинга мўлжалланган тендер қиймати 22,5 миллиард сўм бўлган марказий ўйингоҳ ишга тушди. 3,7 миллиард сўм маблағ эвазига қурилган “Ёшлар маркази” биноси, ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган “Аква парк”нинг фойдаланишга топширилиши ҳам аҳоли, айниқса,





Улкан имкониятлар мамлакати

Мустақиллик йилларида тадбиркорликка тараққиёт ва аҳоли фаровонлигининг асоси сифатида эътибор қаратилгани боис тарихан қисқа вақт мобайнида мулкдорлар қатлами жамиятнинг энг фаол қисмига айланди



Дилшод ШОУМАРОВ,
O'zLiDeP Учтепа туман кенгаши
раиси, «Dimax» саноат-савдо
кўргазма бизнес-маркази Қузатув
кенгаши раиси

Бунда, шубҳасиз, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси шакллантирилгани хусусий секторнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлди.

«DIMAX» Бизнес-маркази ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, қурилиш соҳасида бизнес вакиллари фаолиги ва салоҳиятини ошириш, уларнинг мавжуд имкониятлар, имтиёзлардан самарали фойдаланишлари учун тегишли шароитлар яратиш бўйича кенг фаолият олиб бормоқда.

Таъкидлаш керак, марказ олдида қўйилган улкан мақсадлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қўйилган вазифалар билан ҳамма ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам мажмуада улгуржи ва чакана савдо фаолиятини олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш билан шугулланаётган кичик бизнес вакиллари манфаатларидан келиб чиқиб, мажмуани саноат-савдо кўргазма бизнес-марказига айлантиришга қарор қилдик. Ушбу лойиҳа доирасида «Stroy Land Dimax» бренди остида доимий фаолият кўрсатувчи халқаро қурилиш ярмаркасини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, мажмуага кейинчалик саноат ҳудуди мақоми бериш кўзда тутилиб, ҳудудда ҳамкор бизнес вакиллари билан биргаликда бир нечта ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилади.

Айтиш жоиз, мазкур марказ иш бошлагач, истеъмолчи ва буюртмачилар учун сифатли ва арзон маҳсулотларни бир жойнинг ўзидан харид қилиш имконияти туғилади. Яъни, маҳаллий қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, шу билан бирга халқаро брендга эга компанияларнинг маҳсулотларини етказиб берувчи ҳамкорларнинг ўзаро муносабатлари билан янада жипслик касб этади. Энг асосийси, мажмуа замонавий кўргазма-савдо технологияларига эга бўлиб, бу ерда

харид қилишнинг электрон шакллари, он-лайн савдо-кўргазма тадбирлари, маҳсулотлар ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Бир сўз билан айтганда, «DIMAX» саноат-савдо кўргазма бизнес-маркази ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади. Биз бу мақсадларга замонавий тадбиркорлик ва ишбилармонлик ғояларини илгари суриш, бизнес вакиллари учун қулай ташкилий-технологик, иқтисодий-ижтимоий шароитлар яратиш орқали эришиш мумкинлигини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам марказнинг асосий вазифаси аҳолини тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятига янада кенгрок жалб қилиш ва ишбилармонликка ўргатиш, десак хато бўлмайди.

Шу ўринда бизнесга хизмат кўрсатишнинг замонавий инфра-тузилмасини яратишга алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, банк-молия хизмати, лизинг ва сугурта, кредит-лаш, аудит ва бошқа комплекс консалтинг хизматлар тизимини яратиш ишбилармонлар фаолиятини янада кенгайтириш, аҳолининг кўпроқ қисмини тадбиркорликка жалб этиш имконини беради.

Шу билан бирга, олдимизда жаҳон бозорига чиқишдек улкан бир мақсад тургани ҳеч кимга сир эмас. Бунга эса факатгина ташки иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, бизнес ривожига кўмак берувчи, хизмат кўрсатувчи хорижий ташкилотлар ҳамда бизнес вакиллари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш орқалигина эришиш мумкин.

Марказда, шунингдек, қурилиш соҳаси мутахассислари, кичик бизнес вакиллари, айтиқса, коммунал соҳадаги кўп миң сонли ширкат хўжаликларига иш юритиш услубини, қурилиш-таъмирлаш ишлари, бизнес-режалар тузиш, банкдан кредит олиш, шартномавий муносабатларни

такомиллаштириш, бухгалтерия, солиқ масалалари бўйича реал ёрдам бериш учун ўқув-тренинг ва консалтинг хизматлари йўлга қўйилиши белгилаб олинди. Мазкур жараёнга, табиийки, малакали бизнес-тренерлар, ҳуқуқшунослар, менежмент ва қурилиш-муҳандислик соҳасига иқтисослашган мутахассислар кенг жалб этилади.

Албатта, ушбу марказ орқали ўз махсулот ва хизматларини тақлиф этувчи тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқарувчилар билан бир неча турдаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга киришилишини таъкидлаб ўтмоқчиман. Хусусан, ижара, дилерлик, биргаликдаги ўзаро ҳамкорлик, хўжалик, олди-сотди шартномалари, молиявий ва ҳомилийк ёрдами, комиссия, вақтинча фойдаланиш ва бошқа шартномавий муносабатлар шулар жумласидандир. Фаолиятимизни изчил олиб бориш мақсадида тадбиркорлар учун замонавий савдо дўконлари ҳамда офис хоналари тайёрлаб қўйилди. Улар барқарор коммунал тизими, электр энергия ва интернет тармоғига уланди. Савдо ва ишлаб чиқариш жараёни иштирақчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун бу ерда замонавий тиббий хизматни йўлга қўйиш санитария ва гигиена нормаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш, қасаба уюшмаси ишини фаоллаштириш, ижтимоий таъминот ва молиявий ёрдам фондиди ташкил этиш каби масалалар қатъий назоратга олинди. Ўз мақсадимизга эришиш тадбирларда турли давлат ва нодавлат ташкилотлар – Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, Солиқ инспекцияси ва Божхона кўмиталари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг жойлардаги доимий комиссиялари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, O'zLiDeP билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Марказда меҳнат муносабатларини тўғри ташкил этиш учун эса турли жамоат ташкилотлари ва тармоқ қасаба уюшмалари билан яқиндан ҳамкорлик ўз самарасини беради, деб ҳисоблайман. Айтиқса, бизнес ассоциациялари ва уларнинг аъзо ташкилотлари, хусусан, бизнес-консултантлар, тадбиркор ва ишбилармон аёллар, банклар, лизинг берувчилар, аудиторлар, ҳисобчилар, инженер-консултантлар, логистлар, бизнес-тренерлар, баҳоловчи ва сугурталовчилар, реклама берувчилар, микрокредит ташкилотлар ва бизнес-инкубаторлар, тадбиркорлар оғирини енгил қилишда ўз салоҳияти ва қонуний ваколатларидан унумли фойдаланишлариға харажат қиламиз.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифалардан бири жамият таъсисчилари томонидан пойтахтдаги намунали ширкат хўжаликларига қурилиш материалларини сотиб олиш, уларга турли хизматлар кўрсатиш борасида ҳокимликларнинг тақлифларини инобатга олиб, буюртмачилар базасини шакллантириш ҳамда шаҳар иқтисодий-ижтимоий таъминотиға амалий кўмак бериш мақсадида рентабелли ширкатларға банк муассасасидан кредит маблағлари олиш учун тегишли кафолат бериш механизминини жорий этишдир. Бу шахримиз ободлиги ва аҳолининг фаровонлигиға хизмат қилади, албатта.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлаката. Шу боис мақсадимиз ана шу жараёнда фаол иштирок этишдир. Бугунгидек Истиклол байрами шуқуқи юртимизни кезиб юрган онларда истикболимиз ҳақиқатан ҳам нузли эканиға ишончимиз янада мустаҳкамланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларни, қолаверса, бутун Ўзбекистон халқини энг азиз, энг улғу байрам – Мустақилликнинг 21 йиллиги билан марказ таъсисчилари номидан самимий муборакбод этаман.



Янги савдо маркази

Сурхондарё вилояти марказида фойдаланишга топширилган янги савдо маркази давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги нишонланаётган шу кунларда термизликларға муносиб байрам совғаси бўлди.

Барча қулайликларға эга кўркам савдо маркази расталаридан уч минг турдан ортқ озиқ-овқат маҳсулотлари жой олган бўлиб, харидорларға замонавий сервис хизмати кўрсатилмоқда. Марказда 45 киши доимий иш билан таъминланди.

Фотосурат: Абдурақимов (ЎЗА) олган сурат.



Иқтисодиётимиз қон томирлари

Истиклолнинг 21 йиллик тарихига назар ташласак, ана шу давр мобайнида асосий эътибор иқтисодий ислохотларға – хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, ўрта синф вакиллариға ҳар томонлама қўллаб-қувватлашға қаратилганини кўраимиз. Ушбу жараёнда, шубҳасиз, мамлакатимизда фаолият юритаётган 30 та тижорат банкининг 9 мингдан зиёд таркибий муассасалари муҳим аҳамият касб этапти



Азамат КОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Департаменти директори ўринбосари

Банк тизимида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар туфайли 2000-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 12 триллион 750 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шунинг ҳисобига биргина 2011 йилнинг ўзида ҳудудларда 291 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилди.

Айтиш жоизки, тижорат банклари томонидан нафақат миллий, балки хорижий валютада ҳам кредитлар бериш кенг йўлга қўйилган. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Германиянинг КФВ ривожланиш банки, Хитой Халқ республикаси ва бошқа хорижий инвесторларнинг маблағлари ҳам фаол жалб қилинмоқда.

Мисол учун, ўтган йил давомида 143 млн. АҚШ доллар миқдоридиға маблағ тадбиркорларимизнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди. Жорий йилда ҳам 129,5 млн. АҚШ доллари миқдоридиға кредитлар ажратиш белгиланган бўлиб, биринчи ярим йиллик давомида тадбиркорлик соҳасига 73 млн. АҚШ доллари миқдоридиға маблағ йўналтирилди.

Кредит сармояларидан фойдаланишнинг янада такомиллаштириш мақсадида Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси 2011 йил 1 январдан бошлаб йиллик 14 фоиздан 12 фоизға туширилди. Бу эса, ўз навбатида, тадбиркорлар учун ажратилган кредитларнинг фоиз ставкалари пасайишиға, харажатлар камайишиға, депозит маблағларининг кўпайиши ҳамда инвестицион фаолиятининг ошishiға олиб келмоқда.

Тижорат банкларининг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган бўлиб, бу ерда малакали мутахассислар томонидан молиявий хиз-

матлар, кредит ажратиш тартиб-қоидалари, хусусий бизнес ва уни ривожлантириш омиллари юзасидан зарур маслаҳатлар бериб боришмоқда.

**«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА
ФАОЛИЯТИМИЗ ДОИРАСИ ЯНАДА
КЕНГАЙИБ БОРАЁТИР. БУ ЙИЛ
БАРЧА МОЛИЯЛАШ МАНБАЛАРИ
ҲИСОБИДАН ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИГА 4,5 ТРЛН. СЎМ
МИҚДОРИДА КРЕДИТ
МАБЛАҒЛАРИ АЖРАТИШ КЎЗДА
ТУТИЛГАН БЎЛИБ, БИРИНЧИ
ЯРИМ ЙИЛЛИКДА СОҲАГА 2,9
ТРЛН. СЎМ САРМОЯ
ЙЎНАЛТИРИЛДИ. БУ ЎТГАН
ЙИЛНИНГ АЙНИ ДАВРИГА
НИСБАТАН 1,4 БАРОБАРГА
КЎПДИР.**

«Мустаҳкам оила йили»да фаолиятимиз доираси янада кенгайиб бораётир. Бу йил барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 4,5 трлн. сўм миқдоридиға кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилган бўлиб, биринчи ярим йилликда соҳаға 2,9 трлн. сўм сармоя йўналтирилди. Бу ўтган йилнинг айна давриға нисбатан 1,4 баробарға кўпдир.

Шундан 1 трлн. 103 млрд. сўми озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 291 млрд. сўми сервис ҳамда хизмат кўрсатиш, қолгани бошқа соҳалар ҳисобига тўғри келди.


Кези келганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқимиз томонидан қўллаб-қувватлаш берилаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, тижорат банкларидиға ҳисоб рақами очиш учун имзо намуналарини нотариал идораси томонидан тасдиқланиши ҳамда имзо намуналари картонкасида иккинчи имзо тўплаши талаби бекор қилинган, банк ҳисоб рақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилгани, яъни банкка бормасдан туриб тўловларни интернет тармоғи орқали амалга ошириш, ҳисоб рақаларига маблағларни белгиланган тартибда исталган жойға ўтказиш ҳамда

банк хизматларидан фойдаланиш учун янада қулай имкониятлар яратилгани, шубҳасиз, тадбиркор учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, ҳисоб рақаларига кўрсатилган хизмат ҳақини эса камида 20 фоизгача камайитириш тавсия этилган. Шу билан бирга ваколатли тижорат банклари томонидан экспорт-импорт шартномаларини рўйхатға олиши тез фурсатда, яъни 8 иш соати давомида амалга ошириш ва бошқа имтиёзлар ҳам белгиланмоқда. Булардан мақсад, биринчидан, вақтни ва маблағни тежаш, иш унумдорлигини ошириш, иккинчидан, тижорат банклари томонидан кўрсатилади-

ган хизмат сифатини жаҳон андозларига мослашдан иборатдир.

Айни пайтда, касбуна ҳақини битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятиға кенг жалб этиш ҳам Марказий банк диққат-эътиборидиға турган асосий масалалардан бири саналади. Бу борада Президентимизнинг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятиға жалб этиш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ушбу фармон янги авлод вакиллариға ўз бизнесларини ташкил этиш учун катта имконият ва имтиёзлар беради. Жорий йилда тижорат банклари томонидан битирувчи ёшларға 28 млрд. сўм миқдоридиға имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда бу иш муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, иқтисодиётимизнинг қон томири саналган банк тизими истиклол йилларида том маънода истиклолга юз тутди. Айни кунда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланишмоқда. Бу борада, шубҳасиз, банк-молия муассасаларининг хизмати катта бўлаётир.



О'ЗЛИДЕР САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*электротиими бўлими
тадбиркор ва ишбилармонлари,
бушун Ўзбекистон халқини энг улуғ,
энг азиз байрамимиз ~*

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги

*билан табриклайди.
«Мустақкам оила йили»да
барганизга оилавий бахт,
омад ва муваффақиятлар
ёр бўлишини тилаб қолади.
Байрамона кайфият сизларни
ҳеҳ қабон шарқ этмасин!*



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Модернизация самараси

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Навоий вилояти ҳудуди жиҳатидан мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикасидан кейин иккинчи ўринда туради

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR»

Вилоят ҳудуди минг квадрат-километрдан зиёд бўлиб, бу ерда 900 минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Шубҳасиз, ана шундай катта ҳудудда истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Бу борада Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Корхонанинг 8 та бўлим ҳамда 8 та хизмат, 10 та туман ва шаҳар тармоқларида фаолият юритаётган минг нафардан ортиқ нурчиларнинг тинимсиз меҳнати туфайли аҳолига ҳар кеча-кундузда 21-22 миллион кВт/соат электр энергияси етказиб берилмоқда. "Мустақкам оила йили"нинг ўтган етти ойи мобайнида жамоа саъй-ҳаракати билан 4 миллиард 126 миллион 117,3 минг кВт/соат электр энергияси ҳосил қилинган. Олинган ялпи даромаднинг салкам 29 миллиард сўми соф фойдадир.

Энергия хўжалигини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, мавжуд трансформатор нимстанциялари ва турли кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси Садриддин Ҳожиёв. — Ҳозиргача белги-ланган таъмирлаш ишларини

амалга ошириш учун 262 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Куз-қиш мавсумида энергия таъминотидаги ўзилишларнинг олдини олиш мақсадида вилоят марказидан узок ҳудудлар, хусусан, Кармана, Қизилтепа, Навбахор, Кони-мех ҳамда Хатирчи туманларида мавжуд 13 та трансформаторнинг 8 таси тўла шай қилиб қўйилди. Яқкалагичларни кучланиш остида ювиш, яқкалагич кўп синадиган жойларда шиша ва чинни яқкалагичларни ЛК-70/110га алмаштириш, 849,6 километр турли кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини дарахт шоҳларидан тозалаш ишлари режа асосида олиб берилмоқда. Қиш мавсумида истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида турли куч-

ланишли 13 та трансформатор захира учун ғамлаб қўйилди. Бунёд этилган 11,7 километрли 35/10 кВли ҳаво электр узатиш тармоғи ва 35/

кўйиш учун 1,6 километр атрофида ҳаво электр узатиш тармоғи яратилди. Мақсади-миз, ҳеч бир хонадоннинг ёнган чироғи ўчмасин.

«МУСТАҚКАМ ОИЛА ЙИЛИ»НИНГ ЎТГАН ЕТТИ ОЙИ МОБАЙНИДА ЖАМОА САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН 4 МИЛЛИАРД 126 МИЛЛИОН 117,3 МИНГ КВТ/СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ҲОСИЛ ҚИЛИНГАН. ОЛИНГАН ЯЛПИ ДАРОМАДНИНГ САЛКАМ 29 МИЛЛИАРД СЎМИ СОФ ФОЙДАДИР.

10 кВли "Ибн Сино" нимстанцияси Кармана туманида узатиш тармоқларини дарахт шоҳларидан тозалаш ишлари режа асосида олиб берилмоқда. Қиш мавсумида истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида турли куч-

Дарҳақиқат, вилоятда тилга олса арзийдиган ютуқлар талайгина. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июндаги 150-сонли қарорига асосан 214 та истеъмолчи энергия истеъмолини автоматик назорат қилиш — АСКУЭ тизими-га ўтказилганлиги, мавжуд



аҳоли яшаш жойларининг учдан икки қисмида электрон ҳисоблагичлар ўрнатилганлиги ва мансублик ҳудудига чиқарилганлиги, 16411 та нуктада пластик карточкали электрон ҳисоблагичлар барпо этилганлиги туфайли тўловдаги қарздорликларни кескин қисқартириш имкони яратилди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчиларга 4 миллиард 126 миллион кВт/соат электр энергияси етказиб берилиб, 387,227 миллион сўм маблағ ундирилишига эришилган. Бу эса корхонанинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Белгиланган дастурий режа асосида вилоят ОАЖ тизими корхоналарида айни кунгача касаначилик ҳисобида 8 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 18 нафар коллеж битирувчисини доимий иш билан таъминлаш бўйича уч томонлама шартномалар имзоланди. Улуғбек

Жўракулов жорий йилда Навоий индустриал-иқтисодиёт коллежини тугатган. Кони-мех туман электр тармоқлари корхонасида ўқув амалиёти-ни ўтагач, шу ернинг ўзида назоратчи-нурчи вазифасига ишга қабул қилинди.

— Мамлакатимизда биз — ёшлар учун катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бунинг учун беҳад миннатдоримиз, — дейди У. Жўракулов.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам. Маъмурият билан касаб-ушма кўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай иш ва дам олиш шароитлари яратиш, ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ кўпдан-кўп тадбирлар ўз аксини топган. "Мустақкам оила йили"нинг ўтган даври мобайнида 24 нафар ходимга даволаниш масканларига, 16 нафар ходимнинг фарзандларига болалар ёзги дам олиш оромгоҳларига йўллан-

малар берилди. Соғлиқларини тиклаш учун ишчи-хизматчиларга 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, буюк соҳибқирон Амир Темур қадами теккан Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларига уч кулик саёҳат уюштирилди.

Фақат шугина эмас. Саккизта туман электр тармоқлари корхоналарига бир бошдан зотли сизирлар олиб берилган. Ишчи-хизматчиларни қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2 гектар майдонда сабзи, пивёз ва шолғом етиштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, навоийлик нурчилар эл-юрт дуосини олиш учун астойдил изланишмоқда. Уларнинг 40 нафардан зиёдроғи "Энергетика фахрийси" унвони соҳибдир. Шунинг ўзи корхонадаги фаол яратувчанлик муҳитидан, яхши аъёналар давом этаётганидан далолат беради.





Ўзбекистон — иқтидорли ёшлар мамлакати

21 йиллик тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида асрларга татиғулик ислохотлар амалга оширилди. Бугун фан, таълим, ишлаб чиқариш, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқларимизни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Хусусан, келажак эгалари бўлган ёшларнинг маънавий камолоти ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани таҳсинга лойиқдир. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти, маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур”

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ўзбек зиёлилари азалдан илм-фанни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиб, ёш авлоднинг билим олиши, юксак интеллектуал салоҳият эгалари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга интилишган. Жумладан, 1918 йилда Тошкентнинг эски шаҳар худудида Мунавварқори Абдурашидов, Махмуджон Бехбудий, Абдулла Авлоний сингари маърифатпарварлар ташаббуси билан миллий до-рилфунун ташкил қилинганлиги тарихдан яхши маълум. Илмий даргоҳ дастлаб Халқ университети номи билан фаолият кўрсатган бўлса, 1920 йилдан Туркистон давлат университети, кейинчалик Ўрта Осиё давлат университети ва 1960 йилдан 2000 йилгача Тошкент давлат университети деб юритилган. 1995 йил 14 сентябрда эса Тошкент Давлат университетига Мирзо Улуғбек номи берилди. Орадан беш йил ўтгач, Президентимиз фармонида мувофиқ ушбу илм даргоҳи “Миллий университет” макomini олди.

Айни кунда университетда 13 та факультет бўлиб, 45 та бакалаврият таълим йўналиши ва 100 дан ортиқ магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Истиқлол йиллари илм даргоҳини турли соҳалар бўйича 40 мингдан

ортиқ йигит-қиз тамомлаб чиқилди. Эндилқда улар мамлакатимизнинг илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалари ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келишаётир. Ҳозирда университет қошида 91 та кафедра, Олий педагогика институти, Амалий физика илмий-тадқиқот институти, Олий журналистика курси ва 3 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда университетда ёшларга 1180 нафар профессор-ўқитувчи таълим-тарбия беришмоқда. Уларнинг 21 нафари академик, 200 нафарга яқини фан доктори-профессорлар, 550 нафарга яқини фан номзоди-доцентлар, 400 нафардан ортиги эса катта ўқитувчи ҳамда ўқитувчи-ассистентлардир. Илмий жамоанинг бутун салоҳияти ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлар сифати ҳамда самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Халқаро талабаларга мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, хорижий мамлакатлардаги нуфузли фан ва таълим марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Япония, Австрия, Греция, Хитой халқ республикаси, Польша, Жанубий Корея, Германия, Чехия, Россия, Украина, Азербайжон, Туркия, Исроил, Англия, Малайзия, Швеция, Ҳиндистон, Италия ва Қозғистондаги илмий марказлар ва олий таълим муас-

сасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди. Кафедралар қошида фаолият юритаётган 18 та лабораторияда кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилаётир. Натижада ҳар йили 1500 га яқин илмий мақола (шундан 500 дан зиёди хорижда), 50 га яқин монография, 10 дан ортиқ дарслик, 200 дан ортиқ қўлланма ва илмий-услубий қўлланмалар ҳамда турли тўпламлар чоп этилди.

1995-2010 йиллар давомида халқаро грантлар доирасида 100 га яқин профессор-ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар Германия, Швеция, Швейцария, ХХР, Голландия, Ҳиндистон, Финляндия, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Россия ва Япония каби давлатлардаги нуфузли илмий даргоҳларда малака ошириб қайтилди. 100 дан ортиқ номзодлик, 60 дан ортиқ докторлик ишлари муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Яна бир нарсани унутмаслик лозим. Адабиётимизнинг кўплаб таниқли намояндлари ҳам Миллий университетнинг собиқ талабаларидир. Бугун уларнинг муносиб издошлари етишиб чиқмоқда. Сўзимиз исботи сифатида талаба қизлардан 36 нафари Зулфия номидаги давлат мукофотида сазовор бўлганини эслатиш жоиздир. Ўтган давр мобайнида истеъдодли ёшлардан 19 нафари Ўзбекистон Республикаси Президентини, 22 нафари Алишер Навоий, 19 нафари Мирзо Улуғбек, 2 нафари Беруний номидаги давлат стипендияси совриндорлари

бўлди. 2009 йили Венгрияда бўлиб ўтган XVI Халқаро фан олимпиадасида механика-математика факультети талабаси Рустам Турдиев фахрли 2-ўринни эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, кафедралардаги етакчи профессор-ўқитувчилар илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда кўл келаётир. Ҳозиргача улар иштирокида жойларда ўтказилган “Мустақиллик байрами — барчамизники, бутун халқимизники”, “Мустақиллик — энг олий неъмат”, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб “Конституция — бахтимиз қомуши”, “Инсон ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифалари”, “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — энг олий қадриятдир” мавзуларидаги тадбирлар, давра суҳбатлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда университетда жорий этилган “Устоз-шогирд” аънанаси талабаларни илмий, педагогик, ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтиришда ижобий натижа бераётганини эътироф этиш ўринлидир.

Президентимизнинг “Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳамда жойларда спортни ривожлантириш тўғрисида”ги фармонида белгиланган устувор вазифалар асосида университет фаолияти қайта кўриб чиқилди, бу ишга малакали мутахассислар жалб этилди. Спорт мажмуаси замон талаблари асосида тўлиқ таъмирланиб, янги спорт ин-



шоотлари, очиқ спорт ареналари ташкил қилинди. Бугунги кунда талабалар 20 дан ортиқ секция ва тўғарақларда спорт билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Бунинг самараси яққол сезилаёпти. Жумладан, Наманган вилоятида ўтказилган “Универсиада-2000” талаба-ёшлар спорт беллашувларида ЎЗМУ спортчилари битта олтин, иккита кумуш ва иккита бронза, 2007 йили Тошкентда бўлиб ўтган ушбу йўналишдаги мусобақада 32 та олтин, 3 та кумуш медални қўлга киритдилар. Андижон вилоятида ўтказилган “Универсиада-2010” спорт му-

собақаларида эса университет талабалари 6 та олтин, 5 та кумуш ва 3 та бронза медални соҳиби бўлишди.

2010 йили спортнинг каратэ тури бўйича Кипрда ўтказилган жаҳон чемпионатида иқтисодиёт факультети талабаси Дониёр Усмонов фахрли 1-ўринни эгаллади. Пекин Олимпиадасида механика-математика факультети талабаси Нодира Нодиржонова спортнинг шахмат тури бўйича кумуш, хорижий филология факультети талабаси Сакина Мамедова эса милтиқдан ўқотиш бўйича бронза медални қўлга киритдилар.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, бугунги кунда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида эртаимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш учун барча куч ва имкониятлар ишга солинмоқда. Ҳамжихатлик, юксак илмий салоҳият бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этаётир. Зеро, олдинда бир-биридан муҳим вазифалар турибди. Шубҳа йўқки, университет жамоаси изланишларни давом эттириб, она юртимиз равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверади.

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни, ҳар жихатдан етук ва баркамол авлод тарбияси йўлида самарали меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни

Ўзбекистон мустақиллигининг

21 йиллиги билан

йил дилдан муборакбод этади.

Улкан мақсадлар сари интилаётган юртдошларимизга ҳар жабҳада омад ёр бўлишини тилаймиз. Истиқлолнинг ҳаётбахш нафаси ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик олиб кирсин!



Ютуқларимиз истиқлол шарофатидандир

Қорақалпоғистон Республикаси деганда кўз олдимизда танти, самимий ва шу билан бирга меҳнаткаш халқ гавдаланади

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ҳа, чиндан ҳам, бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳудуди саналган Қорақалпоғистон истиқлол шарофати билан тобора кўркам ва замонавий қиёфа касб этмоқда.

Бундан 21 йил муқаддам ўлкага ташриф буюрган киши ҳозир бу ерларни танимаслиги турган гап. Ўтган давр мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби кишлқ хўжалигида ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Истиқлол туфайли мамлакатимизда чинакам мулкдор — ер эгаси пайдо бўлди. Албатта, гап фермерлик ҳақида кетаяпти. Бугун Қорақалпоғистонда ҳам ер ҳадисини олган фермерлар кўпчилики ташкил этади. Улар орасида «Тайимбет ота» фермер хўжалигининг ўз ўрни бор. Маълумки, ушбу ҳудудда деҳқончилик қилиш анча мураккаб саналади. Лекин излаган имкон топади, дейишади. Ўзбекистон Қаҳрамони Серсенбай Сейитназаров ана шу ўғитни ўзининг ҳаётги шioriға айлантира олган ишбилармон-

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН ТОБОРА КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА. БУНДАН 21 ЙИЛ МУҚАДДАМ ЎЛКАГА ТАШРИФ БУЮРГАН КИШИ ҲОЗИР БУ ЕРЛАРНИ ТАНИМАСЛИГИ ТУРГАН ГАП. ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲАМ САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ.

лардан, десак асло муболага қилмаган бўлаемиз. Бундан 12 йил муқаддам иш бошлаган фермер айна пайтда 440 гектар ерда деҳқончилик қилапти.

Тинимсиз изланиш ва ҳалол меҳнат туфайли элда кадр топиб ҳам оиласи, ҳам юртдошлари меҳрига сазовор бўлган Серсенбай Сейитназаров том маънода барҳанда бўстон барпо этди. Бундай дейишимизга асос бор. Деҳқончилик қилиш учун қийин бўлган ерга уруғ қадаб, яхши ҳосилдорликка эришаётган фермернинг меҳнати таҳсинга сазовордир. Хусусан, бу йилги ғалла режаси ҳам хўжалик томонидан ортиги билан бажарилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Пахта ҳосили ҳам яхши бўлиши куталапти.

Бугунги кунда «Тайимбет ота» фермер хўжалигида 100 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча шарт-

шароитлар яратилган. Хусусан, дала бошидаги 4 та шийпон ишчилар хизматида. Шунинг учун ҳам хўжалик фаолиятида йилдан-йилга ўсиш кузатишмоқда. Албатта, қаердаки омилкорлик, яқдиллик бўлса, шу ерда муваффақиятга эришилаверади. Серсенбай фермер одамлар орасида саховатпешалиги билан ҳам ном қозонган. Бунга сабаб унинг кўплаб хайри ишларга қўл ураётганидир. Мана, масалан, туман марказида иккита новвойхона ҳамда кишлқда муҳташам тўйхона айнан фермер ташаббуси билан барпо этилгани туман аҳолиси учун яна бир қулайликни яратди, десак адашмаймиз.

— Мустақиллик туфайли меҳнатимиз қадр топди. Ерга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, ер ўзининг чин маънода ҳақиқий эгасини топди. Шубҳасиз, буларнинг бари юртимизда кишлқ мулкдорлари бўлган фермерлар учун яра-



тилган шарт-шароит, соҳага давлат даражасида аҳамият берилётгани натижасидир, албатта. Шунинг алоҳида таъкидлашим жоиз, фаолиятимизнинг ўтган 12 йили давомида нимагаки эришган бўлсак, ҳаммаси истиқлол шарофатидандир, — дейди «Тайимбет ота» фермер хўжалиги раҳбари Серсенбай Сейитназаров. — Ишларимиз борган сари юришмоқда. Келгусидаги режаларимиз бундан улкан. Истиқлолнинг 21 йиллиги сархил қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Шунинг учун ҳам чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаймиз. Қорамоллар туёғини имкон қадар кўпайтириш пайда. Шу мақсадда 2008 йилда Голландиядан 6 бош, Эстониядан 2 бош зотли қорамоллар келтирилган эдик. Айна пайтда ушбу қорамолларнинг сони кўпаймоқда. Бундан ташқари, 2 минг бош қўй-эчкимиз бор. Чорва-озуқа базасини яратиш ҳам асосий масалалардан биридир. Шу боис 50 гектар ерга йўнғичқа ва маккажўхори экканмиз. Кўриб

турганингиздек, хўжаликда сифатли қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга барча ички имкониятлар ҳозирланган. Фақат иш самарали йўлга қўйилса бўлгани.

Излаган имкон топар, дейди доно халқимиз. Албатта, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик билан шугулланиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Фақат хоҳиш-истак бўлса бас. Тиниб-тинчимас қаҳрамонимиз Серсенбай ака ҳам ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, 2004 йилда 166 гектарлик қўл ҳавзасини тендерда ютиб олиб, баълиқчилик соҳасини ривожлантиришга киришди. Қисқа фурсатларда иш самарали йўлга қўйилди. Қўл энига ҳам, бўйига ҳам кенгайтирилди. Ҳозирда йилига 80-90 тоннагача парҳез гўшт маҳсулотлари етиштирилмоқда. Энг асосийси, аҳолининг ушбу маҳсулотга бўлган бирламчи талаби қондирилмоқда. Фермернинг эришган ютуқлари ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Албатта, фермерликнинг иқтисодий афзаллиги билан бирга катта масъулияти ҳам

бор. Ушбу соҳада тажрибанинг ўзи камлик қилади. Ўзбекистон Қаҳрамони Серсенбай Сейитназаров бунга яхши англайди. Шу боис у фақат иш билан ўралашиб қолмасдан, 2008 йилда Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалини тугатди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўпланган тажриба ва ўз ишига бўлган масъулият туфайли ўтган давр мобайнида обрў-эътибор қозонди. Айна кунда Тахтақўпирдаги 100 га яқин хонадон мана шу хўжалик орқасидан ризқ-насиба топапти. Ишчи-хизматчиларнинг барчаси катта тажрибага эга жонқуяр ва фидойи инсонлардир. Шу боис хўжалик йил сайин янги марраларни қўлга киритмоқда. Мақсад битта. У ҳам бўлса, юртимиз иқтисодий ривожига муносиб улуш қўшишдир.

Қисқа қилиб айтганда, бугун барча соҳаларда излашлар босқичма-босқич давом эттирилмоқда. «Тайимбет ота» фермер хўжалиги ҳам ўзи танлаган йўлдан бориб, юртимизнинг иқтисодий тарраққетиға озми-кўпми ҳисса қўшиб келаётир.



О'ZLIDER ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Ўзбекистон аҳлини,
меҳнатсевар ишбилармон ва тадбиркорларни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ
билан табриклайди.

*Ватанимиз ободлиги, иқтисодиётимиз
барқарорлиги, турмушимиз фаровонлиги
йўлида самарали меҳнат қилаётган
барча юртдошларимизни
қизини муборакбод этади.*

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ШУКУҲИ ХОНАДОНЛАРИМИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!



Молиявий барқарорлик — тараққиёт гарови

Кейинги 21 йиллик шонли тарихимизга назар ташласак, мамлакатимизда барча соҳалар қатори жаҳон стандартларига мос банк тизими шаклланишига ҳам тўла ишонч ҳосил қиламиз

Носир **ТОШЕВ**,
Акбар **МУЗАФФАРОВ**,
«XXI ASR»

Бу, албатта, истиқлолнинг бебаҳо неъматларидан биридир. Зеро, ҳар бир юртининг иқтисодий салоҳияти ва куч-қудрати, энг аввало, молиявий барқарорлиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ҳам халқ фаровонлигини ошириш, ислохотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган молия институтларидан биридир. Кейинги йилларда банк кенг миқозлар аудиториясига эга бўлди. Бугун республикамизнинг барча ҳудудларида унинг кўплаб филиаллари самарали иш олиб бормоқда. Хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилаёпти.

Келинг, шу ўринда мазкур молия муассасасининг фаолиятига бир назар ташлайлик.

САРМОЯЛАР — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА

Таъкидлаш жоизки, «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг дастлабки ярим йиллиги мобайнида соҳа тараққиёти учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан 193 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилганлиги фикримиз далилидир. Шунинг 19 млрд. 321,8 млн. сўми микрокредит ҳисобланади. Ана шу маблағ эвазига жами 4558 та иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2012 йил 1 июль ҳолатига ушбу тармоқларга 16 280,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни истоган кўплаб ёшлар, касб-хунар коллежалари битирувчилари ҳам банкнинг молиявий қўмағидан баҳраманд. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларга 1037,9 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Халқимиз учун оила азалдан муқаддас ҳисобланади. Ана шу табарруқ кўрғоннинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаш бугун ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эга. «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, дастурхон тўқинлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаёпти. Сўзимиз исботи сифатида жорий йилнинг биринчи ярми давомида ушбу мақсадлар учун 1605,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилганини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3,6 млрд. сўмлик истеъмол ва 4,7 млрд. сўмлик ипотека кредитлари, 5,3 млрд. сўм миқдорда микрокредит, жами 13,6 млрд. сўм миқдорда кредит сармоялари ажратилди. Банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун 2332,3 млн. сўм, паррандачиликка 3834,8 млн. сўм, асаларчиликка 250 млрд. ва балиқчилик соҳаларига 688 млрд. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Президентимиз томонидан

2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон ижросини таъминлаш йўлида барча молиявий манбалар ҳар қатгга келтирилмоқда. Чунинчи, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига тадбиркор аёлларнинг талаб-эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, уларга 13105,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари берилганлиги эътиборга олинди.

Фақат шугина эмас. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига амалга оширилган лизинг операциялари портфели 24 831,1 млн. сўмни ташкил этган. Бошқача айтганда, ўтган давр мобайнида 4057,7 млн. сўм миқдорда лизинг операциялари амалга оширилган.

Республикамизда дастурхон тўқинлигини таъминлаш, аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш кун тартибидан асосий масалалардан биридир. «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, ўтган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, агрофирмалар, фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига 41 953,9 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди. Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳамда улгурчи савдо фаолияти билан шуғулланган корхоналар ҳам асосан банкнинг молиявий мададига таянмоқда. 2012 йил 1 июль ҳолатига уларга 42 206, млн. сўм миқдорда кредит сармоялари ажратилди.

ХАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Инвестиция — тараққиёт гарови. Жорий йил давомида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан инвестицион мақсадлар учун 650 млрд. сўм кредит йўналтириш режалаштирилмоқда. Ҳозиргача шунинг 599,81 млрд. сўми ажратилган. Кези келганда таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш асосан хорижий кредит линиялари, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, чел эл молия институтлари ҳамда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир.

Ислол Тараққиёт банки билан имзоланган келишувлар асосида кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун «Ўзсаноатқурилишбанк»ка 4 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилган бўлиб, ҳозиргача ана шу маблағ тўлиқ ўзлаштирилган. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислол Корпорацияси (ХСРК) билан олиб борилган музокаралар натижасида ушбу корпорациянинг 18 млн. доллар миқдордаги кредит линияси ҳам жалб этилди. Ўтган давр мобайнида унинг 12 млн. доллари ўзлаштирилган ва шу ҳисобдан кичик бизнес субъектларининг бир қанча лойиҳалари молиялаштирилган.

2012 йил инвестицион дастурига кўра, хорижий молия муассасалари билан ҳамкорлик янада кенгайтирилади. Чунинчи, хорижий кредит линиялари ҳисобидан «Ўзсаноатқурилишбанк»ка 12,5 млн. дол-

лар ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунинг 3 млн. доллари Германия банклари, 4 млн. доллари хусусий секторни ривожлантириш Ислол корпорацияси ва 5,5 млн. доллари Жаҳон Банкнинг «Саноат корхоналарини энергосамарадорлигини ошириш» кредит линияси ҳиссасига тўғри келади.

2012 йил 1 июль ҳолатига хорижий кредит линияларга тегишли бўлган 10,93 млн. АҚШ доллари миқдордаги маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди.

Бундан ташқари, банкротлик ҳолатига тушган корхоналар мол-мулкни банк балансига олиш ва улар негизда янги қувватларни барпо этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига 15 та банкрот корхона банк балансига қабул қилинган. Уларнинг 3 таси инвестиция киритиш мажбурияти билан бошлангич ноль қийматида, 11 таси эса кредитор қарздорлик даражаси 70 фоиздан ортиқ бўлганлиги сабабли хўжалик судларининг қарорига асосан банк балансига олинган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Хўжайли текстиль» ОАЖ негизда калава-ип ишлаб чиқарадиган янги фабрика ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Бу борада банк сармоялари алоҳида аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз. Ҳозиргача банкрот корхоналар негизда банк томонидан 9 та янги корхона ташкил этилди. Улардан 4 таси инвесторларга сотилди, 1 таси очик аукцион савдоларига олиб чиқилди, 4 тасида ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди.



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўтган йиллар мобайнида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан амалга оширилган кенг кўламли ишлар нуфузли рейтинг ташкилотлари эътиборидан четда қолаётгани йўқ, албатта. Хусусан, «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги банкнинг 2011 йилги узоқ муддатли кредит рейтингини бир поғона юқори, яъни «В+» даражасида баҳолаб, кредит рейтинг истикболини «Барқарор» деб тасдиқлади. Худди шунингдек, банкнинг халқаро кредит рейтинг истикболи «Fitch ratings» халқаро рейтинг агентлиги томонидан ҳам «Барқарор» деб топилди.

Яна бир эътиборли ҳолат. «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги 2011 йил ва 2012 йилнинг дастлабки ярим йиллиги яқунлари бўйича банкнинг барча рейтингларини «В+/В»

даражасида «Барқарор» истикболи билан қайта тасдиқлади.

Шунингдек, жорий йилнинг 14 август санасида жаҳоннинг яна бир нуфузли рейтинг агентлиги «FITCHRATINGS» «Ўзсаноатқурилишбанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш яқунлари бўйича банкнинг барча рейтингларини «Барқарор» дея баҳолади.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг аҳил жамоаси истиқлолнинг 21 йиллик шодиёналарини ёруғ юз, муносиб ютуқлар билан қарши олаёпти. «Мижоз банк учун эмас, балки банк миқдордаги фаолият юритиш изланишларга қанот бағишламоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, хизмат сифати ва маданиятини, аҳоли турмуш фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшишдир.

«ОСИЁ ШАРОБСАВДО» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қутлуғ айём —

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ

билан чин дилдан муборакбод этади.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо,
хонадонларимиз тинч ва осойишта бўлсин!



Ватанимиз тарихидаги энг улуг ва энг азиз кун —
халқимизнинг қадрли ва ардоқли байрами кўнгилларни нурафшон этсин!

«МУБОРАКНЕФТГАЗ»


унитар шўъба корхонаси жамоаси

Ўзбекистон аҳлини энг улув,
энг азиз байрам —

ИСТИҚДОЛНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан самимий қутлайди.
Қалбингиздан қувонч,
оилаларингиздан
хотиржамлик аримасин!

**Мустақиллигимиз
абადий бўлсин!**





Давр билан ҳамқадам бўлиш масъулияти

Мустақиллик йилларида алоқа ва телекоммуникация тизимида ҳам замон талаблари ва халқаро меъёрлар асосида модернизация жараёнлари амалга оширилиши соҳани изчил тараққий эттириш имконини берди

Натижада Ўзбекистон мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган 10 та давлат қаторидан жой олди. Ана шундай муваффақиятларга «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг 2711 кишилик катта

жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Айни кунда компания 91 та АТС ва кўчма концентраторлар хизматидан ҳам унумли фойдаланаяпти. Барча АТСларнинг умумий қуввати 659,4 мингта рақамни ташкил этаётган бўлса, фойдаланиш қуввати 602,1 мингта рақамни, фойда-

ланиш коэффициенти 91,4 фоизни, ҳар 100 кишига нисбатан телефон аппарати зичлиги эса 26,8 тани ташкил этмоқда.

– Фаолиятимизни изчил такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бугун реал натижа бермоқда, – дейди корхона директорининг тижорат ишлари бўйича уринбосари Аҳрор Мухиддинов. – Ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб филиалимиз ISO 9001:2008 халқаро стандарт талабларига мос келишини тасдиқловчи сертификатни қўлга киритди.

Кейинги йилларда корхона фаолиятида юз берган яна бир муҳим янгиллик – АХМ томонидан ишлаб чиқилган Биллинг тизимидаги дастурга ўзгартириш киритилганидир. Тармоқда мижозларга IP-телефония хизмати таклиф этила бошланди. Бу хизматни ҳаётга татбиқ этиш учун дастурий таъминот ва сервер платформаси ўрнатилди. Тижорат ва хўжалик сектори абонентларига маълумот узатиш, Интернет, IP-телефония ва жамоа бўлиб фойдаланадиган Интернет пунктлари хизматлари йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбектелеком»да фаолиятни ривожлантириш режасига биноан хизмат кўрсатиш сифати ҳам, камрови ҳам кенгайтирилди. Филиалдаги боғламалар ва бўлимлар эса юқори суръатда маълумот узатиш имкониятига эга бўлган корпоратив тармоқлардан фойдаланмоқда. Ҳозирда шаҳардаги барча почта бўлимлари Биллинг тизимига уланган. Бунга эришиш учун алоҳида маълумот узатиш тармоғи портлари ажратилиб, иш жойлари авто-

матлаштирилди.

Корхона томонидан «Call-center»нинг ишга туширилиши ва янги хизмат турлари тақдим этилиши ҳам маълумот-ахборот хизматлари камровини кескин кенгайтди. Бу эса марказда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириб, савдоларни ташкил этишда муҳим восита вазифасини бажара бошлади. Қолаверса, ундан реклама ва тарғибот мақсадларида ҳам фойдаланилмоқда.

Маълумки, кўпчилигимиз болалигимизда ота-онамиз ёки бобо ва буваларимиздан эртақ эшитиб катта бўлганмиз. Чунки ҳали китоб ўқишни билмайдиган ёки билсада кўпроқ нарса ўрганишга қизиқувчан болалар учун эртақлар дунёқарашни ўстирувчи, инсоний хислатларни тарбияловчи восита ҳисобланади. Шу ўринда машҳур италян болалар ёзувчиси Жанни Родарининг «Телефон орқали айтилган эртақлар» асари ёдга тушади. Унинг бош қаҳрамони узок шаҳарларда хизмат сафарига юрса ҳам оилавий бир анъанани бузмайди. Ҳар оқшом вақт топиб, шаҳарлараро телефон орқали фарзандларига эртақ айтиб беришни қанда қилмайди. Афсуски, замон суръатлари тезлашиб боргани сари ота-оналарнинг болаларига эртақ айтишларига деярли вақтлари қолмаёпти. Шундай бир шароитда ота-оналарга Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиалининг «Болалар учун эртақ хизмати» кўмак бериши мумкин. Айни пайтда ушбу хизмат шаҳар аҳолиси орасида анчайин кенг тарқалганини



таъкидлаш жоиз. Хизматдан фойдаланишни истаган мижоз 200-01-00 рақамига кўнғирок қилиб, эртақнинг рақам кодиди киритиб, телефон орқали эртақ эшитиш имкониятига эга бўлмоқда.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилиб, барча соҳаларда қулайликлар яратилаётган бир шароитда телефон тармоғи филиали ишбилармонлар учун ҳам янги ва фойдали хизматларни таклиф этмоқда. Жумладан, «Виртуал офис» хизматидан фойдалансангиз, котиба ва ёрдамчига деярли ҳожат қолмайди. Мижозлар ва ходимлар билан муносабатлар, турли ҳужжат айланмаси ва иш юритиш билан боғлиқ қатор муаммолар ўз-ўзидан ечим топади.

Уй бекалари ва ширин таомлар тайёрлашга қизиқувчи юртдошларимиз учун ҳам махсус телефон хизматлари жорий этилган. Масалан, 200-01-01 рақамига кўнғирок қилсангиз, «Аёллар учун кулинария рецепти» хизматига уланасиз. Бу хизмат орқали миллий ва хорижий таомлар рецепти ва тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Шубҳасиз, бундай хизмат

турлари «Call-center» хизмати тобора оммалаштирмоқда. Жорий йилнинг 6 ойи давомида кўрсатилган хизматлар учун 407858 минг сўм даромад олинган, умумий кўнғироклар сони 19958 тага етгани ҳам бу фикрга мисол бўлиш мумкин. Бугун ушбу филиалда қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони 227278, фойдаланилаётган қўшимча хизмат турлари сони эса 330287 тани ташкил этади. Кўрсатилган қўшимча хизмат турларидан 2012 йил 6 ойи давомида 999 млн. 793 минг сўм даромад олинди.

Албатта, бундай хизмат турлари жуда кўп ва уларнинг самараси борган сари ошиб бормоқда. Аммо филиал ходимларининг асосий мақсади бу эмас. Улар аҳолига сифатли ва тезкор алоқа хизмати кўрсатиш, фуқароларимизнинг узосини яқин қилиб, уларни қалбдан бирлаштириш орқали замон талабларидан орқада қолмасликка, давр билан ҳамқадам бўлишга интилоқдалар.

Зеро, бундай муваффақиятлар ортида катта тажриба ва салоҳиятга эга жамоа аъзолари турибди. Уларнинг билим ва малакаларини ошириш масаласи эса корхонада жиддий

назоратга олинган. Жумладан, жорий йил бошидан буён «Бизнес ва персонал ривожлантириш маркази» қошидаги ўқув курсларида 146 нафар ходим, Фуқаролар муҳофазаси институти ўқув марказида – 28, бевосита корхонанинг ўзида – 307, хорижда – 2, Сергели туман маънавият-маърифат худудий кенгашида – 14 нафар ходим малака оширди.

Шуни айтиш кераки, меҳнат муҳофазаси, умуман, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳам филиалда ижобий ҳал этилган. Жумладан, ҳозиргача бу мақсадлар учун ажратилган маблағнинг 225,2 млн. сўми тўлиқ ўлаштирилди. Санатория ва дам олиш масканларида 6 нафар ходим ўз соғлигини тиклаган бўлса, 935 нафар ишчи тиббий кўриқдан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, корхонада сифатли, арзон ва замонавий алоқа хизмати кўрсатиш устувор вазифага айланган. Истиқлол йилларида бу вазифаларни баҳоли қудрат адо қилиб келаётган филиал ишчи-хизматчилари ўзларини тарихий жараёнларнинг бир гувоҳи ва қатнашчиси эканликлари, улкан эврилишларга дахлдор бўлаётганликларидан руҳланган ҳолда меҳнат қилмоқда.




«DAVR-BANK»

ХУСУСИЙ ЕПИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ
БАНКИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни,
ўз мижозларини мамлакатимиз
Мустақиллигининг 21 йиллиги
шодиёнаси билан самимий
муборакбод этади.*

*Истиқлол йўлларимизни нурафшон,
дилларимизни мунаввар
эпгани фост бўлсин!*



**Ўзбекистон Республикаси
Нодавлат ногижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси жамоаси**

**Ватанимиз
Мустақиллигининг
21 йиллиги билан
билан барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.
Юртимизнинг бугунги
равнақиға ҳеч қачон
кўз тегмасин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!**



**Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ»
инжиниринг компанияси жамоаси**

**Ўзбекистон халқини
Мустақиллиқнинг 21 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.
Ушбу қутлуғ айёмда барча
орзу-умидларингиз амалга ошишини ва
доимо омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.
Тинчлик-хотиржамлик,
соғлиқ ва фаровонлик ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!**

О'ЗЛИДЕР НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



*Ўзбекистон халқини ва электроатимизни давлатимиз
Мустақиллигининг 21 йиллик
байрами билан самимий қўплайди.*

**Халқимиз фаровонлиги,
Ватан ободлиги ва тараққиёти
йўлидаги ишларингизда
ривож тилайди.
Омад ва муваффақият
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**

**УМРИНГИЗНИНГ ҲАР БИР КУНИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДЕК
ФАЙЗЛИ ВА ТАРОВАТЛИ ЎТСИН!**

Боғчакалонлик заминдор

ёки Фахриддин фермернинг «Орзу»си қай даражада ривож топаётгани хусусида

**Ориф УЛМАСОВ,
Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR»**

Эгу ниятлар ижобатли бўлади дейишди. Фахриддин ёшликдан ўз ери, ўз мулки бўлишини орзу қиларди. Истиқлол унинг орзусини рўйбга чиқарди. 2007 йилда заминдор-фермер бўлди. Хўжалигига эса «Орзу» деб ном қўйди.

Бугун Хатирчи туманидаги «Орзу» фермер хўжалиги вилоятда таниқли. У ерга ташриф буюрганимизда «Мен ҳақимда эмас, кўл-қанотларим ҳақида эзинг, уларнинг суратини олинг» дея бизни жамоа жам бўлиб ўтирган шийпон томон бошлади. Кўп тармоқли хўжалиkning ҳар бир соҳа учун масъулла-ри бор экан. Тажрибали дехқон Азим Хидиров хўжаликда ишбоши:

— 800 гектарга яқин

ер майдонимиз бор. 500 гектари яйлов, 50 гектари дала, 175 гектари сугориладиган ерлар, 5 гектари эса кўп йиллик дарахзорлар ташкил этади. Бу йил биз учун омадли келди. 50,1 гектар галла майдонидан 60 центнердан ошириб сара уруғлик дон олишга эришдик. Давлат қабул пунктларига режадаги 171 ўрнига 184 тонна галла топширдик. Ўз ҳисобимизга қолган 120 тонна бугдойдан ташқари галлачиликдан 102 миллион сўм даромад қилди. Унинг қарийб 68 миллион сўмини соф фойда ташкил қилди. Омборга тўқилган доннинг бир қисмини 12 нафар доимий ишчи-хизматчиларимизга тарқатдик, бир қисми хўжалик ички эҳтиёжларига, бир қисмини эса «Муштақам оила йили» Давлат дастури асосида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга ҳоимийлик ёрдамига

йшлашилди. Пахтаимиз ҳам ёмон эмас. Утган йили 103 гектар майдондан 30,6 центнердан ҳосил кўтарган бўлсак, жорий йилда ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказишни режалаштирганмиз. Бунинг учун йил бошида мавжуд 96 гектар майдонга «Ан-Боёвут-2» навли чигит экиб, тўлиқ кўчат ундириб олишга эришдик. Яғаналаш, ўташ, гўза қатор ораларига ишлов бериш, сугориш сингари барча агротехник тадбирлар белгиланган вақтда амалга оширилди. Аини кунда ҳосил йиғимтеримига тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етказилди. Мутахассислар билан қилган ҳисоб-китобларимизга кўра, далада режадагидан зиёд ҳосил жамланган. Бу йил 30 миллион сўмдан ортқ соф фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

Хўжалик далаларини айланган кишининг дили

яйрайди. беш гектарлик чорбоғдаги ўрик, олма, бодом, беҳи, жийда дарахларидаги ҳосил кўзни кувонтиради. Фалладан

Ўринова ҳамда Хилола Шукурова ёрдам беришди, — дейди фермер фахр билан.

— Қарамоғимиздаги



бўшаган 16 гектар майдонга такрорий экин сифатида экилган кунжут, мош, сабзи, шолғом дастурхон тўқилганининг кўшимча омили бўлса, маккажўхори ва тарик чорва моллари учун озуқа бўлди.

— Ҳаётда қийналиб, дунё кўзимга тор кўринган дамларда менга ота-онам билан 6 нафар ака-укам ва сингилларим ҳамдарад бўлишган. Бугун ҳам укам Салоҳиддин от ва қорамол парваршида, Муҳиддин майда шохли моллар, Жамолддин эса паррандачиликка масъул. Уларга келинларим Навбахор Бобоназарова, Муҳаббат

59 бош қорамолнинг 12 бошини сигирлар ташкил этади, — дейди Салоҳиддин сўхбатга қўшилиб. — Биз кўпроқ қорамолларни бўрдоқига боқиб билан шугулланамиз. Аини кунга 6 тонна гўшт сотдик. Бузоқ олиш бўйича ҳам кўрсаткичларимиз ёмон бўлмади. Йил бошидан буён 15 тонна сут соғиб олиб, 9 тоннасини болалар боғчаси ва сутни қайта ишловчи корхоналарга топширдик.

— Боқувимизда 600 бош майда шохли моллар бўлиб, уларнинг 400 таси совлиқлар, — дейди қўйлар учун масъул Муҳиддин Ўринов. — Жорий



йилда ҳар бир совлиқдан биттадан кўзи олдик. Уларнинг 200 боши ўстиришга қолдирилди. Баҳор ва кузги қирқимда ҳар бош кўйдан ўртача 1,5 килограммдан жун олдик. Жамоа раҳбариятининг сай-ҳаракатлари билан сурвудаги ҳар йили эгиз туғувчи ва 80-100 килограммча гўшт берувчи, сермахсул «Қозоқи» зотли қўйларимиз сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Яйловларимиз серўтлиги боис эчкичиликни ривожлантириш имкониятимиз ҳам бор.

— 2009 йилда вилоят «Асакабанк»дан олинган узоқ муддатли кредит ҳисобига 6 мингта жўжа харид қилгандик. Паррандачилик етти хазина-нинг бири эканлигига ўз тажрибамизда амин бўлик. Бироқ малакали мутахассис етишмаслиги боис тухумчиликни йўлга қўймай, гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашдик. Жорий йилда 4 тонна пархез гўшт етиштирдик, — дейди Жамолддин. — 17 мингта зотли жўжа чиқариб, тумандаги фер-

мер хўжаликлари ва аҳолига сотдик. Аини кунда яна 6 мингта бройлер зотли товуқ харид қилишни режалаштириб турибмиз.

Хисобчи Ражаббой Сатторовнинг таҳлилларига кўра, фермер хўжалигининг чорвачилиқдан олган даромади салкам 100 миллион сўмни ташкил этса, унинг 57 фоизи соф фойдадир.

Фахриддин Ўриновнинг ўзи асаларичиликка қизиқар экан.

— Менга бу соҳа сирларини нафақадаги ўқитувчи Барот ака Ҳамроев ўргатган. Устознинг 100 дан зиёд ари оиласи яқин атрофда энг махсулдор саналади, — дейди фермер. — У кишининг кўрсатмалари асосида 2009 йилда 5 та ари оиласи билан иш бошлагандик. Ҳозир улар сони 49 тага етди. Аини пайтга ҳар оила ҳисобидан 40 килограммдан асал олдик. Мавсум охиригача яна бир марта ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Кейингиси эса ариларга қишки озуқа учун қолдирилади.

— Украинанинг Карпат ўлкасидан келтирилган сермахсул арилар баҳор ва куз ойларида яхши асал йиғади. Шу боис уларни жайдари ариларимиз билан чатиштириш устида изланяпмиз, — дейди у. — Агар республикадаги асаларичиларнинг боши бир ерга қовуштирилиб, махсус хўжаликлар, соҳага керакли ўқув қўлланмалари, ускуна ва жиҳозлар тайёрлаб берувчи ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилса, мамлакатимиз асаларичиликда ҳам жуда катта ютуқларга эришиш имконига эга бўлади.

— Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлмаса, унинг ишида ривож бўлмаслиги хусусида юртбошимиз кўп марта айтганлар, — дейди Фахриддин Ўринов. — Шу боис 4,5 гектар майдонда балиқчиликни йўлга қўймоқчимиз. Хуллас, кўрган-билган ва гувоҳи бўлганларимиз шу бўлдики, «Орзу»да орзулар бисёр. Ҳар бир ишчи-хизматчи қалбига эса келажакда ишонч, гайрат-шижоат жўш уриб турибди.





«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида...

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиётига ўтилгач, ўрта синф вакиллари учун кенг имконият ва қулай шароитлар яратилди

Ориф УЛМАСОВ,
«XXI ASR»

Ишбилармонлик ташаббуслари рағбатлантирилиб, соҳанинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Бу эса юртимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлишига кенг йўл очди. Бугун қарийб тўрт юз мингга яқин хусусий сектор вакиллари мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Ана шулар орасида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги Келес шахрида фаолият юритаётган, ўзининг сифатли колбаса, макарон ва гўшт маҳсулотлари билан элга танилган «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги ҳам бор.

Истиқлол байрами тантаналари авж олаётган кунларда хўжалик раҳбари, таниқли тадбиркор, O'zLiDeO'нинг энг фаол аъзоларидан бири Мухтор ҳожи Тўхтаниёзов билан бизнесдаги илк қадамлар ва муваффақият сирлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Мухтор ака, бугун мамлакатимиз гўшт маҳсулотлари бозорига ўз «бренд»га эга корхонага тамал тоши қандай қўйилган?

— Фаолиятимизни юртимиз мустақиллигини қўлга киритиб, тадбиркорликка кенг имкониятлар очилган 1993 йилда бошлаган эдик. Ушунда корхонамиз фақат аҳолининг шахсий чорва молларини тегишли талабларга мувофиқ сўйиб бериш, сотиш ҳамда паррандачилик билан шуғулланарди, ҳолос. Кейинчалик колбаса маҳсулотлари бозорига пайдо бўлган жуда катта бўшлиқ ва талаб ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган колбаса цехларининг қўйишига олиб келди. Бу ерда доимо ва катта миқдорда сифатли гўшга эҳтиёж сезилгани боис корхона ана шу хизматни, яъни аҳолидан тирик вазнда қорамол сотиб олиб, уларни сўйиб, гўштини цехларга топириш масъулиятини ўз зиммасига олди.

Инсон ҳолис ва эзгу ният қилиб, уни амалга ошириш йўлида астойдил ҳаракат қилса, муқаддас етар экан. Аввалга кичикроқ бир цех ташкил этиб, унча мураккаб бўлмаган технологик линияни ишга туширдик. Шу тарихи 1997 йилда барча озиқ-овқ-

ат технологияси ва санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда уч-тўрт хилдаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқара бошладик. 2000 йил май ойида корхона «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалигига айлантирилди. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз ширин ва тўйимлилиги, қолаверса, нархларининг ҳам чўнтақбоплиги боис тезда харидоргир бўлиб қолди.

— Таҳлилчиларнинг айтишича, хом ашёни яратиш, сўнг уни тайёр озиқ-овқат маҳсулотига айлантирадиган, яъни ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олувчи мажмуалар энг самарали ва истиқболли ҳисобланади. «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалигида амалда бўлган технология жараёнларнинг қўлама қанчалик кенг?

— Таъкидлаш керак, юртимизда Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги тизимини такомиллаштириш борасидаги ғамхўрлиги туфайли чорвачилик билан шуғулланувчи хўжалик субъектларига озунга етиштириш учун ер ажратиш берилди. Жумладан, хўжалигимиз тасарруфида ҳам 21,7 гектар экин ери бўлиб, у ерда беда ва маккажўхори етиштириб, мавсумий озуқа, қишга силос тайёрлаймиз. Айна пайтда хўжаликка тегишли фермада 245 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Кузга бориб яна қорамол сотиб олиб, уларнинг сонини 440 тага етказишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари, 13 мингга товуқ боқаяпмиз. Тухум ҳам бозорга чиқарилади. Корхонада 50 нафар доимий ва 15 нафар мавсумий ишчи баҳамжихат ҳолда меҳнат қилишаётгани иш фаолиятимизнинг кўнгилдагидек кечишни таъминлаётди. Ишчиларимиз учун корхонада бепул овқатланиш йўлга қўйилган. Ҳафта охирида уларнинг оила аъзолари учун ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва бошқа маҳсулотлардан иборат озиқ-овқат «паёғи» берилди. Ўз вақтида йиллик таътил ва доволаниш учун ёрдам пуллари ажратилди.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга солиқ юкни камайтириш, турли бироқратик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган имтиёзлар берилмоқда. Уларнинг «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалиги фаоли-



ятига таъсири ҳақида нималар дея оласиз?

— Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда тадбиркорлар манфаатини янада кучлироқ ҳимоя қилишга қаратилган қатор меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, корхонамиз ҳам гўштни қайта ишлаш корхоналарини солиқдан озод қилишга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари шарофати билан ҳар ойда 35 миллион сўмини иқтисод қилишга эришаёпти. Тежалар пулларга энг замонавий технологияларни келтириб ўрнатаёпмиз. Масалан, Австриянинг «Шаллер» технологик линиясини ўрнатганимиз боис колбаса маҳсулотларимиз 70 турдан ошиб кетди. Россиядан олиб келинган «ТЕКО» жижизларни ўрнатилгач, 10 дан зиёд турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирда ҳар сменада 5 тонна урни қайта ишлаяпмиз.

Кредит-молия тизимлари билан муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган қадамлар шарофати билан банклардан кредитлар олиш, лизинг хизматларидан фойдаланиш ҳам йил сайи осон ва қулай тус олиб бормоқда. Хусусан, 2002 йилда «Агробанк»дан олинган 150 минг АҚШ доллари миқоридаги кредит ҳисобидан Италиянинг «VERIPACK» замонавий вакуум қадоклаш ускуналари ёрдамида, мамлакатда биринчилардан бўлиб вакуум қадокдаги сосискалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аҳолини арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган ҳукумат дастурлари доирасида дехон бозорлари ва савдо дўконларига арзон нархда гўшт маҳсулотлари ва туҳум етказиб бераётганимиз эвазига ун комбинатлари ва ёғ-экстракция заводларидан арзон нархларда шрот, шелуха каби озуқа-ем маҳсулотларини сотиб олиш имкониятига эгамиз. Мана шундай имкониятлар туфайли айна пайтда йиллик товар айланмамиз 13 миллиард сўмга етмоқда. Нафақат Ўзбекистон, балки қўшни давлатларга ҳам маҳсулотлар экспорт қилишга муваффақ бўлаёпмиз. Қолаверса, Европа технологиялари асосида иш олиб боришимиз, ишчиларимизнинг хорижий мутахассислардан тажриба ўрганишаётгани, сифат ва меҳнат назорати жиддийлиги боис маҳсулотларимизнинг рақобатбардорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Келгусидаги режалар нималардан иборат?

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш борасида изланишлар олиб бораёпмиз. Агар қўшимча ер майдони ажратиш бўйича мурожаатимиз ижобий ечим топса, яна 150 кишини доимий иш билан таъминлайдиган янги линияларни ишга тушираёпмиз. Келгусидаги режаларимиздан яна бири — сутчиликни йўлга қўйиш, сутни қайта ишлайдиган цех ташкил этиб, аҳолига пишлок, бринза, кефир ва қаймоқ каби сифатли сут маҳсулотлари етказиб беришдан иборат.

Фармон ташаббусларни рағбатлантирмоқда

Эзгу мақсадга эришиш йўлидаги ҳар қандай интилиш ҳамиша хайрлидир. Дилдаги жүшқин тугён эса ҳар қандай яратувчанликка самарали таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан аён. Бухоролик тадбиркор Бахритдин Исмаилов фаолияти билан танишган киши бунга ишонч ҳосил қилади

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллари, тадбиркорликка эндигина йўл очилаётган пайтлар...

Бухоро озиқ-овқат саноат технологияси институтини тамомлаган ёш мутахассис Б.Исмаилов умр йўлдоши Дилафрўзлар билан бирга нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ташкил этишга қўшилди. Турган гапки, бунинг учун биринчи навбатда сармоя топиш керак. Шу боис орзу ўшанда ушалмай қолиб кетди. Фақат орадан 13 йил ўтибгина эзгу мақсад амалга ошди. Айна пайтда эса «Паскуал» МЧЖ деб ном олган тадбиркорлик субъекти ишбилармонлар учун яратиш берилган имтиёз ва имкониятлар туфайли талай муваффақиятларга эриша бошлади.

Хоризмнинг замонавий технологик линиялари ўрнатилган жамият цехларида жами 80 дан ортиқ нон, қандитер ва қандолот маҳсулотлари бир-биридан мазали текслар, творог қўшиб тайёрланадиган хушхўр пишириқлар, юқори ва олий навли ундан ёпиладиган нонлар тайёрланмоқда. Савдо дўконларига етказиб берилаётган булочка ва батон маҳсулотларига талаб катта бўляпти.

«Хамкорбанк»нинг 450 миллион сўм миқдоридagi кредити эвазига энг сўнгги вафли ва печенье ускунаси сотиб олганимиз фаолиятимизни янада кенг қулоқ ёйиш имконини берди, — дейди МЧЖ «Паскуал» раҳбари Б.Исмаилов. — Бир қатор ишбилармон доиралар бизнес оламининг кўзга кўринган вакиллари ўз сафида бирлаштирган. Германиянинг «ПУМ» Голландиянинг СЭС молиявий муассаси мутасаддиларнинг Бухорога ташрифи давомида «Паскуал» ишбилармонларига берилган тавсиялар ўринли маслаҳат ва йўл-йўриқлар маҳаллий тадбиркорлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этди, дейиш мумкин.

Цехлардаги кундалик иш фаолиятини тўғри ташкил этаётган иқтидорли менежер Бахтиёр Фаттохов, қолаверса, сифатли нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш ҳадисини эгаллашган уста нонвой Жаҳонгир Алиев, шунингдек, бир-биридан эпчил сарамжон-саришта ва покиза ишчи-хизматчилар Гулнор Авезова, Феруза Амонова ва Бозорова Фаридалар билан суҳбатлашиб уларнинг барчаси ўз кундалик ишидан қониқ ҳосил қилаётганидан амин бўласиз. Эътиборли шундаки, 45 нафар кишидан иборат аҳил жамоа аъзолари кези келганда ишлаб чиқаришдаги барча босқичларда бирдек фаол иш кўрсатишадди. Муҳими, улар ўз кундалик ишларини меҳр билан бажариб, ҳурмат ва эъзозга сазовор бўлишмоқда. Тайёр маҳсулотларни сотиш залига кадам ранжиди қилсангиз сотувчилар Наргиза Гаибова ва

Нозима Ҳасановаларнинг муомала маданиятидан кўнглингиз яйрайди.

МЧЖ фаолияти билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат агар 2011 йилда товар айланмаси 910 миллион сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг дастлабки 6 ойида бу кўрсаткич 489 миллион сўмга етди.

Ушбу МЧЖга қарашли саноат ишлаб чиқариш базасига 15 та иш ўрни яратилиб, цехларда нон ва булка ҳамда қандитер маҳсулотлари тайёрланмоқда. Мазкур ишлаб чиқариш цехига ўз ишининг фидойиларидан бири Муҳит Тўраев етакчилик қилаёпти.

Шу кунларда барча худудлар, соҳа ва тизимларда бўлганидек кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухорода ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб қутиб олинмоқда. Ана шу ҳаётбахш жараёнда, эришилаётган байрам олди муваффақиятларда соҳанинг жон қуяр пешқамлари катори «Паскуал» МЧЖ аҳил меҳнат жамоасининг ҳам ўз ўрни ва муносиб улуши бор.

Зотан, Президентимизнинг июл ойида эълон қилинган ва тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган иккита муҳим Фармони Бахритдин Исмаилов ва у бошчилик қилаётган меҳнат жамоасининг кундалик ишида ҳам янги ютуқларни қўлга киритиш ва шу тарихида эл дастурхонини янада тўқин қилиш имкониятларини кенгайтирди. Бу, айна пайтда, илғор жамоа аъзоларини хайрли ишга янада баракали ҳисса қўшишга даъват этмоқда.

Тайлоқ туманидаги


«СУХРОБТРАНССЕРВИС»

ХАТУ МЧЖ жамоаси



азиз юртдошларимизни шуқуҳли айём — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди. Тинчлик ва хотиржамлигимиз бардавом бўлиб, мамлакатимиз бугунгидан-да юксак тараққиёт чўққиларга кўтарилаверсин! Байрамингиз муборак бўлсин!



Нега Она Ер деймиз...

ёхуд балиқчилик фермер Баҳром Қосимов портретига чизгилар

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

...Галла мавсуми яқунла-ниб, натижалар сарҳисоб қилинаётган пайтлар. Балиқчи тумани ҳокимлиги мута-саддилари фермерлар билан «очиқ мулоқот» ўтказмоқда. Мулоқот сўнггида туман ҳоки-ми фермерлардан бирига юзланди.

— Мана, Баҳромжондан ўрناق олсанглар бўлмайди. Галла сотиш режасини қўйиб қилиб, кўнгли хотиржам ўти-рибди-ку.

Ҳоким Баҳром фермерга юзланиб, яна сўз қотди.

— Мавсумда қийналмадин-гизми? Асаканинг ЖИПини сотиб олибсиз, фойда ҳам яхши бўлди, дейман-да?

Фермер бироз кўзғолиб, салмоқлини жавоб қайтар-ди:

— Галланинг пулини энди ҳисоб-китоб қилаялмиз. Ма-шинани эса сомоннинг пули-га олиб қўя қолдик.

Мажлисда кулгу кўтарил-ди. Фермерга кимдир ҳавас, кимдир бошқа туйғу билан термулди...

Кўпчилиكنинг ҳавасини

деҳқон ўзига ўзи хўжайин, ер ва мулк эгаси, нима экиши-ни-ю, нима қилишини ўзи ҳал қилади. Энг асосийси, бугун-ги деҳқон кишлоқ хўжалиги илмидан ҳам, иқтисоду сиё-сатдан ҳам хабардор, тadbир билан иш тутишга ўрганди. Эсимда, отамиз Обиджон Қосимов ширкат жамоа хўжа-лигида агроном-ҳосилот бўлиб ишлаган йиллари эди. Эски тузум тугатилиши ара-фасида бир пайтлар ўйлаб топилган «коллективлашти-риш» таомили ўзини оқлама-дан, колхоз ва совхозлар чо-қоқидан сўкила бошлаган за-монлар... Отамиз ҳам қаро терга ботиб, далаларга се-пилган захарли дорилардан ранги саргайиб меҳнат қил-ган бўлса-да, бир маошу икки боғ ўзи ўрган бедадан бош-қасига эгалик қилолмас эди. Оиламиздаги 5 ўғил, 5 қиз — жами 10 жонни боқаман деб даладан бери келмасди. «Ер халқники», деган гап номига эди, холос. Хуллас, шу давр охирларида колхоздан бир оз ер олиб деҳқончилик қилиш-ни бошладик. Оилавий пуд-рат оммалашган даврга ке-либ, 5 гектар ерга пахта ва галла экилди. Пилла курти

бериб, отасидан ҳол-аҳвол сўради.

— Яхши келдингизми ўғлим, — деди Баҳром ака во-дийликларга хос мулоимлик билан. — Биз айтган ишлар нима бўлди?

Ўғил ҳам одоб билан вази-ятни тушунтирди. Сўнг нима-дир иш билан ичкари ховли-га ўтиб кетди. Кейин суриш-тирсак, Баҳром ака ҳосил кўтарганидан кейин, барча мажбуриятларини узгач, ма-ҳалладаги кам таъминлаган оилаларга ҳам «кафсан» тар-қатиб, эл дуосини олиб юрар экан...

— Ўғлингиз катта бўлиб, ёнингизга кириб қолибди-да, — сўрайман фермердан.

— Йўқ, — бош чайқайди қахрамонимиз, — ўғлим Сар-дорбек фақат ёзги таътилда менга қарашади, холос. Тош-кентда юристликка ўқийди. Аммо таътилга келади-ю, дам олиш ўрнига дарҳол ишга киришиб кетади. Ўзи оила-мизда ҳеч ким ишдан қочмай-ди. Бунга йўл қўймайман ҳам. Қизим Гуландом ҳам мактаб-ни тамомлаб, туман иқтисо-диёт коллежида ўқияпти. Дар-сларидан бўш вақт топиши билан рўзғорга уннайди. Ле-



ЮРТБОШИМИЗ ГАЛЛА РЕЖАСИ БАЖАРИЛГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ГАЛЛАКОРЛАРИГА ЙўЛЛАГАН ТАБРИКЛАРИДА «ОБИДЖОН ОТА» ФЕРМЕР ХўЖАЛИГИНИНГ ҳам КАМТАРОНА ҲИССАСИНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИЛАР. Бундан Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. ҲАЛИ-ҲАМОН ШУ ТАБРИК НАШИДАСИ БИЛАН ЮРИБМАН...

эришганимдан, шундай обод ва овоз юртда яшаш бахтига муяссар бўлганимдан фахр-ланиб ҳаёт ўтказаялмиз...

Баҳром ака олдида совуб қолган чойдан бир хўпладиди, менга ҳазиломуз сўз қотди:

— Бўлмаса мен сизга энди далаларимни кўрсатиб, бир мактанай.

«Хашак пули»га олинган машинада далаларни кўздан кечириб гўзаларга назар сола-миз. Хар қандай инжиқ гўзашунос-профессор ҳам ҳаваси келганидан жим бўлиб қоладиган бир манзара...

— Булар бари фермер хўжалиги ишчи-хизматчиларининг меҳнати шарофати-дан, — гап очади Баҳром ака. — Доимий ва мавсумийлари билан қўшиб ҳисоблаганда, 100 нафарга яқин киши шу меҳнат орасидан оила боқа-япти. Ишчиларимиз орасида заҳматкаш ва фидойилари кўп. Мен иш бошқарувчи Му-ҳиддин Қосимовни, инже-неришталги унинг шарофати-дан. Хуллас, бир йилгига ло-зим бўлган барча бахтга

механизатор Зайнобиддин Муродовни, комбайнчи Маш-раббой Тешабоевни, чорва-дор Ойбек Эргашевни, ўсим-ликларни ҳимоя қилиш бўйи-ча мутахассисларимиз Фа-рида Қосимова, Муножот Хо-лдорова, Мўътабархон Ғози-ева, Холида Холматовани ало-ҳида тилга олишни истардим.

Фермер гўза оралаб, ча-ноги лўппи очилиб ётган пах-таларга юзи ёришиб қарай-ди.

— Ўтган йили 200 миллион сўмдан сал ошикроқ фойда кўргандик, бу йил ундан кўпроғига умид қилиб туриб-миз, — Баҳром ака чаноклар салмоғини чамалаганча да-вом этди. — Бу йил ҳам ками-да 45 центнер ҳосил олишни мўлжаллялмиз. Чунки гўза-нинг ўғит-сувини вақтида бердик. Агротехника тadbир-ларини маромида ўтказдик. Шундай мавсумда барча тех-никларни бут қилиб қўйга-нимдан хурсанд бўламан. Од-дий сомон пресслагичдан тор-тиб, комбайну юк машинала-ригача олиб қўйганимиз. Ўзи-мизда юмуш бўлмаганда, бо-

шқа фермерларга ҳам техни-кадан кўмаклашиб тура-миз. — Андижонда пахтачилик азалдан ривож топганини би-ламан, — дейман қахрамони-мизга юзланиб. — Соҳадаги кўпгина янги технологиялар ҳам шу ердан чиқади. Ўзла-рингиз ҳам уларни ишда қўлалаясизларми?

Баҳром ака менга бир пас тикилиб турди-да, машина томон йўл олди. «Сизга бир янгилик кўрсатаман», — деди сирли овоз билан ва бир ки-тобчани қўлимга тутқазди.

Чоғроққина қўллангани варақлай бошлайман. Бах-тиёр Йўлчиевнинг «Галла ва гўза парваришидаги ноанъ-навий усуллар» деган рисола-си экан. Ички бетларда қахра-монимизнинг янги усулга оид мақоласига кўзим тушади.

— Майли, ўзим тушунтира қолай, — дейди фермер мақо-лани ўқиб чиқишимни кутиш-га сабри чидайди. — Биз чи-гитни екишдан аввал марган-цовка ва шакарли сувда бир соат димлаб қўйиб, кейин эка-миз. Шундай қилинса, гўзага униб чиқиш даврида касаллик

юқмайди. Ер намлиги қандай-лигидан, ўғит бор-йўқлигидан қатъий-назар, чигит беҳато униб чиқади. Бу янги усулни соҳа олимлари ҳам тажриба қилиб, амалиётга тавсия эти-шяпти. Мана шу гўзалар ҳам янги усул шарофати билан дур-кун вояга етди, толаси пишиқ, чигити тўқ чанок берди. Хар ҳолда ҳозирча ёмон натижа кўрингани йўқ.

Фермер далаларига боқ-қанча хаёл суриб қолади. «Доим дала ичида бўлса, яна уларга боқиб, нима топаркин», — деган бир фикр хаёлимдан ўтади. Фермер кўнглимдагини сезгандек, менга ўғирилади:

— Дала ҳам болангиздек бўлиб қолар экан, — жилмай-иб ўз ҳолатига изоҳ беради Баҳром ака. — Дам ўтмай ха-вотир ола бошлайсиз, бирор муаммо юзага чиқмасин, деб тиришасиз. Қўтилган самара берса, худди фарзанд камоли-ни кўрган отадек қувониб, ши-рин туйғулар куршовида қола-сиз. Бунинг гапшини фермер-лик қилган одам билади, холос.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун бир бута, ўт-ўлан бўлиб кўри-нувчи гўза уста деҳқон учун кўп нарсани аниглади. Экин-лари деҳқон учун адашув ва муваффақиятларининг, ўйку-сиз тунлари-ю, бахтдан мас-рур онларининг тимсоли бўлиб қолади.

Андижонда Баҳром ака ҳамроҳлигида «водийларни яёв кезиб», бир нарсани яна-да чуқурроқ англадим. Бекор-га «Она ер» дейилмас экан. Устини тепкилаб юрсакда, оғиримизни, ғам-ташвиш ва муаммоларимизни кўтара-вергани учун ҳам онага қиё-сланар экан. Бизни боққани, озгина парвариш кўрса ҳам бизга хурмат ва ардоқ, дав-лат ва бахт бериб қўйгани учун ҳам Она Ер дейлар экан.

...Кеч туша бошлайди. Фермер хўжалиги далалари-га қўшни Аълан ва Янгиқош-лоқда яшовчи барча деҳқон ва ишчилар — ким яёв, ким улво-да уйларига қайта бошлаш-ди. Ёнимиздан ўтиб кетаётган ёш-у қарига, эрқагу-аёлга қизиқиш билан разм соламан. Уларнинг нигоҳида кун бўйи офтоб тилида қилинган меҳ-нат нуқсини, бугун бажарган ишларидан қониқиш ҳиссини кўраман. Қадамлариди ўзга-ча шахдамлик, юзларида ис-тиқлол замонида яшаш бах-тидан масрурлик, қувонч ва табассум уфуриб турганига гувоҳ бўламан. Беихтиёр, улардаги кўтаринкилик менга ҳам «юқанини» сезиб қола-ман. Мени ҳам бахтиёрлик туйғуси, шундай олтинга тенг замондошлар билан яшаш-дан шуқроналик ҳисси қамраб олади. Шундай бунёдкор халқ фарзанди экан...дан фахрла-ниш, кўтаринкилик руҳияти тўлқинлантириб юборади...



келтириб, халқ хирмонини ҳам, ўз кўнглини ҳам обод қилиб юрган ана шу инсон Андижон вилоятининг Балиқ-чи туманидаги «Обиджон ота» фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Қосимов бўлади. Ёшлигидан суяги далада қот-ган, пахта ичида ўсган йигит эндигина қирқдан ўтган бўлса-да, ўзини вазин тути-ши ва бамаъни табиати боис «давра кўрганлиги», ҳаётнинг ачиқ-чучугини тотгани сези-либ туради.

— Чиройли гапиришни билмайман, очинини айтиб қўя қоламан, — дейди Баҳром ака. — Сиз кўриб турган фа-ровонлик, тўкин-сочинлик ор-тида оғир меҳнат, кундузни-кундуз демай елиб-югуриш-лар ётади. Эҳтимол бошқа бирор соҳада оғирнинг усти-дан, ингилнинг остидан ўтиш маъкул бўлар, аммо деҳқончи-ликда эмас. Чунки экинни ча-лғитиб бўлмайди. Уни алда-моқчи бўлган одам ўзи алда-нади. Хирмон чўғи пастлиги-дан эса ошна-оғайни олдида бошингиз ҳам бўлади. Хотин ва бола-чақа сизни тушуниши мумкин, аммо экинга сув-ўғитини, параваришини вақ-тида қилмасангиз, дарров сиздан «аразлайди», сиз кут-ган, сизга ваъда қилган самар-расини бермайди.

Баҳром ака ўзини бир қадар хокисор тутиб, содда гапирса-да, аслида жуда са-воддон одам: 1997 йилда Тош-кент Давлат иқтисодиёт уни-верситетини тамомлаган. Ер илмини далада уққан бўлса, бошқарув ва иқтисод илмини соҳа олимларидан ўрганган.

— Бугунги фермер кечаги деҳқондан нимаси билан фарқ қилади, биласизми? Фермер шундай савол бера-ди-да, бир оз тин олиб, ўзи жавоб қайтаради. — Бугунги

боқа бошладик. Аммо бари-бир кўнглимизнинг бир чети кемтик бўлиб қолаверди. Кўриш насиб этган экан, 1996 йилда фермерлик ҳаракатига йўл очилди. «Биз кутган пайт келди», дедида, 13 гектар ер билан иш бошладик. 2001-2002 йилларда ўтказилган тендерда қатнашиб, ерларин-миз ҳажмини 113 гектарга чи-қардик. Давлатга пахта ва галла сотиш режаларини ор-тиги билан удалай бошла-дик. 2008 йилдан бери 173 гектар жойга экин экаялмиз. Шунинг 10 гектари чорва озу-қаси етиштириш учун ажра-тилган. Ерга меҳр бераётган-имиз боис ер ҳам марҳамат-ини дариг тутмаяпти. Айтай-лик, ўтган йили 90 гектарга пахта, қолганига галла эккан-дик. Пахтаданку кўнглимиз тўлди — гектарига 42 цент-нердан ҳосил олиб, режадан зиёд 100 тонна топширдик. Айниқса, галла юзимизни ёруғ қилди. Хар гектардан нақд 79 центнердан ҳосил ол-дик. Режамиз 120 фоизга ба-жарилди. Биз фақат уруғлик пахта экиб, юқори навларга топширишимиз боис даро-мад ҳам чакки бўлмади. На-тижалардан хушнуд бўлиб юрган кўнларимизда, яна бир воқеа юз бердики, асло унута олмайман: Юртбошимиз галла режаси бажарилгани муносабати билан Республи-ка галлакорларига йўллаган табриклариди «Обиджон ота» фермер хўжалигининг ҳам камтарона ҳиссасини эъти-роф этдилар. Бундан кўнгли-миз тоғдек кўтарилди. Ҳали-ҳамон шу табрик нашидаси билан юрибман...

Сўхбатимиз яқунланаётган пайт дарвозахонага бир ен-гил машина келиб тўхтади. «Нексия»дан тушган ёшгина бир чайир йигит бизга салом





«Сифатдаги пешқадамлик» изланишлар натижасидир

Истиқлол шарофати билан юртимизда молия-банк тизимининг барқарор ривожланиб, пул-кредит сиёсатининг изчил такомиллаштирилаётгани ислохотларни жадаллаштириш, халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир



Ш. НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Айни кунда республикада 30 дан зиёд банклар фаолият юритмоқда. Улар орасида очiq акциядорлик-тижорат «Asia Alliance Bank»-нинг ҳам ўз ўрни бор. Мустақиллик йилларида ташкил этилган ушбу молиявий муассаса изланишларни давом эттириб, мижозлар манфаати йўлида салмоқли натижаларга эришмоқда.

Бугунги кунда банк жамоаси 14800 дан зиёд жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатаётди. Энг муҳими, мижозлар аудиториясини асосан иқтисодиётнинг реал тармоқлари соҳасидаги йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Корпоратив мижозлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайтирилаётганлиги, шубҳасиз, икки томон учун ҳам бирдек фойда келтирмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсақ, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида банкнинг молиявий салоҳияти анча юксалганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жумладан, 1 июль ҳолатига банк активлари 611,2 млрд. сўмга етган бўлса, кредит портфели 38 фоизга ўсиб, 60,6 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ахил жамоанинг меҳнат ва интилишлари самарасидир, албатта.

Мамлакатимизда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни маҳаллий шароитда тайёрланган рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, янги иш ўринлари ташкил этишга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Дунё таърибидан маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турмуш даражасини яхшилаш аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Бу борада тижорат банклари зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Уларнинг молиявий кўмаги орқали тад-

биркорларимиз бугун ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга чиқиш имкониятига эга бўлишмоқда. «Asia Alliance Bank» жамоаси ҳам мулкдорларга ҳамisha қамарбаста. Шу мақсадда барча куч ва имкониятлар ишга солинапти. Жумладан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида кичик бизнес соҳасига 41,33 млрд. сўм кредит сармояси йўналтирилди. Ушбу жараёнда асосий эътибор янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжудларини техник жиҳатдан модернизациялашга хизмат қиладиган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банкда тадбиркор ва ишбилармонларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга ўз фаолиятларини бошлашлари учун уларга зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар ҳам бериб борилади.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида жамоада истиқболли режалар белгиланган бўлиб, улар ижроси қатъий назоратга олинган. Жумладан, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига банк томонидан 376,2 млн. сўмлик истеъмоладан 225,8 млн. сўми ёш оилаларга берилди. Натижада кўплаб хонадонлар уй-жойли бўлмоқда. Зеро, бошланишига уч йиллик имтиёзли тўлов муддати билан берилган ушбу маблағлар аҳоли учун ҳар жиҳатдан қўлай ҳамда манфаатлидир.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш бўйича ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада мижозларга 12 турдаги манфаатли омонат турлари тақлиф этилаётганлиги эътиборга моликдир. Ана шу омонатларнинг 7 тури миллий валютада бўлиб, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари банк депозитларига изчил жалб этилмоқда. Банк томонидан тақлиф этилаётган омонатларнинг кенг қамровлиги, мижозларга янги, замонавий тех-

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНЬ ҲОЛАТИГА БАНК ТОМОНИДАН 376,2 МЛН. СЎМЛИК ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛДИ ВА ШУНИНГ 225,8 МЛН. СЎМИ ЁШ ОИЛАЛАРГА БЕРИЛДИ. НАТИЖАДА КЎПЛАБ ХОНАДОНЛАР УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛМОҚДА. ЗЕРО, БОШЛАНИШИГА УЧ ЙИЛЛИК ИМТИЁЗЛИ ТЎЛОВ МУДДАТИ БИЛАН БЕРИЛАЁТГАН УШБУ МАБЛАҒЛАР АҲОЛИ УЧУН ҲАР ЖИҲАТДАН ҚЎЛАЙ ҲАМДА МАНФААТЛИДИР.

нологиялар асосида хизмат кўрсатилаётганлиги барчага бирдек манзур бўлаётир. Зеро, омонатга қўйилган кредит сармоялари сақланиши давлат томонидан тўлиқ кафолатланган.

Айни кунда қўлай тўлов воситаси бўлган пластик карточка тизими молиявий муносабатларда асосий ўринни эгаллади, дейиш мумкин. Пулли хизмат кўрсатувчи корхоналар, жумладан, умумий овқатланиш жойлари, ёнилги қуйиш шохбчалари ва бошқа жойларда пластик карточка муаммосига дуч келмайси. Айни пайтда «Asia Alliance Bank» пластик карточкаларидан ҳам аҳоли баҳраманд бўлаётир.

Мана, бир неча йилдирки, «Asia Alliance Bank» республикада молиявий хизматлар бозорига етакчи ўринлардан бири эгаллаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Мижозлар огирини енгил, узогини яқин қилаётган «IB-2» интернет-



банкнинг хизматини олайлик. Ушбу тизимнинг афзалликлари жуда кўп. Дейлик, мижоз дунёнинг исталган бурчагидан туриб интернет орқали банк билан бевосита алоқа ўрнатиш ва ўз ҳисоб-рақами ҳақида тегишли маълумотни олиш имкониятига эгадир. Унинг ҳимоя тизими ҳам ишончли ва мустаҳкам.

Мамлакатимиз молия бозорига ҳукм сураётган соғлом рақобат муҳити тижорат банкларида янада янги ва қўлай банк хизматларини жорий этишни тақозо этмоқда. Зеро, ана шундай хизмат турлари банк мижозлар аудиториясининг кенгайишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шу каби замонавий хизматлар кўламини кенгайтираётган «Asia Alliance Bank» ва унинг фао-

лияти жаҳон молия ташкилотларининг эътиборини тортмоқда. Хусусан, ўтган йили банк «Moody's Investors Service» нуфузли халқаро рейтинг агентлигининг «Барқарор» баҳосини олди. Фақат шугина эмас. Жорий йилнинг июль ойида «Ahbor Reytinq» агентлиги «Asia Alliance Bank»-нинг кредит рейтингини «uzA» даражасига оширди. Шунингдек, банк 2010 йилда S.W.I.F.T халқаро молия операциялари тизимига уланганини ҳам унутмаслик лозим. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яқиндагина банк жамоаси яна бир муваффақиятни қўлга киритди. Жорий йилнинг 24-25 июнь кунлари Франция пойтахти Парижда бўлиб ўтган ISQнинг XVI Халқаро Конвенциясида қатнашиб, QC 100 мезонига асосан

«International Star for Leadership Quality» «Олтин» категориядаги «Сифатдаги пешқадамлик» мукофотига сазовор бўлди. Бундай нуфузли Конвенциянинг юқори баҳосини олишнинг боиси битта. У ҳам бўлса, «Asia Alliance Bank» жамоасининг янгиликка интилувчанлиги ва юрт раънақи, Ватан тараққиёти йўлида барча имкониятларни тўла сафарбар этаётганлигидир, десак асло муболага бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси хизмат сифати ва маданиятини ошириш, пул муомиласини такомиллаштириш, корхона ва ташкилотлар билан молиявий ҳамкорликни кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса янгидан-янги ютуқларга эришиш бўлиши шубҳасиздир.




О'ZLIDER ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Мустақилликимизнинг
21 йиллик*

**қутлуғ тўйи билан
иқтисодиётимиз таянчига
айланган мулкдорларимиз,
барча юртдошларимизни
самимий муборакбод этади.
Юксалиш ва тараққиёт
йўлида улкан
муваффақиятларга
эришаётган меҳнаткаш
халқимизга тилагимиз
— юртимизда
тинчлик-осойишталик
ҳамиша барқарор бўлсин!**

Истиқлол шукуҳи доимий ҳамроҳингизга айлансин!



43,3 млрд. — чегара эмас



«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилоят филиали жамоаси иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қуватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда

Ш. НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Айтиш лозимки, ма-лакали мутахассислар томонидан кичик бизнес вакиллари, тадбир-корларга маслаҳат ва амалий ёрдам беришга жиддий ёндашилмоқда. Филиал мижозлари ўзининг банк хизматларига доир саволлари билан мазкур молия муассасасининг бош офисига ва филиалларида ўрнатилган «ишонч телефон»лари орқали банк раҳбарларига мурожаат этишлари учун зарур шароитлар яратилган.

— Корхонамиз жорий йилнинг тўртинчи чора-гида ишга тушиши мўлжалланган, — дейди «Восток Продукт» МЧЖ директори Илхом Шерқулов. — Режамизнинг ўз вақтида амалга ошиши-да «Асака» банкнинг мо-лиявий кўмаги катта бўлмоқда. Хусусан, бан-дан олинган 3 млн. 780 минг сўм миқдоридagi кредит эвазига ип-йиги-рув ускуналари харид қилдик. Янги корхона ишга тушгач, 150 киши доимий иш билан таъ-минланади.

Самарқанддаги исти-қболли порлок, кенг турдаги полиграфия махсулотлари ишлаб чи-қаришга ихтисослашган «Тонг» масъулияти чек-ланган жамияти ҳам 2005 йилдан буён «Асака» бан-книнг мижози ҳисобла-нади. Баҳодир Лутфулла-ев раҳбарлик қилаётган корхонада иш самарали ташкил этилган. Яқинда корхона банкдан 1,5 млрд. сўмлик кредит олиб, Германиядан янги ускуна келтирди. Нати-жада яна 20 та кўшимча иш ўрни яратилди.

Мазкур молия муас-сасаси режасига асосан, 2012 йил давомида тад-биркорларни қўллаб-қув-ватлаш мақсадида 27,0 млрд. сўм кредит маб-лағлари ажратиш назар-да тутилган. Жорий йил 1 август ҳолатига кўра, жами кредит қўйилмала-ри 43,3 млрд. сўмни таш-кил этган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан

145 фоизга ошишига эришилган. Натижада 387 тадан зиёд янги иш ўрни яратилган. Ажра-тилган кредитларнинг 94,2 фоизи узоқ муддат-ли кредитлардир.

Жорий йилда касб-хунар коллежлари бити-рувчиларининг тадбир-корлик билан шуғулла-нишларини қўллаб-қув-ватлаш учун 110 млрд. сўм миқдоридa кредит маблаглари ажратиш кўзда тутилган. Айни пайтда вилоятда касб-хунар коллежлари бити-рувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда. «Энг яхши мутахассис», «Энг яхши бизнес лойиҳа» тақдимотлари шулар жумласидандир. Бунда филиал томонидан Са-марқанд автомобилсоз-лик коллежи, 1-сонли Самарқанд педагогика коллежи ҳамда Ургант иқтисодиёт коллежи та-лабаларига мазкур мо-лия муассасасининг им-тиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар тақдим қилинди. Яна шуни айтиш лозимки, коллеж битирувчилари-ни тадбиркорликка жалб этиш, ёшларни иш билан таъминлаш кун тартиби-даги муҳим масалалар-дан биридир. Банк кре-дитлари бу масалаларни ҳал этишда муҳим оми-л бўлмоқда. Ип-калага махсулотларини ишлаб чиқариш ускунасини со-тиб олиш учун Самарқанд шаҳрида жойлашган «Восток продукт» МЧЖга, кондитер мах-сулотлари ишлаб чиқа-ришда қўл келадиган ус-куналар учун «Агро Плюс» МЧЖга, полигра-фия махсулотлари тай-ёрлаш учун «Тонг» МЧЖга узоқ муддатли кредит маблаглари бе-рилди. Натижада бу кор-хоналарда 100 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Вилоят аҳолиси ҳамда кичик бизнес субъектла-рига қулайликлар яратиш мақсадида филиал тар-кибидa 5 та минибанк, 2 та махсус касса, бешта жамғарма ҳамда комму-нал тўлов кассалари хиз-мат кўрсатаётир. Шуни таъкидлаш лозимки, Пре-зидентимизнинг 2009 йил



ЖОРИЙ ЙИЛ 1 АВГУСТ ҲОЛАТИГА КўРА, ЖАМИ КРЕДИТ ҚўЙИЛМАЛАРИ 43,3 МЛРД. СўМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН БўЛИБ, БУ КўРСАТКИЧ ўТГАН ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 145 ФОИЗГА ОШГАН. АЖРАТИЛГАН КРЕДИТЛАРНИНГ 94,2 ФОИЗИ УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРДИР.

26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чи-қаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш-га доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан парран-дачиликни ривожланти-риш, тухум ва гўшт мах-сулотларини кўпайтириш ускуналари сотиб олиш мақсадида 2,9 млрд. сўм ажратилди. Бундан таш-қари, «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол таварлари ишлаб чиқа-ришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга асосан 3,2 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар берил-ди.

Аҳолининг банкарга бўлган ишончини муста-ҳкамлаш, нақд пул маб-лагларининг банкдан таш-қари айланмасини қис-қартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш, аҳоли-нинг турмуш даражаси-

ни ошириш учун аҳоли-нинг эркин пул маблаг-ларини омонатларга жалб қилиш ишлари да-вом этмоқда. Бунда Пре-зидентимизнинг «Тижо-рат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбир-лар тўғрисида»ги фар-мони асос бўлмоқда. Ху-сусан, ҳозирда банк то-монидан 76 турда мил-лиард доллар борада яна бир янгиликка қўл урил-ди, қўшимча 9 та янги омонат тури жорий этил-ди.

Банк айланмасига бўш пул маблагларини жалб этишни янада оши-

риб бориш мақсадида ҳозирги вақтда филиал томонидан янги банк хиз-матларини жорий этиш, шу жумладан, пластик карталар ҳисоб-китоб ти-зимини ривожлантириш, савдо нуқталарига савдо терминалларини ўрна-тишни кенгайтириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Савдо терминаллари бўйича банк авиа ва темир йўл чипталари сотиш касса-лари, коммунал тўловлар қабул қилувчи, корхона-лар қошида автомобиль-ларга ўнгилги қўйиш шо-хобчалари, тургун савдо ташкилотлари, маиший ва бошқа пулли хизмат кўрсатиш корхоналари, умумий овқатланиш объектлари, меҳмонхона-лар, алоқа бўлимларига пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилиш учун терминал қурилмаси ўрнатилган. Бундан таш-қари, банкда банккомат, инфокиоск ҳамда терми-наллар ишлаб турибди. Инфокиоскда аҳоли ўз ҳисоб рақамидaги пул маблагларини пластик карточкаларга юклаб, пластик карточка орқали коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни банк ходими иштирокисиз ва ҳеч қан-дай қўғозбозликларсиз амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Самар-қанд вилоят аҳолиси ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари «Асака» банк хизматларидан мамнундирлар.

«Promin-vest» истиқболга юз тутмоқда

Мустақиллик йилларида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда, давлат ва жамият қурилишида фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилаётгани опа-сингилларимизни ишбилармон, тадбиркор сифатида ҳам жамиятимизнинг энг фаол аъзоларига айлантирмоқда


О. УЛМАСОВ,
«XXI ASR»

Қорақалпоғистон-нинг қадим Кегейли туманида туғилиб ўсган ҳозирда эса «Promin-vest» масъули-яти чекланган жамияти раҳбари сифатида фа-олият олиб бораётган Сарахан Қойлибаева ҳам жамиятимизнинг ана шундай фидойи аёлларидан биридир. У раҳбарлик қилаётган корхона 2002 йилдан бери тезкор полигра-фия, кенг турдаги бос-ма нашр ишлари ва бошқа бир неча турда-ги фаолияти билан кенг истеъмолчилар аудиториясига хизмат кўрсатиб келмоқда. Сарахан ёшлигидан хар бир ишга масъули-ят билан ёндашишга ўрганган. Шу тўғрисида у ўзига ва қўл остида меҳнат қилаётган хо-димларга талабчан ва меҳрибон.

Тиниб-тинчимас қаҳрамонимиз фақат бир йўналиш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Юртимизда тад-биркорлар учун яратиб берилган кенг имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, фаолият қўламини кенгайти-ришга интилаётир. Ҳаракатда баракат, де-ганларидек, унинг қурилиш материалла-рида ишлатиладиган ку-рук қлей ва шпаклев-ка махсулотлари иш-лаб чиқараётгани ҳам таҳсинга сазовордир. Табиийки унинг бу та-шаббуси эвазига ички истеъмол бозори ўзи-мизда тайёрланган си-фатли, энг асосийси арзон қурилиш махсу-лоти билан тўлмоқда.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Қаҳрамонимиз ишинг қўзини биладиган аёл-лардан эканлигига яна бир мисол. У етакчили-гида корхонада жалю-зи ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Сифат-ли, чет элликдан қо-лишмайдиган юқори технологиялар асосида тайёрланаётган бу мах-сулотга ички бозорда ҳам талаб ортиб бор-моқда.

— Буларнинг барча-си Юртбошимиз раҳ-намолигига тадбир-корликни ривожланти-риш борасида узоқни кўзлаб амалга ошири-лаётган ислохотлар, мустақиллик туфайли яратилган имконият-лар натижасидир, дей-ди, — Сарахан Қойли-баева. — Мустақиллик шубҳасиз халқимиз-нинг энг улғу ва энг азиз байрамидир. Зеро, истиқлол бўлма-ганида тадбиркорлик ҳам, хусусий корхона-лар ҳам бўлмас эди. Биз ҳам жамоамиз бил-ан мустақиллигимиз-нинг 21 йиллигини му-носиб қарши олаё-лимиз. Бу йил янги лой-иҳамиз бўйича Хитой-дан капсула ишлаб чи-



АЙНИ ПАЙТДА КОРХОНАДА СИФАТЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАН. «ИПОТЕКА БАНК»НИНГ 86 МЛН. СўМЛИК КРЕДИТИ ЭВАЗИГА ИШ САМАРАЛИ ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ. СИФАТЛИ, БЕЖИРИМ, ЭНГ АСОСИЙСИ, ўЗИМИЗДА ТАЙЁРЛАНАётган УШБУ МЕБЕЛЛАР ЭНГ НОЗИК ДИДЛИ ХАРИДОРНИНГ ҲАМ ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИШИ ТУРГАН ГАП.

қаришга мўлжалланган ус-куналарни келтиришни мақсад қилганмиз. Бу бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Агар кичик корхона ишга тушса, ту-мандошларимизнинг 20 нафари ишли бўлади.

«Promin-vest» масъули-яти чекланган жамияти фа-олияти кўп қиррали. Бун-дай дейишимизга асос бор албатта. Айни пайтда кор-хонада сифатли мебель ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. «Ипотека банк»-дан 86 млн. сўмлик кре-дити эвазига иш самарали йўлга қўйилди. Сифатли, бежирим энг асосийси ўзимизда тайёрланаётган ушбу корхонанинг мебел-лари энг нозик дидли ха-ридорнинг ҳам эътибори-ни тортиши турган гап. Корхона меҳнат жамоаси-нинг асосий қисми ёшлар-дан иборатдир.

Қаҳрамонимиз нафақат тадбиркор балки оилада меҳрибон онадир. Бир ўғил бир кизни воёга етказиб, уларни катта ҳаёт сари етаклаётган Сарахан фар-зандларининг таълим-тар-биясига алоҳида эътибор қаратапти. Угли Уролбек айни пайтда Хитойнинг Шенжен университетидa тахсил олмоқда. Қизи Ай-гулхон эса онасининг энг

яқин кўмақчисига айлан-ган.

— Фарзанд тарбияси тадбиркорликдан-да ма-шаққатли, дейди биз бил-ан суҳбатда суҳбатдоши-миз. Ҳа, дарҳақиқат юр-тимиз эртаси бўлган ёш ав-лод тарбиясига бугун хар қачонгиданда катта эъти-бор қаратилмоқда. Улар-нинг яхши билим олишла-ри ва келажақда юртга нафи тегадиган инсонлар бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Юрт равнақи йўлида сидқидилдан қилинган хар қандай меҳнат исзис кет-майди, албатта. Қаҳрамо-нимиз ҳам мамлакатимиз-да тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қўшган хиссаси ва фаол иштиро-ки, фидойилиги, меҳнат-севарлиги туфайли 2005 йилда «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу «Promin-vest» жамоасининг меҳнатига берилган муно-сиб баҳо ҳамдир.

Бир сўз билан айтган-да, Қорақалпоғистондаги истиқболли порлок «Promin-vest» масъулияти чекланган жамияти тараққиёт йўли-дан шахдам одим ташла-моқда. Биз «м жамоанинг келгусидаги ишларида ул-кан зафарлар тилаймиз.

«ЖОМБОЙ ЖАВОҲИРИ» МЧЖ жамоаси

Ўзбекистон халқини жаннатмакон юртимиз узра яратувчанлик, бунёдкорлик шукҳини олиб келган МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ билан муборакбод этади. Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатингизда зафарлар, дастурхонингизга эса қут-барака тилаймиз.

Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик диёримизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Бўстонликда O'zLiDePнинг ўз ўрни бор

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган жараёнда, ҳеч шубҳасиз, жонкуяр ва фидойи аёллар, тиниб-тинчимас хотин-қизларнинг алоҳида ўрни бор. Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида туғилиб ўсган Ҳалима Аширова ҳам эл ардоғидаги фидойи опа-сингилларимиздан бири



— Хотин-қизларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қўламадаги ишлар ўз самарасини берапти, — дейди Ҳалима опа. — Бу эса, ўз навбатида, биз

аёлларни янада гайрат курсатишга даъват этади. Ўзимдан қиёс: мустақиллик йилларидаги умримнинг ҳеч бир қисми бесамар кечмади. Дастлаб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш хусусий корхонасини ташкил этдим. Кейинчалик тадбиркорлигимни савдо йўналишида олиб бордим. Мана беш йилдирки, «Кварц қурилиш нур» хусусий корхонаси раҳбариман. Сўнгги ўн йилда туман кенгашидаги депутат

сифатида ҳам O'zLiDeP дастурий гоёларини электоратга етказиш учун бор имкониятларимни ишга соляяпман. Шу кеча-кундузда «Беш тут» маҳалласида болалар боғини яратиш лойиҳаси устига иш олиб бораяпмиз. Туманимизнинг энг хушманзара қишлоғи Қоронқулда сайёҳлар учун мўлжалланган дам олиш масканини қуришни ҳам режамизга киритилган. Бугун корхонада 43 нафар ишчи-хизматчининг 15 нафари лойиҳа ва смета ишлари билан банд.

Опа ўз умрининг ҳар бир кунини янги орзу-умидлар билан кутиб олишга одатланган. Шундан бўлса керак, тадбиркорлик фаолиятида ҳам, партиявий вазибалар ижросида ҳам кўпчилик сафдошларига ўрناк бўлмоқда. Турли касб ва лавозимдаги кишилар кўнглига йўл топиш ва шу тариқа худуд аҳолисини қийнаётган муаммоларни бирма бир ҳал этиш унинг кундалик юмушига айланган.



Жорий йилда айнан депутатнинг аралашуви билан туманининг Нурчилар маҳалласи газлаштирилганлиги, Бўстонликдаги 17-18-мактаб ҳамда Чорбоғ худудда жойлашган хизмат кўрсатиш ва энергетика касб-ҳунар коллежининг таъмирдан чиқарилганидан ҳам унинг аниқ амалий ишларга қўл ураётганини илғаб олиш мумкин. Сийсий жиҳатдан чиниққан, фикр доираси ва мушоҳадаси теран аёллар туманда талайгина.

Уларга O'zLiDeP туман кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Ҳалима Аширова бош-қош. Партия фаоли сифатида ушбу сиёсий тузилманинг мақсад ва гоёларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этишда, маслақдошлар сафини ошириш ва партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган ҳаётбахш вазибаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиб келаяпти.

ОНАЛАРИМИЗ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ, УМР ЙЎЛДОШЛАРИМИЗ, ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВКЕИНИ ЯНАДА ОШИРИШ, ИЗЗАТ-ИКРОМГАНИ ЖОЙИГА ҚЎЙИШ, УЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ — ДАВЛАТИМИЗНИНГ, ҲУКУМАТИМИЗНИНГ, ЖОЙЛАРДАГИ ҲОКИМЛИКЛАРНИНГ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ.

Ислом КАРИМОВ

Кўксаройлик аёллар етакчиси

Бугунги ислохотлар жараёнига қиёсий назар ташлаган ҳар қандай инсон ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг ҳар бир босқичида хотин-қизларнинг муносиб иштирокини сезиши табиий. Айниқса, кейинги йилларда тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл очилгани минглаб опа-сингилларимизнинг истеъдод ва қобилиятини яққол номоён этишлари учун имконият яратди



Узоқ йиллар болаларга таълим бериб келган Ҳалима Минглиева ҳам хотин-қизларга берилаётган алоҳида эътибор, қолаверса, тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб тадбиркорликка қўл урди. Интилувчан, изланувчан аёлнинг ҳаракатлари бесамар кетмади. Унинг астойдил саъй-ҳаракати, оила аъзолари кўмаги билан Охангарон туманининг Наманган билан чегарадош бўлган энг чека худудда «ДОВОН» савдо маркази ишга туширилиб, 40 та янги иш ўрни яратилди. Тадбиркорнинг таъкидлашича, 2013 йилда бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва йўловчилар учун тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаларини ишга тушириш режалаштирилган. Агар ушбу лойиҳа тўлиқ амалга охса, «ДОВОН»да ишчилар сони 80 нафарга етади.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида «Бир зумда» ошанасини ишга тушириб, 10

нафар коллеж битирувчиларини ишга жалб этишга эришдик, — дейди тадбиркор. — Бу, аввало, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилаётган имконият самарасидир. Ҳабиба Минглиева нафақат ишнинг кўзини билладиган тадбиркор, балки O'zLiDePнинг ташаббускор вакили ҳамдир. Табиатан шижоаткор бу аёл, айна пайта «Кўксарой» маҳалласининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси ҳам. Маҳалла аҳлининг айтишича, кўксаройлик 30 дан ортиқ касанача хотин-қизларнинг уй-рўзгор юмушлари, фарзанд тарбиясидан ажралмаган ҳолда оиласи даромадига улус қўшишда ҳам Ҳабиба опанинг муносиб ҳиссаси бор.

— Кўлимда хунарим бўлса-да, фарзандлар тарбиясидан ортиб бирор корхонада ишлашга имконим бўлмаган, — дейди хунариманд Замира Жўраева. — Ангор эчкиси жунидан рўмол тўқийман. Бундан икки йил аввал Ҳалима опанинг қистови билан ишларимни «Кўли гулдир ўзбек аёли» кўрғазма савдосига олиб чиққандим. Ҳозир маҳсулотларим германиялик харидор томонидан олиб кетиляпти. Оилам бағрида, ўзим севган хунарим билан шуғулланиб, яхшигина даромад топаётганимдан бахтиёрман. Бу биргина касанача-



нинг юракдан айтган гапларидир. Унга қолган 29 нафар касаначининг дил сўзлари ҳам қўшилса, O'zLiDeP фаоли Ҳабиба

Минглиевани хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш борасидаги ишлари нечоғли қўламли экани яққол

намоён бўлади.

Бир сўз билан айтганда, буюк ва муқаддас Ватанимизнинг 21 йиллик тантаналарини O'zLiDeP вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» хотин-қизлари ҳам сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган ҳолда кутиб олмақдалар. Айниқса, улар орасида юрт келажаги учун ўзини масъул, деб билганлар сонининг ортиб бораётгани, O'zLiDeP гоёлари опа-сингилларимизнинг бир-бири билан ҳамфикр ва кўмакдош бўлишлари, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишларида катта ўрин тутаётганидан далолат беради.



Соғлом авлод — келажакимиз пойдевори

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори аҳоли саломатлигини сақлаш, уларга намунали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш масалаларига ҳам бирламчи эътибор қаратилгани боис бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий шифо масканлари фаолият кўрсата бошлади. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси ҳам худуддаги эл дардига малҳам бўлаётган муассасалардан биридир

— Давлатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони билан сўнг соҳага эътибор янада кучайди, — дейди бирлашма раҳбари, халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидаги O'zLiDeP депутатлиги гуруҳи аъзоси Дамира Ешимбетова. — Айниқса, Инвестиция дастури бўйича амалга оширилаётган ишлар тезкорлик билан давом эттирилаётгани эътиборга молик. Мазкур дастурнинг биринчи босқичида, яъни 2011 йилда шифо масканимизнинг мавжуд бўлимлари капитал таъмирдан чиқарилди, замонавий типдаги янги туғуруқхона қурилди. Иккинчи босқичида — шу йилнинг октябрь ойида болалар бўлими, дорихона, «Тез ёрдам» станцияси, қон тайёрлаш пункти, юкумли касалликлар, патоанатомия, марказий зарарсизлантириш ва кир ювиш хоналарини қайта таъмирлашни режалаштирганмиз.

Учинчи босқичда, яъни 2013 йилда қабулхона, операция блок, жароҳлик, терапия, шовилинч тиббий ёрдам, маъмурият биналари ҳамда марказий кўп тармоқли поликлиника таъмирлаш кўзда тутилган. Ана шу эзгу мақсадлар йўлида барча ички имкониятлар ишга солинмоқда. Айни кунда шифо масканимизда 936 нафар тиббиёт ходими аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Албатта, инсон тинч ва осуда ҳаёт кечир-



ши учун аввало соғлом бўлиши керак. Жорий йилда бошлаб «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида 100 та туман тиббиёт бирлашмаси замонавий тиббиёт воситалари билан жиҳозланади. Бу муҳим ишга 93 млн. АҚШ доллари сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 27 млн. евро миқдордаги имтиёзли кредитлар ва грант маблағлари эвазига барча вилоятлар ва Нукус шаҳридаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказларини реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Буларнинг бари, шубҳасиз, истиқлол шарофатидандир.

Муҳтасар қилиб айтганда, Юқоричирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси ходимларининг мақсади битта: у ҳам бўлса, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишдир. Ана шундай эзгу ишларни амалга оширишда бош-қош бўлаётганларнинг кўпчилиги O'zLiDeP аъзолари экани, айниқса, қувонарли. Бугун Юқоричирчиқ туманида 300 га яқин O'zLiDeP аъзоси бўлиб, уларнинг 130 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Сафдошларимизнинг 142 нафари тадбиркор ва фермер. Жорий йилнинг сўнгги чорағида улар ташаббуси билан 40 нафар туман аҳолиси доимий иш билан таъминланди.

— Асосийси, хотин-қизларимизда тадбир-

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!



Истиқлолимизнинг **21** йиллиги
Муборак бўлсин!



Озод ва обод юрtdа
барчага бахтли ҳаёт тилаймиз!

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



«ТРАСТБАНК»

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-БИРЖА БАНКИ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
эн улуг, эн азиз байрам ~
Мустақилликнинг 21 йиллиги
билан муборакбод этади.*

Ватанимиз гуллаб-яшнаб,
халқимиз дастурхони
доимо тўкин-сочин бўлсин,
азиз юртдошлар!

«ҚУВА УНИВЕРСАЛ ИНВЕСТ» МЧЖ ЖАМОАСИ

*барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги
билан қизғин
табриклайди.*

**Юртимиз обод,
дастурхонимиз тўкин,
гўзал диёримиз
доимо тинч ва
осойишта бўлсин!**



Истиқлол неъматлари битмас-туганмас

Бугун Ўзбекистонда етиштирилайётган хом ашёни қайта ишлаб, ички бозордан ортганини хорижга экспорт қилаётган корхоналаримиз мамлакатимиз шухратини ёйишга катта ҳисса қўшяптилар



Зумрад АБРОРОВА,
«XXI ASR»

Ана шундай жамоалардан бири «Наманган тола текстиль» масъулияти чекланган жамиятидир.

Катта умидлар билан 2007 йилда ташкил этилган мазкур sanoat корхонаси 2009 йилда ҳукумат қарори асосида қайта жиҳозланиб, ўсимлик ёғини қайта ишлаш корхонасига айлантирилди. Айни пайтда бу ерда юртимиз далаларида етиштирилган ғўза техник чигити, кунгабоқар ва соя ўсимлиги уруғидан сифатли ўсимлик ёғи олиниб, харидорларга тақдим этилмоқда.

— Дунёга машҳур тадбиркор, ахборот технологиялари соҳасида ўзига хос техник инқилоб ясаган Билл Гейтс «Майл менинг барча бойликларимни олиб кўйинг. Аммо ишчи-ҳодимларимдан иборат меҳнат жамоасини ихтиёримда қолдирсангиз бас, улар ёрдамида қисқа муддат

ичида яна шу бойлигимни тиклаб олам», деган экан, — дейди биз билан суҳбатда мазкур корхона раҳбари Мухаммад Аҳмаджонов. — Бу сўзларга, албатта, ҳар хил ёндашиш мумкин. Бизнинг корхона ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирда 186 нафар ишчи-ҳизматчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг ярми ёшлар, ярми тажрибали ҳодимлардан иборат. Ёшлик шижоати ва ҳаётий тажриба ўртасидаги мувозанатни сақлай олишимиз мавжуд салоҳиятларимизни юзага чиқаришга, пировардида юқсак молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга эришимизга кўмак берапти.

Энг муҳими, ҳодимларимиз ишга катта масъулият ва эътибор билан ёндашади. Корхонага ўзларининг иккинчи ўйлари, ишлаб чиқариш жараёнига эса устувор ҳаётий масала сифатида қарашади. Чунки уларнинг рўзгор тебратишлари, қанчалик даромад

олишлари бу жараёнга бевосита боғлиқ. Цех механиги Маҳмуджон Абдуллаев, механика цехи устаси Каримжон Қосимов, лаборатория ходимлари Замира Хусанова ва Сафия Исмоилова, асосий бўлим бошлиги Ботир Боймирзаев, қадоқлаш цехи устаси Абдулла Жалилов каби мутахассисларимиз ўзларига юқлатилган вазифаларни аъло даражада удралаб, жамоадошларига намуна бўлиш билан бирга ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб, таъриба оширишлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур кадрларни эса асосан вилоятимиздаги ихтисослашган ўрта махсус таълим муассасаларидан қидирамиз. Яқинда Намангандаги озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан уч томонлама шартнома имзоланди. Тез орада улар ҳам корхона меҳнат жамоасига янги куч сифатида келиб қўшилишди.

— **Истиқлол йилларида тадбиркорликни ривожлантириш, бу борадаги муаммо ва кам-**

чиликларни бартараф этишга қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари эълон қилиниб, амалда татбиқ этилмоқда. Корхонада уларнинг самараси нечоғли ҳис этилапти?

— Юртбошимиз ташаббуслари билан ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда бўлгани каби иқтисодиётда ҳам катта ислохотлар амалга оширилди. Қолаверса, соҳага оид миллий қонунчилигимиз ҳам йил сайин тақомиллашиб бормоқда. Мазкур иқтисодий ҳуқуқий ислохотлар натижасида бўлар-бўлмасга ўтказиладиган, бевосита ишимизга ҳалақит берувчи турли текширув ва мониторинг тадбирларининг сони кескин қисқарди. Айрим имтиёзлар боис корхона маблағларини тежаб қолиб, ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтиряямиз. Айниқса, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқалар йил сайин соғломлашиб борапти. Биз ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кескин ошириш максималида «Алоқабанк»дан 3 миллиард 940 миллион сўмлик кредит олгандик. Айни пайтгача бу қарздан тўлиқ қутулдик.

— **Хом ашё масаласини қандай ҳал этаётизлар? Умуман, корхона фаолияти ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида тўлароқ маълумот берсангиз.**

— Асосий хом ашё бўлган чигит борасида даярли муаммо йўқ. Кунгабоқарни эса қўшимча равишда ўзимиз экиб, қайта ишлашди. Бу йил 1125-1200 тонна атрофида ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Бевосита

ишлаб чиқариш жараёнига келсак, 2011 йилнинг февраль ойидан тўла қувват билан иш бошладик. Шундай бўлса-да, ўтган йилдаги кўрсаткичлар ёмон бўлмади. Натижада 3827 тонна қораёғ, 3395 тонна оқланган ёғ, 10063 тонна шрот, 9955 тонна шелуха, 385 тонна совун учун зарур хом ашё — соупсток олишга муваффақ бўлдик. Шундан 2065 тонна ёғ қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказилди. Умуман олганда, ўтган йили жами 6 миллиард 946 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

— **Бу йилги натижалар қандай бўляпти?**

— Жорий йилнинг биринчи ярмида цехларимизда 17297 тонна чигит қайта ишланди. Пировардида, 2734 тонна оқланган ёғ, 7878 тонна шрот, 4561 тонна шелуха, 371 тонна соупсток ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 2631 тонна ўсимлик ёғи қадоқланди. Бу маҳсулотларнинг қиймати умумий ҳисобда 6 миллиард сўмдан ошиб кетди. Жамоамиз аъзоларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 375 миллион сўм миқдорда соф фойда олинди. Келгуси йили бундан ҳам юқориқор марраларни кўзлаб турибмиз. Жумладан, 45 минг тонна техник чигитни қайта ишлаб, умумий қиймати 25 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ниятимиз бор.

— **Айни пайтда кўнглингиздан қандай ўйлар кечаяпти?**

— Шу кунларга етиб келганимиздан, истиқлол неъматлари бизга ҳам насиб этганидан шукроналик ҳиссини туймоқдамиз. Фурсатдан фойдаланиб, соҳамиз ҳодимлари, қолаверса, барча юрдошларимизни кутлуғ ва азиз байрам билан муборакбод этаман.

Масъулият юки бу

«Энг яхши тадбиркор» йўналишида голиблик Жиззах шахридаги «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Холисхон Бобоевага, «Энг яхши фермер» голиблиги эса Қарши туманидаги «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Холёровага насиб этди. «Энг яхши хунарманд» йўналишида голиблик риштонлик хунарманд Мирзомасхар Ақромовга берилди»



Наргиза КАХҲОРОВА,
«XXI ASR»

Мақолани Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2012» кўрик-танлови якунида янраган сўзлар билан бошлаганимиз бежиз эмас. Аслида ҳам O'zLiDeP фаоли, тадбиркор Холисхон Бобоевнинг танловда голибликни кўлга киритиши мустақиллигимизни 20 йиллигида эришган энг катта юзгит бўлди.

— Президент соврини минглаб иштирокчилар орасида менга насиб этганидан бошим осмонга етди, — дейди «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонаси раҳбари Х. Бобоева. — Бу, энг аввало, биз, тадбиркорларга яратиб берилган шарт-шароитлар ва имтиёз-

лар натижасидир. Шунинг учун ҳам билдирилган ишонччи оқлаб, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш орқали саноатимиз салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўиши мақсадида Германия ва Ҳиндистондан замонавий технология линиялар олиб келиб, ипақ толасини тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўймоқчиман. Ана шунда четга фақат тайёр маҳсулот экспорт қила бошлаймиз.

Холисхон Бобоева мустақиллик йилларида тадбиркорликка кўл урган минглаб юрдошларимиздан бири. 2007 йилда «Жиззах-Кўҳинур» хусусий корхонасини ташкил этиб, томёқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 2008 йилга келиб вилоятдаги мактаб, ушайроқ қурилишлари учун шифер етказиб беришни ўз зиммасига олди. 2009-2011 йилларда 610 минг донна сифатли маҳсулот харидорларга жўнатилди.

2010 йилда корхона қошида пиллани қайта ишлаш цехининг ишга туши-

рилиши 300 га яқин янги иш ўрни яратилишига омил бўлди. Мазкур цех ийлига 300 тонна пиллани қайта ишлаш ва 60 тонна ипақ толаси ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундан ташқари, 25 та иш ўрнига мўлжалланган адрас ва атлас тўқши корхонасига ҳам асос солинди.

Юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида изланиб, атрофдагиларга намуна бўлаётган ва шу йўл билан ўз зиммасидаги масъулиятни теран англаётган тадбиркорни жиҳазликлар фақат ишбилармонлик фазилатлари учунгина эмас, балки одамлар оғирини енгил қилади-ган, бошқалар дардини ўз дардидек қабул қилувчи оққўнгил инсон сифатида ҳам яхши билишади. Табиатан шижоаткор бу аёл ғамоат ишларида фаол иштирок этиши билан бирга O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари сифатида ҳам фаолият олиб борапти. Бугун Холисхон Бобоева атрофига жамланган аёллар сони вилоятда 3000 нафардан ошди. Уларнинг 310 нафари эса тадбиркор ва фермер. Холисхоннинг бевосита ташаббуси билан жорий йилда вилоятда O'zLiDePнинг «Дийдор» сайёр клуби ташкил этилгани эса «Аёллар қаноти» фаолиятини янада жонлантирди.

— O'zLiDeP бугунги кунда тадбиркорлик билан жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқароларни ўз атрофига бирлаштирмоқда, — дейди Холисхон опа. — Биз жамонинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаш сари борар эканмиз, зиммамизга жуда катта масъулият юқлатилганини ҳес қачон унутмаслигимиз лозим.

Замон билан ҳамқадам

Юқсак технологиялар шиддат билан ҳаётимизга кириб келаётган бир пайтда ҳар бир мамлакат давр билан ҳамнафас яшайдиган кучли, билимли ва зукко кадрларга эҳтиёж сезиши табиий

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Ана шу масъулиятдан келиб чиқиб нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда энг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири саналган Тошкент ахборот технологиялари университети ҳам таълим сифатини ошириш ва уни жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга интилоқмоқда. Истиқлол йилларида университетнинг фаолият кўлами ана кенгайди. Президентимизнинг 2005 йил 2 июндаги «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан Самарқанд, Фарғона, Нукус, Қарши ва Урганч шаҳарларида университетнинг минтақавий филиаллари ташкил этилди.

Бугунги кунда университетда 7 та факультет мавжуд бўлиб, унда 6063 нафар талаба таҳсил олмақда. Олий даргоҳнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ўқув жараёни сифатини ошириш учун барча аудиториялар замонавий техника воситалари ва мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, ҳозирги кунда барча маъруза дарслари мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилаяпти. Шунингдек, TATU ва унинг филиаллари орасида «Huawei» компаниясининг хомийлиги билан видеоконференция тизимига асосланган масофавий таълим тизими ҳам йўлга қўйилган. Ушбу тизим ёрдамида университет ва унинг филиаллари ўртасида турли конференция ва семинарлар, он-лайн тарзда олиб борилаяпти. Мазкур олий таълим муассасасида

2011 йилда Марказий Осиёда ягона олий ўқув юрти сифатида Халқаро Электр Алоқа Иттифоқи аъзолигига қабул қилинди. Шунингдек, мамлакатимиз олий ўқув юртиларида ягона бўлган мустақил Wi-Fi технологияси асосидаги симсиз алоқа технологиялари орқали Интернет хизмати ҳам ташкил этилган.

Кези келганда илм масканида халқаро алоқалар ҳам мустаҳкам йўлга қўйилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Жанубий Корея, Россия, Малайзия, Бельгия, Нидерландия, Испания, Швеция, Франция, Италия, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Ҳиндистон, Хитой Халқ Республикаси, Миср Араб Республикаси, Япония, Украина, Беларусь, Қозғистон, Латвия, Литва, Арманистон, Грузия, Туркия, Азербайжон каби мамлакатларнинг 57 та университети, 10 та илмий-тадқиқот маркази, 15 та ташкилот ва компания билан жами 82 та ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, шулардан 60 таси билан ўзаро келишув ва меморандумлар имзоланган. Бунинг самараси ўлароқ янги телекоммуникация технологияларини ўргатишга мўлжалланган қиймати 39,6 минг АҚШ долларига тенг ZTE корпорацияси лабораторияси қурилмалари беғариз ёрдам сифатида берилиши режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан амалга оширилаётган ишларнинг туб негизда битта мақсад — мамлакатимизнинг эртанги кўнига ўз билими ва интилоқлиги билан муносиб ҳисса қўша оладиган кадрларни тарбиялашдек масъулиятли вазифа мужассам.

Бу юртда яшашнинг ўзи бир бахт

Истиқлол йилларида барча ҳудудларда бўлгани сингари Фарғона вилоятида ҳам кенг қўламли ислохотлар туфайли шахар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди

Баҳром ИШБОВ,
Фарғона вилоятидаги «Парабола» хусусий корхонаси раҳбари:

— Ўтган 21 йил ичида юз берган бундай ўзгаришларни бир муддат тасаввур этиш, юракдан ўтказиш, тарихан қисқа даврда мамлакатимизда асрларга татиғулик ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлишнинг ўзи бир бахт. Энг аввало, мустақиллик бизга барча соҳаларда эркин фаолият юритиш учун катта имкониятлар эшигини очди. Хусусан, тадбиркорлик иқтисодиётининг чин маънодаги локомотивига айланди. Истиқболли порлоқ хусусий корхоналар сони йил сайин ортиб борапти. Улардан бири — бизнинг минерал ўғитлар билан савдо қилувчи ихтисослашган «Парабола» улгуржи савдо корхонамизидир. 2004 йилдан бери фаолият юритиб келаётган маз-

кур корхонамиз айни пайтда аҳоли томорқаси ва фермер хўжалиқлари учун зарур бўлган минерал ўғитлар савдоси билан шуғулланади. Қўшни Андижон ва Наманган вилоятларида ҳам савдо шохобчаларига эгамиз.

2010 йили фаолиятини янада кенгайтириб, Риштон туманидаги Чунғора қишлоғида минерал сув ва салқин ичимликлар ишлаб чиқариш кичик цехини ҳам ишга туширдик. Хитойнинг «HORGOS LTD LI TRADING CO. LTD» фирмасидан жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган қадоқлаш дастгоҳларини келтириб ўрнатдик. Бунда «Ўзсаноатқурилишбанк» Қирғули филиалининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур молия муассасасининг ташаббуси билан Исломо тараққиёт банки маблағи ҳисобида 168 428 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилгани айни муддао бўлди. Ҳозирги кунда цехда 30 нафардан зиёд маҳал-



лий йигит-қизлар меҳнат қилапти. Чиройли ва бежирим идишларга қадоқланаётган салқин ичимликлар тезда харидор эътиборини қозонгани туфайли кўнига 16000 донна минерал сув ва салқин ичимлик тайёрланаётди. Олинган кредит қопланиб, айни пайтда фойда ҳисобига фаолият кўрсатаётир.

Замон талаблари даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун тинимсиз изланиш, соҳа янгиликларидан ҳамма ҳам борабар бўлиш талаб этилади. Бунинг учун етарлича шарт-шароит, қулай имкониятлар зарур. Мустақилликнинг 21 йиллигини нишонлайётган юртимизда хусусий тадбиркор учун

барча шарт-шароит мурҳабай. Шу боис ҳар йили истиқлол байрамини фахр ва ифтихор билан кутиб оламиз. Ана шундай юртда яшашнинг ўзи катта бир бахт эканлигини чуқур ҳис этамиз. Юртимизнинг иқтисодий тараққиётига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимиздан бошимиз осмонга етади.

«Халқ банки» халқ ишонган банк

Мамлакатимиз молия муассасалари орасида барқарор ривожланаётган давлат-тижорат «Халқ банки» истиқлол йилларида том маънодаги халқ банкига айланди

Тўпланган узоқ йиллик тажриба бугун банк мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Мамлакатимизнинг қай бир ҳудудида бўлмаган — шаҳар, туман, қишлоқ ва ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам «Халқ банк»нинг бўлиналари фаолияти изчил йўлга қўйилганига гувоҳ бўласиз. Улар аҳолининг энг ишончли ҳамкорига айланган, десак асло туболаға бўлмайди. Хусусан, банкнинг Тошкент шаҳар филиали 209 та шохобча, 14 та минибанк, 167 та касса ва 13 та халқаро пул ўтказма шохобчалари орқали 120 минг жисмоний ва 7300 та юридик шахсга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Айни пайтда банк бўлиналари даромадларни ошириш, бизнес-режа кўрсаткичларини бажариш йўлида салмоқли натижаларга эришмоқда. Хусусан, 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига жами активлар миқдори 272,5 миллиард сўмни ташкил этгани ва жорий йил бошига нисбатан 25,8 фоизга ўсгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Мутахассислар бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 5,7 баробарга ўсганини ҳам алоҳида таъкидламоқдалар.

давлат ижтимоий кўмағига муҳтож бўлганлар, яъни пенсионерлар, 18 ёшгача бўлган болалар, 2 ёшгача бола парваришида бўлган оналар, ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида умумий ҳисобда 40 миллиард сўм маблағ ажратилгани ҳам эътиборга моликдир.



Банк жамоаси ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёш болали оналар, нафақа ёшидаги кексалар ва ногиронларнинг ҳам ҳақиқий мададкорига айланган. Уларга бир неча турдаги нафақа ва моддий ёрдам пуллари доимий равишда ажратиб келинмоқда. Пойтахтимиз буйича ушбу нафақа, пенсия ва моддий ёрдам пуллари «Халқ банки»нинг Тошкент шаҳар ва унинг туман филиаллари томонидан ўз вақтида етказиб берилётгани аҳоли кенг қатламларининг мазкур молия муассасасига бўлган ишончли янада мустаҳкамламоқда. Хайрли ишлар давом эттирилиб, 30 мингдан зиёд

Бундан ташқари, банк жамоаси фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти буйича ҳам самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, Тошкент шаҳар филиаллари томонидан биринчи ярим йилликда 55458 та корхона ва ташкилотлар билан шартномалар тузилди ва 1 794 933 ходимга анкеталар очилди. Натижада банк ҳисобига 193,5 миллиард сўм келиб тушди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси борасида аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш, янги фоизли омонат турларини мижозларга таклиф қилиш ҳам кун тартибидagi асосий масалалардан биридир. Жумладан, аҳоли манфаатларини кўзловчи 17 турдаги омонатлардан ташқари «Бунёдкор», «Коммунал хизмат», «Мустаҳкам оила» ва «Наврўз ифори» деб номланган янги омонат турлари ҳаётга татбиқ этилди. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли омонат ҳисоб рақамлари 2,5 миллионга етди

ва аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш буйича амалга оширилган ишлар натижасида банк-ресурс базаси жорий йил бошига нисбатан 13 фоизга ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар қандай банкнинг кредит сиёсати биринчи галда мижозлар талабидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Хусусан, жорий йил бошидан «Халқ банки» Тошкент шаҳар туман филиаллари томонидан қарийб 40 миллиард сўм кредит ажратилган бўлиб, шундан кичик бизнесга 17 миллиард, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 9,3 ва аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашга 1,4 миллиард сўм ажратилган. Бундан ташқари, банк томонидан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ҳамда ёш оилаларга 12 миллиард сўм миқдорда кредитлар йўналтирилди.

«Халқ банки» мақсадли кредитлари эвазига жорий йил бошидан Тошкент шаҳрида 500 га яқин янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса банкнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини юксалтиришга ўзига хос ҳисса қўшаётганлиги ҳамда мижозлар ишончини тўла оқлаётганлигидан далолатдир.

— 2010 йилдан бери «Халқ банки» Тошкент шаҳар Чилонзор филиали мижозиман, — дейди «Осиё ширинликлари» масъуляти чекланган жамияти раҳбари Ксения Гулямова. — Банкда мижозлар билан ишлаш юқори даражада йўлга қўйилган. Мазкур молия муассасасидан олинган маблағлардан оқилонга фойдаланиб, нафақат ишлаб чиқариши, балки 25 та янги иш ўрни ташкил этиш режасини ҳам удраладик.

Пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритаётган «Grand Production» масъуляти чекланган жамияти ҳам «Халқ банки» мижози ҳисобланади. Ушбу корхона қурилиш ташкилотлари учун бетон қоршмалари ишлаб чиқармоқда. Мазкур тузилма «Халқ банки» Олмазор филиалининг молиявий кўмағи эвазига бетон қорш машинасини харид қилиб, яна қўшимча 10 дан ортиқ янги иш ўрни яратди.



Шу ўринда банкнинг аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш йўлидаги ишларини ҳам эътироф этиш жоиз. Масалан, Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритувчи «Benitex Plus» тикиш-бичиш корхонасига янги тикув дастгоҳлари харид қилиш учун мақсадли кредит ажратилиб, 10 га яқин иш ўрни ташкил қилинди. Натижада корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, тайёр маҳсулот турлари ҳам кўпайди.

Маълумки, замонавий ҳисоб-китобнинг энг қулай воситаси сифатида эътироф этилаётган пластик карточкалар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. «Халқ банки»нинг пойтахтдаги филиали тизимида ҳам бу борадаги ишлар самарали йўлга қўйилган. Жумладан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига банк томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 41,6 минг донани ташкил қилмоқда. Шу билан бирга, 1 июлдан бошлаб пластик карточкалар орқали тўловнинг янги тури — он-лайн тизимига ўтиш чора-тадбирлари амалга оширилиб, умумий ҳисобда 500 дан ортиқ ана шундай терминал ва мингга яқин янги пластик карточка савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ҳамда мижозларга тарқатилди. Йил охиригача яна 400 га яқин терминал ва 10 мингдан зиёд пластик карточкаларни фойдаланувчиларга топшириш режалаштирилмоқда.

Ўз мижозларига нафақат банк хизмати

лари, балки замонавий интерактив хизматлар кўрсатиш борасида ҳам «Халқ банки» илғорлардан саналади. Жумладан, «Интернет банкинг» ва «Uyali pul» каби хизматлар банк мижозларига ҳисоб рақамлар билан ишлашда қатор қулайликлар яратмоқда. Бу, айниқса, банкнинг юридик шахс мақомидаги мижозлари вақтини тежаш ва иш унумдорлигини оширишга хизмат қилаётти. Айни пайтда биргина «Интернет банкинг» хизмати 300 га яқин мижозга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларидан фойдаланган ҳолда, жисмоний шахслар учун уяли ёки уй телефони орқали исталган жойдан туриб, ўз ҳисоб рақамини кузатиш ва бошқариш имконини берувчи «Uyali pul» хизмати ҳам аҳоли орасида тобора оммалашиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Халқ банки» истиқлол йилларида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшаётган энг йирик молия муассасаларидан бирига айланди. Ана шундай масъулятли жараёнда банк жамоаси молия бозорида қўлланилаётган янги хизмат турларини ҳаётга кенг жорий этиб, мижозлар билан ишлаш маданиятини бундан-да юқори даражага кўтаришга интилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

ХАЛҚ БАНКИ

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ
жамоаси барча юртдошларимизни

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги
билан табриклайди.

Байрам муносабати билан Сиз, азизларга янги — «Болажонга мадад» жамғарма ҳамда «Оила манфаати» муддатли омонатларини таклиф этади.
Омонатларга маблағлар банкнинг филиаллари томонидан миллий валютада чекланмаган миқдорда нақд ва нақд пулсиз шаклда қабул қилинади.

Маблағларингизни мазкур омонатларда сақлаб, даромад олинг. Имкониятни қўлдан бой берманг!


Доим Сиз билан бирга!





Изланиш ютуқлар омили бўлмоқда

Кундалик турмушимизни ёғ-мой маҳсулотларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Юртимизнинг ушбу йўналишдаги эҳтиёжларини қондиришда «Учқўрғон-ёғ» очик акциядорлик жамиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Қувонарлиси — бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар импорт ўрнини босаётгани боис муайян миқдордаги хорижий валюта бошқа эҳтиёжларга сарфланмоқда



Зумрад АБРОРОВА,
«XXI ASR»

Хар қандай корхонада ишнинг бир маромда бориши кўп жihatдан унинг раҳбарига боғлиқ. ОАЖ раиси Соҳибжон Ҳақимов билан суҳбатимиз давомида бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Албатта, хар бир жараёнга баҳо беришда маълум бир мезонларга асосланиш лозим, — дейди С.Ҳақимов. — Ўтган йили корхонамиз ўз фаолиятини ижобий иқтисодий-молиявий кўрсаткичлар билан яқунлади. Масалан, 2010 йилда бу ерда солиштирма нарҳда 26 миллиард 596 миллион 202 минг сўмлик саннат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 27 миллиард 959 миллион 359 минг сўмга чиқиб, ўсиш суръати 105,1 фоизни ташкил этди, яъни 1 миллиард 363 миллион 157 минг сўм кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Халқ истеъмол моллари

ишлаб чиқариш кўрсаткичи эса 26 миллиард 767 миллион 411 минг сўмни ташкил этди. Бу 2010 йилга нисбатан 264 миллион 679 минг сўмга зиёддир.

Умуман олганда, 2011 йил давомида корхонада 46534 тонна техник чигит қайта ишланиб, 8573 тонна қора ёғ, 20242 тонна шрот, 15066 тонна шелуха, 7587 тонна оқланган ёғ, 757 тонна 70 фоизли хўжалик совуни, 10396 тонна техник саломас моддаси ва 2 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, 200 тонна глицерин маҳсулотлари ҳамда 2500 тонна техник саломас кислотаси ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, 1789 тонна кунгабоқар қайта ишланиб, 640 тонна ёғ, 1113 тонна шрот ва 566 тонна рафинланган ёғ ишлаб чиқарилди.

— **Жорий йилдаги фаолиятингизни қандай баҳолайсиз?**

— 2012 йилнинг ярим йиллигида режадаги 14 миллиард 887 миллион 703 минг сўм ўрнига 15 миллиард 532 миллион 310 минг сўмлик

маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўсиш суръати 104,3 фоизни ташкил қилди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ҳам 117,5 фоиз ўсишга эришдик.

Яқинда корхонамизда бир суткада 400 тонна техник чигит туқсизлантирилиб, бир йилда 12 минг тонна линт ажратиб олиш қувватига эга янги цехни ишга туширдик.

Бундан ташқари, ҳозирда корхонамиз ёрдамчи хўжалигида жами 60 бош, шулардан 34 бош насли ва 26 та маҳаллий қорамол боқилмоқда. Уларнинг 13 боши соғин сиргилар бўлиб 6 ой давомида 9432 литр сут олиниб, ишчи-хизматчилар, жамият ошхонасига ва аҳолига арзон нарҳларда етказиб берилди. Паррандачилик цехида 8300 бош товук парваришланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида жамoa аъзоларига 646 минг дона тухум етказиб берилди.

— **Сир эмас, кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналарида фақат кўрсаткичлар кетидан қувилиш боис, қайта жиҳозлаш ва янги-**

лаш масаласига етарлича эътибор берилмаяпти...

— Тўғри, бизда ҳам айрим муаммолар мавжуд. Аммо модернизациялаш масаласи доимо диққат марказимиздадир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги қарори билан тасдиқланган «2007-2011 йиллар давомида Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш» дастурига мувофиқ, 2008 йилнинг ноябрь ойида янги «Водород-Кислород ва Гидрогенизация» цехини ишга туширдик. 2010 йилда бу ерда 9183 тонна техник саломас маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, замон талабларига жавоб берадиган, қуввати бир йилда 4800 тонна совун маҳсулотла-

ри ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Учқўрғон SOAP экстракт» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. 750 минг АҚШ доллари эвазига Хитой Халқ Республикасидан янги технологик линиялар келтирилди. Совун ишлаб чиқариш цехи ишга туширилиши натижасида кўшимча 50 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2011-2012 йилларда режалаштирилган корхоналарни модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш дастурига асосан, ХХРдан 298 минг АҚШ доллари эвазига суткада хар бири 150 тонна техник чигитни қайта ишлаш қувватига эга 3 та ёғ пресс агрегати ва 4 та жаровня олиб келинди. Ўрнатиш ва монтаж



қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Айни пайтда уларни техник саломас сифатини яхшилаш ва унинг таркибидаги глицеринни ажратиб олиш мақсадида бир суткада 5 тонна глицерин ишлаб чиқариладиган цех куриб битказилди ва ҳозирда бу ерда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Янгидан ишга туширилган қандолатчилик цехида ҳам маҳсулот тайёрланмоқда.

— **Мижоз талаби даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш осон эмас, албатта. Бу борада эришилаётган натижалардан кўнглингиз тўлаяптими?**

— Халқимизга сифатли маҳсулот етказиб бериш — асосий мақсадимиз. Ишни истеъмолчи талаб ва эҳтиёжлари даражасида ташкил этишга эътибор қаратаёلمиз.

Бундан ташқари, корхонамиз «ISO 9001-2009» халқаро стандартлаштириш тизимига ўтган. Бу ҳам бизга кўшимча масъулият юқлайди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон бозорига кириб бориш мақсадида ЕАН Ўзбекистон кодлаш тизимидан ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғлари учун кодлар олиниб, амалда қўллаб келинаяпти.

— **Сифатли маҳсулот тайёрлаш учун ишчи ва хизматчиларга яхши шароит зарур. Шундай эмасми?**

— Албатта, бугун корхонамизда жами 623 нафар киши меҳнат қилади. Шундан 110 нафари аёллардир. Уларга қулай шароит яратиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширдик. Масалан, ишчилар ошхонаси тўла таъмирланиб, мўътадил ҳаво шароитини таъминловчи кондиционерлар ўрнатилди. Шахсий ҳимоя воситаларига 7,5 миллион сўм, махсус кийим учун 36,8 миллион сўм сарфланди. Жамият иш жойларини шаҳодатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ўқув маркази билан 10,5 миллион сўмлик шартнома тузилиб, муайян ишлар олиб борилмоқда. 2012 йил 6 ойи мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига 240 миллион сўм маблаг сарфланди. Корхонада ишчиларнинг кийиниш, ювиниш ва дам олиш хоналари тўла таъмирдан чиқарилди.

Умуман олганда, корхонамизда инсон омилига алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Чунки бугунги кунда эришилаётган барча муваффақиятларимиз бевосита ходимларимизнинг баракали меҳнатлари ва жонқурликлари натижасидир.



«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ»

очик акциядорлик жамияти жамоаси


Ўзбекистон халқини бағрамиз
уғун энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз

муштақиллигининг 21 йиллиги

билан табриқлайдир!

Нурафшон айёмда бағрага муштақкам соғлиқ,
яхши кайфият, оилавий бахт-саодат
ва янгидан-янги муваффақиятлар тилайдир!

Эл-юртимиз пини, осмонимиз мусаффо,
муштақиллигимиз абадий бўлсин!



21
ЙИЛ

**ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН,
ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!**

25

«XXI ASR»

2012 йил 1 сентябрь,
шанба,
e-mail:
axborot00asr@yahoo.com,
XXI_asr@yahoo.com



БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*ватандошларимизни
энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги
билан самимий табриклайди.*

Юртимизда катта
тантаналар билан
нишонладиган истиқлол
байрами ҳаммамизга
бугундан-да зиёда тўкинлик,
фаровонлик, қувонч ва
шодлик бахш этсин!

1
сентябрь

*Элимиз омон, осмонимиз мусаффо,
мустақиллигимиз абадий бўлсин!*



Кредит кўйилмалари — иқтисодиётнинг устувор соҳаларига

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий базасини мустақамлашга жиддий эътибор қаратиляпти

Шахзод НАЗАРОВ,
«XXI ASR»



Бу эса янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётир. АТИБ «Ипотека банк»нинг Хоразм вилояти филиали ҳам давр талабларидан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Айни пайтда банк жамоаси 83 та давлат корхонаси, 100 та нодавлат нотижорат ташкилот, хорижий капитал иштирокидаги 6 та корхона, 13 та бюджет ташкилоти, 1221 нафар яқка тартибдаги тадбиркор, 1303 та хусусий фирма ва ташкилотларга намунали хизмат кўрсатаётир.

Шуни айтиш керакки, хоразмлик тадбиркорлар билан «Ипотека банк»нинг вилоят филиали ўртасида ишончли ҳамкорлик қарор топган. Сабаби, уларнинг фаолияти молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда. Биргина ўтган йили кичик бизнес соҳасига 13 925,9 млн. сўм кредит йўналтирилгани ҳам фикримиз далилидир. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами кенгаймоқда. Мисол учун, «Мини Аккумулятор» МЧЖга филиал томонидан 300 млн. сўм кредит ажратилган эди. Шунинг ҳисобига бу ерда йилига 650-700 минг дона аккумулятор моноблоклари тайёрланмоқда. Вилоятдаги «Йўлдош Таношчи» хусусий фирмаси банкдан 350 млн. сўм миқдорда инвестицион кредит олган эди. Бунинг эвазига Хитой Халқ Республикасидан ойнага пардоз берувчи ускуналар келтирилиб, 12 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Таъкидлаш керакки, кредит кўйилмалари асосан иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқда. 2012 йил 1 июль ҳолатига берилган кредитлар миқдори 20 098 млн. сўмни ташкил этмоқда. Ушбу маблағларнинг 2 325,0 млн. сўми аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлайдиган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига, 6 340,0 млн. сўми қурилиш, 757 млн. сўми қишлоқ хўжалиги, 5 326,0 млн. сўми маҳаллий sanoat, 793 млн. сўми хизмат кўрсатиш ва 4557,0 млн. сўми иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтирилди.

Иқтисодий ночор, кам қувватли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш бўйича ҳудудий дастурга киритилган 9 та кор-

хона-ташкilotга 9090,0 млн. сўм миқдорда кредит ва инвестиция ажратилганини ҳам эътироф этиш ўринлидир. 2012 йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган қўшимча лойиҳалар дастурига 11 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг жами қиймати 2365,0 млн. сўмни ташкил этади. Ушбу маблағнинг 1814,0 млн. сўми банк томонидан молиялаштирилди. Натижада 38 та янги иш ўрни яратилди. Вилоятдаги «Катқалъа-текс» корхонаси «Victory symbol» МЧЖга сотилган эди. Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Корхона тўла қувват билан фойдаланишга топширилган, йилига эркаклар ва аёлларнинг 12 млн. жуфт пайпоқларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Касб-хунар коллежи битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш айни кундаги долзарб масалалардан биридир. Шу мақсадда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 14 та касб-хунар коллежи битирувчилари учун 256,5 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада қўллаб ёшлар бугун бизнес соҳасига қўл уриб, ҳаётдан муносиб ўринларини топмоқдалар.

Маълумки, электрон ҳисоб-китобнинг энг қулай воситаси бўлган пластик картчалар тобора оммалашиб бормоқда. «Ипотека банк»нинг вилоят филиали ҳам бу борарда етарли тажрибага эга, деб бемалол айта оламиз. Жумладан, жорий йилнинг 1 август ҳолатига 27067 дона пластик карточка муомалага чиқарилган. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида ҳозиргача 238 та терминал ўрнатилганлиги ҳам эътиборни тортади. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан қарийб икки баробар кўпдир.

Бир сўз билан айтганда, АТИБ «Ипотека банк»нинг вилоят филиали жамоаси излашларни давом эттириб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга эришмоқда. Бу эса ислохотларнинг ҳозирги босқичида халқ қилувчи аҳамият касб этади.

— Президентимизнинг биз, ғаллакорларга йўлланган табригидаги «Бугунги кунда фермер нафақат деҳқон, айни пайтда ҳам агроном, ҳам иқтисодчи, ҳам механизатор, ҳам ташкилотчи сифатида ўзлигини намойён этаётгани, фермерлик ҳаракати қишлоқ ҳаётининг оғир юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлган ҳал қилувчи ижтимоий куч бўлиб майдонга чиқаётгани бизнинг бу соҳада ўз олдимизга қўйган пировард мақсад йўлида қатъият билан бораётганимиздан далолат беради» деган сўзларни ўқиб, қалбим беихтиёр қувончга тўлди. Энг муҳими, истиқлол туфайли дунёқарашимиз ўзгарди. Фермерликни ривожлантириш орқали жамятга, одамларга нафим тегаётганидан мамнунман. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан биз, фермерларга берилётган юксак эътибор натижасидир, — дейди Лолахон Муротов.

Ер юзида рўй бераётган глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида ёғингарчилик, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар туфайли қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига путур етаётган бир пайтда мамлакатимиз ўзини ўзи ғалла билан таъминлабгина қолмасдан, ҳатто экспортга ҳам маҳсулот чиқармоқда. Юртимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигининг барча жабҳаларида қўлга киритилаётган бугунги залворли ютуқлар ўтган 21 йил мобайнида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасидир, десак хато қилмаган бўламиз.

Айни пайтда юртимиз далаларида пахта йиғим-теримига киришилди. Қаҳрамонини ҳам жорий йилда 174 гектар майдонга чигит қадаган эди. Эрта баҳордан қилingan меҳнат зое кетмади. Ҳосил йиғиб-териб олинса, мўлжалдаги 460 тонналик хирмон зиёди билан уйлади.

Ҳозирда замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланмасдан мўл, сифатли ва арзон маҳсулот етиштириш қийинлиги пахтакору ғаллакорларга, умуман олганда, ҳар бир фермерга кундек равшан. Буни олтиариқлик Лолахон

«Нурли обод»нинг нурафшон йўли

Олтиариқликлик фермер Лолахон Муротовани Фарғона вилоятида кўпчилик яхши билади. 2007 йилда фермерликка қўл уриб, «Нурли обод» фермер хўжалигига асос солган тиниб-тинчимас тадбиркор жорий йилда 231 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан ҳосил етиштирди. Шартномадагидан анча зиёд — 926 тонна ғалла топшириб, 7 миллион 170 минг тонналик улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшди



фермер ҳам жуда яхши билади. Шу боис хўжалик ҳисобидидаги барча техника воситалари бир зум ҳам тўхтаб қолмапти.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, соҳада самарадорликка эришишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер

хўжаликларидида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари бу йўлда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. «Нурли обод» фермер


хўжалигининг истиқбол режалари ҳам айнан ана шу тармоқни ривожлантиришга қаратилган. Тиниб-тинчимас фермер бу йилги даромадидан 36 млн. сўм маблағни зотли қорамоллар харид қилишга ажратди.

Буларнинг бари мустақиллик шарофати, юртимизда тарихан қисқа даврда қўлга киритилаётган натижалар самарасидир. Бунга «Нурли обод» фермер хўжалигининг бор-йўғи 5 йиллик тарихи ҳам аққол мисол бўла олади.

РЕГИСТОН АНСАМБЛИНИ ТАЪМИРЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ МУСТАҚИЛ ДИРЕКЦИЯСИ ЖАМОАСИ

халқимизнинг ардоқли байрами — МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ билан барча юртдошларимизни табриқлайди. Хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизга ривож, эзгу орзуларингиз, пок истакларингиз рўёбга чиқишини тилаймиз.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



«МИКРОКРЕДИТБАНК» очик акциядорлик-тижорат банки жамоаси

барча юртдошларимиз, ўз миждозларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги билан мубороқбод этади.

Ҳурматли юртдошлар! «Микрокредитбанк» ОАТБ Сизларга қуйидаги юқори фоизли омонат турларини таклиф этади:

«МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ»; «ОИЛА ҚУВОНЧИ»; «БОЛАЖОН».

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Оддий дўкондан — супермаркетга

Чортоқ туманидаги «Садоқат» савдо маркази бир неча йиллардан буён шунчаки дўкон сифатида фаолият кўрсатарди, холос

Абулфайз САИДАСКАРОВ,
«XXI ASR»

Қолаверса, иш услуби ҳам, фаолият йўналишлари ҳам эскириб, давр талабларига, энг асосийси, бугунги кун диди нозик харидор талабларига мос келмай қолгани боис бутун тузилмани такомиллаштиришни тақозо этарди. Шу сабабдан ушбу марказ жорий йил май ойида масъулияти чекланган жамият сифатида қайта ташкил этилди. Савдо маркази иш бошлаган пайтларда ходимлар сони 20 кишидан ошмаган бўлса, айтиш мумкин бу ерда 40 нафардан зиёд сотувчи ва ишчи халққа хизмат кўрсатиб келаётир.

«Садоқат» савдо марказида асосан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ҳамда кундалик истеъмол моллари сотилади. Мазкур савдо дўкони фақат улгурчи нархда мол олиб, чакана нархларда сотиш билан чеklangани, дейиш нотўғри бўларди. Чунки корхона қошида нон ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Бу ерда бир ойда ўртача 15 тонна ун қайта ишланиб, аҳолининг сифатли нон маҳсулотларига бўлган та-

лаби қондириб келинмоқда.

Таъкидлаш керак, мазкур савдо корхонаси Чортоқ туманидаги энг намунали хизмат кўрсатиш жамоаларидан биридир. Савдо соҳасидаги кўпгина янгилик ва ўзгаришлар дастлаб ана шу корхонадан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Масалан, иқтисодий таъминоти соғломлаштиришга, аниқроқ айтадиган бўлсак, нақд пул айланмасини камайитиришга қаратилган банк терминаллари орқали аҳолига тижорат хизматлари кўрсатиш атрафлича ўрганилган ва тарғиб қилинган.

Савдо маркази, шунингдек, фермерлар билан тузилган шартномалар асосида ўз пештахталарини аҳоли учун қулай нархлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳам эришмоқда. Бундай йўл тутиш нафақат савдо корхонаси, балки фермер-



лар учун ҳам фойда келтирмоқда. Чунки бунда маҳсулотни бозорга олиб келиши, унинг сақланиши, сотилиши учун қатор таваккалчиликларни четлаб ўтиш имкони яратилади. Қолаверса, деҳқон ўз маҳсулотларининг харидори, демакки, даромади тайинлигини олдиндан билиб, хотиржам меҳнат қилади.

Фермер хўжалиқларининг айримлари деярли барча маҳсулотларини дўконимиз орқали сотишга ўрганиб қолишган, — дейди «Садоқат» МЧЖ директори Илҳом Раҳматов. — Масалан, «Расул Нодир Соҳиб» фермер хўжалиги билан сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб бериш тўғрисидаги шартнома асосида ана шундай доимий ва изчил ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бунда маҳсулотларга атиги 15 фоиз устама нарх қўйилса, «сич ҳам, кабоб ҳам қуймайди». Корхона ҳам, фермер ҳам, харидор ҳам ютади. Мазкур шартномаларнинг яна бир яши жиҳати — дўконимизда сотилаётган маҳсулотлар бозор нархларидан анча арзонлиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, бизда фақат синчковлик билан саралаб олинган, сифатли ва ишончли моллар сотилишини аҳоли яхши билади.

Савдо дўкониди, шунингдек, ноқонуний тарзда реализация қилиш мақсадида давлат чегарасидан

олиб ўтишга уриниш чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ушланган контрабанда ва контрафакт товарлар ҳам савдога қўйилиб, тушган маблағ давлат хазинасига ўтказилмоқда. Бундай вазиятда товарларга дўкон фойдаси учун 10 фоиз устама нарх қўйилапти.

Кези келганда марказнинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам чакки эмаслигини таъкидлаб ўтмоқ зарур. Айтилик, корхонанинг товар айланмаси кўрсаткичи ўтган йилда 1 миллиард 563 миллион 675 минг сўмни, соф фойда 15 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг олти ойида товар айланмаси 761 миллион 137 минг сўмга, соф фойда эса 4,5 миллион сўмга чиқди. Умуман олганда, корхона иш фаолиятида молиявий-иқтисодий прогноз кўрсаткичлари ҳар йили 110-113 фоизга бажариб келинмоқда.

Қайд этиш керак, истиқлол шарофати билан охириги йилларда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга жорий этилаётгани корхона иш фаолиятига ҳам ижобий таъсир эмасдан қолмаяпти. Авваллари турли идораларнинг қатор баҳоналар билан ўтказган текширувлари, бир қанча ташкилотларга ҳисобот бериш мажбурияти корхона иш суръати сусайишига сабаб

бўларди. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача.

Тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллашиб бориши иқтисодий фаолиятимиз учун қулай муҳитни шакллантирмоқда, — дейди Илҳом Раҳматов. — Хусусан, кўпгина турдаги текширув ва мониторинг тадбирлари кескин камайгани боис ортиқча ташвишлардан қутулдик. Энди фақат халқ фаровонлиги ва харидор манфаати учун бош қотираёلمиз, холос. Билишимча, кейинги йилдан бошлаб лицензиялашни талаб этувчи фаолият турлари тўрттага тушиб, фақатгина тўрт хил ҳисобот шаклини топширадиган бўламиз. Бундай ҳуқуқий қадамлар нафақат хизмат кўрсатиш, балки ишлаб чиқариш йўналишларида ҳам мамлакат миқёсида янада улкан муваффақиятларга олиб келиши шубҳасиз.

Айни кунларда эса корхона янада кенгайтириш ташвиши билан юрибмиз. Насиб этса, шу йил охиригача дўконни қайта таъмирлатиб, замонавий савдо хизмати кўрсатиладиган супермаркетга айлантириш ниятимиз бор. Шунда табиий равишда дўкондаги маҳсулотлар ассортименти ва харидор учун танлаш имконияти янада ортади. Корхона даромади ҳам ошиб, фаолият кўлами кенгайди. Пировардида эса давлат бюджетига тушумлар янада кўпайишига эришамиз.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ «SOBIRJON HOJI SH.T.S» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

кўп миллатли халқимизни энг кутлуғ сана —

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан табриклайди.

Осмонимиз доимо мусаффо, ҳаётимиз янада фаровон, Ватанимиз янада обод бўлсин!

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИНИ!



SAVDOGAR BANK

Ўзбекистон-Германия очик акциядорлик-тижорат банки «САВДОГАРБАНК» жамоаси

Ўзбекистон халқини ва мижозларини энг шуқуҳли сана — давлат Мустақиллигининг 21 йиллиги билан муборакбод этади. Хонадонингизга қут-барака, ишларингизга ривож тилайди. Омад ва муваффақият доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Умрингизнинг ҳар бир куни Мустақиллик байрамидек файзли ва нурафшон ўтсин!





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
МАМЛАКАТИМИЗ АХОЛИСИНИ
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРИ
АМАЛГА КИРИТИЛГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.



«ИСТИҚЛОЛ»

- сақлаш муддати — 3 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.

Омонатларга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 20 августидан —
1 октябрга қадар амалга оширилади.

Шунингдек, миллий валютадаги омонат
муддати узайтирилганини маълум қилади.

«ХАЗИНА»

- сақлаш муддати — 5 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг,
талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлашувисиз тўланади;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг
31 январига қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини
бизга ишониб топширганлар фаровонлиги
учун ўзимизни маъсул, деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни
235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки
банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган

КАРИТАЛБАНК

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ!

барча юртдошларимизни
ва ўз мижозларини

**Ватанимиз
мустақиллигининг
21 йиллиги билан
самимий муборакбод этади.**

Ушбу шодиёна кунларда
меҳнатсевар халқимизга
сиҳат-саломатлик,
оилавий тинчлик,
эзгу ва хайрли ишларида
омад тилайди!



Тева компанияси Ўзбекистон
халқини мамлакатимиз
мустақиллигининг
21 йиллиги билан самимий
муборакбод этади ва барча
юртдошларга тинчлик-
хотиржамлик, қутбарака,
соғлиқ ва бахт тилайди!

НОВО-ПАССИТ

Табиий тинчлантирувчи восита



Товар сертифицирован.
Регистрационный номер Б-250-95 № 21801, 21902

TEVA

Мы делаем здоровье доступным
во всем мире

**ҲАЁТИНГИЗГА ХОТИРЖАМЛИК
ОЛИБ КЕЛАДИ!**

Чортоқда мўъжиза яратаётганлар

Наманган вилоятидаги «Бунёдкорлик мўъжизаси» улгуржи-худудий база масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам энг улуг, энг азиз байрам — истиқлолнинг 21 йиллигини улкан меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқда

Абулфайз САИДАСКАРОВ,
«XXI ASR»

Чортоқ туманида фаолият кўрсатаётган ушбу корхона ишчи-хизматчилари 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланади. Шунингдек, бу ерда ташкил этилган товۇқчилик хўжалиги ҳам корхона даромадининг орттишига хизмат қилмоқда. Технологик жиҳатдан замонавий линия ўрнатилган, барча зоотехник талаблар — махсус каталардаги товۇқларни парвариш қилиш, уларнинг тухумларини

йиғиб олиш автоматик усулда амалга оширила бошланди. Фермада ҳозирча 50 мингта товۇқ боқилмоқда. Корхона мутасаддилари келгусида яна қўшимча 50 гектар ер олиб, 50 мингта товۇқни парвариш қилишни режалаштираяптилар. Бу эса маҳсулот ҳажми икки баробарга кўпаяди, деганидир. Қолаверса, келгусидаги режаларда парранда гўшти етиштиришни ҳам йўлга қўйиш, кўп миқдорда гўшт маҳсулотларини сақлай оладиган музхона қуриш ҳам кўзда тутилган.

— Паррандачилик — етти хазинанинг бири, — дейди «Бунёдкорлик мўъжизаси» директори Одилжон Отахонов. —

Зеро, бундай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун нисбатан кам маблағ талаб этилади. Қолаверса, товۇқлар яхши парваришланганда, уларнинг деярли 70-90 фоизидан тухум олиш мумкин бўлади. Ҳар куни 40 мингта тухумни бозорга олиб чиқиш эса яхшигина даромад, деганидир. Айти пайтда ҳар бир товۇққа кунига 120 граммдан озуқа бериш ва бошқа харажатлар ҳам катта маблағ талаб қилишни таъкидлаш лозим. Аммо унумдорлиги юқори, зотидор парранда парвариш қилинса, барча харажатлар ортиги билан қопланиб, соф фойда салмоғини ошириш мумкин. Шуларни инобатга

олиб, Россиянинг Самара шаҳридан келтирилиб, Андижондаги инкубаторда очирилган «Лон Браун» товۇқларини сотиб олдик. Ҳозирда уларнинг тухум бериш кўрсаткичи 90

КОРХОНАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН 650 МЛН. СЎМЛИК ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР СОТИБ ОЛИНГАННИ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. БУНДАЙ ҚАДАМЛАР ЭСА КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИНИ БЕРАЯПТИ. НАТИЖАДА ЖАМИЯТДА ИШЛОВЧИЛАР СОНИ 20 КИШИДАН 70 КИШИГА ЕТДИ.



фоизни ташкил этмоқда. Корхонамизда 20 нафар ишчи товۇқлар парвариши билан банд. Улар орасида Адҳамжон Мадрохимов, Зокиржон Ёқубов, Валихон Нуриддинов каби паррандабоқарларимиз меҳнатини алоҳида тилга олишни истардим. Зеро, ана шундай фидойи ходимларимиз меҳнати туфайлигина бугунги муваффақиятларга эришмоқдамиз.

Дарҳақиқат, корхона директорининг сўзларида жон бор. Техника ва технология ўз йўлига, аммо ишга бўлган масъулият ва жонбозлик, бир сўз билан айтганда, мутахассис кадрлар салоҳияти кўп нарса-ни белгилайди. Масалан, товۇқнинг бир кун талаб даража-

сида боқилмаслиги етилиш муддатининг 15 кунга қўзилишига олиб келар экан. Айтин ферма ишчиларининг фидокорона меҳнати боис 2011 йилда корхонанинг умумий товар айланмаси 800 млн. сўмга етиб, 120 млн. сўмлик соф фойда олинди.

«Бунёдкорлик мўъжизаси» раҳбарияти ана шулардан келиб чиқиб, ишчи-хизматчилар манфаатини бекаму-кўст таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда малакасини ошириш юзасидан ҳам барча имкониятлардан фойдаланилаяпти.

Шу ўринда рақобат муҳитида тобора мустахкам ўрин эгаллаётган корхонани модернизация қилиш учун 650 млн.

сўмлик замонавий техникалар сотиб олинганини таъкидлаш жоиз. Бундай қадамлар эса корхона фаолиятини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириш имконини бераяпти. Натияжада жамиятда ишловчилар сони 20 кишидан 70 кишига етди.

Яқинда чортоқликлар «Бунёдкорлик мўъжизаси»нинг яна бир хайрли ишга қўл урганини, яъни 20 гектар ерда интенсив боғ ҳам ташкил этганларини фахр билан тилга олмоқдалар. Бу ерга экилган кўчатларнинг 98 фоизи тутиб кетди. Энг қувонарлиси, янги экилган 11 минг 250 та олма дарахтининг ҳар биридан 20 кг. дан мева олиш мумкинлиги таъкидланаяпти. 2 йилда ҳосилга кириши

кутилаётган боғда, шунингдек, 2 гектар ерга гилос, шунча майдонга эса олхўри кўчатлари ўтказилди. Қўшимча ерларга эса полиз ва сабзавот экилади. Айти пайтда картошка, сабзи, пиёз ва кунгабоқардан юқори ҳосил олинмоқда. Корхона қошида ташкил этилган балиқчилик хўжалиги ҳам қўшимча даромад манбаи бўлибгина қолмай, аҳолини арзон парҳез гўшт билан таъминлашга ҳам ҳисса қўшаяпти.

Бир сўз билан айтганда, «Бунёдкорлик мўъжизаси» жамоаси қандай ишга қўл урмасин, салмоқли натижаларга эришаяпти. Бу эса халқ фаровонлиги ва ободлиги йўлидаги уринишлар хайрли кечичидан далолат ҳамдир.



Qishloq Qurilish Bank

барча юртдошларимизни, ўз акциядорлари ва миждозларини мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.

Она-Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад ёр бўлсин! Сизларга мустахкам соғлик, хонадонингизга файзу барака, тинчлик - хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда куйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада: «Истиқлол» — муддати 3 ой
«Мустақил оила-3» — муддати 3-9 ой
«Мураббий» — муддати 2 ой
«Мадад» — муддати 1 йил

Хорижий валютада: «Фортуна» — муддати 3-12 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Ахборот маркази телефонлари:
(+99871) 150-39-93, 150-93-39
www.qishloqqurilishbank.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган

Хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки

Universalbank
жамоаси

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга оилавий бахт, узоқ умр, ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.



Имкониятлар ўз кўлимизда

Истиқлол йиллари Қашқадарёда бошқа соҳалар қатори галлачиликда ҳам улкан натижаларга эришилди

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоизки, жорий йилдагина 145 минг гектар сувли, 55 минг гектар лалми майдонларга бошоқли дон экилиб, агротехника қондаларига қатъий амал қилинган натижасида фермер хўжаликлари томонидан 385 минг тоннадан зиёд галла хирмони кўтарилди. Унинг 44 минг 400 тоннаси уруғликка қўйилди.

Албатта, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган галладан юқори ҳосил олиш энг муҳим вазифалардан биридир. Шунинг учун ҳам вилоятда илмий-тадқиқот марказларининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги йўналишида фаолият олиб бораётган илмий-тадқиқот масканида ҳам айнан ана шу вазифалар бош мақсадга айланган.

Бугун бу ерда қаттиқ ва юмшоқ бугдойнинг юқори сифат кўрсаткичларига эга, касаллик ва зараркундаларга чидамли янги навларини яратиш, минтақаларнинг табиий-иклим шароитларига мос хорижий навларни танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича тақлифлар тайёрланмоқда. Яратилаётган бошоқли дон экинлари навларининг бошланғич уруғчилиги тизимини йўлга қўйиш бўйича ҳам фаол илмий излашлар олиб борилаёпти. Шу билан бирга юмшоқ ва қаттиқ бугдой селекцияси ва уруғчилиги лабораториясида жаҳон коллекциясидан ўрин олган нав намуналарини Қашқадарё шароитида синаб кўриш, уларнинг биологик белгиларини ўрганиш, амалий селекция учун дастлабки ашёлар яратиш борасида ҳам арзирли ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Самарқанд ҚХИ, СЕКДХИТИ Сирдарё, Фаллаорол, Хоразм, Фарғона филиаллари, Ўзбекистон Шолчилик ИТИ Қорақалпоғистон филиали, «Ўсимликшунослик» ИТИ олимлари билан ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Юқори ҳароратли иқлим, қурғоқчилик, зараркунанда ва касалликларга чидамли, ҳосил-

дорлик ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган қаттиқ бугдойнинг навларини яратиш мақсадида 2012 йилда жаҳон коллекциясидан олинган ва маҳаллий қаттиқ бугдой нав намуналари устида излашлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Суғориладиган ерлардаги назорат кўчатзориди 40 та, коллекция кўчатзориди 43 та, лалмикор ерлардаги назорат кўчатзориди 30 та, селекция кўчатзориди 24 та, жами 137 та нав намунаси бўйича селекция ишлари давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, 45 та комбинацияда F2, 90 та комбинацияда F1 дургай тизмалари яратилиб, уларнинг қимматли белги ва хусусиятлари ўрганилаётган. Бундан ташқари, жорий мавсумда 40 та комбинацияда чатиштириш ишлари олиб борилади.

Таъкидлаш керак, бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида ўтказилган ишлар натижасида доннинг сифат кўрсаткичлари юқори, супер эртапишар, шўрга, қурғоқчилик ва иссиқликка, сариқ ва кўнғир занг касалликларига чидамли навлар яратилди. Хусусан, бугдойнинг «Жайхун» нави давлат реестрига, «Туркистон» ва «Аксарт» навлари истиқболли навлар қаторига киритилди. Ўтган йили қаттиқ бугдойнинг серҳосил, мақорон таллабларига жавоб берадиган «Насаф» нави, юмшоқ бугдойнинг «Амирбек», «Хумо» ва «Ифтихор» навлари яратилиб, давлат нав синаш комиссиясига топширилди. Шўрга чидамли бугдой навларини яратиш мақсадида эса 185 та комбинацияда чатиштириш ишлари ўтказилиб, дургай тизмалар яратилди. Шу билан бирга бугдойнинг поя («Уганда-99») ва сариқ занг касалликларига чидамли навлари аниқлаш учун 300 дан ортиқ истиқболли бугдой нави Австралининг Сидней университетига жўнатилди.

Кези келганда, галлачиликни ривожлантириш мақсадида халқаро ташкилотлар билан йўлга қўйилган ҳамкорликка ҳам тўхталиш жоиз. 2009 йилнинг 8-9 июль кунлари халқаро анжуман ўтказилиб, унда илмий-тадқиқот институтлари учун занг касаллиги ва қурғоқ-



чилиқка чидамли бугдой навларининг минтақавий питомнигини ташкил этишга келишилиб олинди. Энг қувонарлиси эса 2010 йил ҳосили учун институт дала таъриба майдонида 5961 та бошоқли ва дуккакли дон экинларининг навлари экилиб, Марказий Осиё, Эрон, Афғонистон, Покистон, Кавказ орти давлатлари учун минтақавий питомниклар ташкил этилди ва Қашқадарёдаги ушбу илмий маскан регионал марказ этиб танланди.

2011 йилнинг 11-12 март кунлари бу ерда ИКАРДА халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда «Қурғоқчиликка, иссиқликка ва занг касалликларига чидамли бугдой навларини яратиш» мавзусида республика анжумани ўтказилди. Ўтган йилнинг 1-3 ноябрь кунлари эса БМТнинг FAO ташкилоти, СИММИТ, ИКАРДА халқаро илмий марказлари, Беларусь, Украина, Молдова, Азербайжон, Қозғистон, Қирғизистон ва мамлакатимизнинг таниқли олимлари иштирокида «Бошоқли дон экинларини етиштиришда тежамкор-ресурс технологияларни жорий этиш» бўйича халқаро семинар-тренинг курслари ташкил этилди.

Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти ходимлари ўз мутахассисликлари бўйича Германия, Австралия, Мексика, Болгария, Сурия ва Руминиядаги халқаро ўқув-курсларида малака ошириб қайтидилар. Айни пайтда ёш илмий ходимлар Германиянинг Бонн университети ва Мексикада илмий ходим сифатида малака оширмоқда. Икки нафар илмий ходим эса ИКАРДанинг «Халқаро бугдойни ривожлантириш» курсида таъриба оширмоқда.

Шу ўринда ИКАРДА халқаро илмий маркази билан ҳамкорликда «Генетика», «Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги», «Бошоқли дон экинларида занг касалликлари ривожланиш фенологияси, эпидемиологияси ва уларга қарши кураш чоралари», «Дала таърибалари методикаси ва уларнинг статистик таҳлили» мавзуларида тренинг курслари ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, илмий излашлар натижалари халқаро ва республика илмий журналларида изчил ёритиб борилаётганини айтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол туфайли Қашқадарёдаги Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти жамоаси эришилган ютуқлар билан чеқланмай, янада янги марралар сари интиломоқда.

Т.НОСИРОВ, «XXI ASR»

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига асосан, жорий йил охиригача вилоят ҳудудиди 122 та иншоот қуриб битказилади ҳамда капитал таъмирланади. Чунончи, 6 та янги касб-хунар коллежи филиаллари, 600 ўринли 4 та мусика мактаби, 6 та соғлиқни сақлаш муассасаси, намунавий лойиҳа асосида қурилаётган турар-жойлар ҳудудиди 51,144 км. узунликдаги сув иншооти ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Мамлакатимизнинг яқин тарихига назар ташласак, ўтган қисқа давр мобайнида эришилган оламшумул ютуқлардан тўқсизмиз фахр-ифтихор туйғулариға тўлади. Зеро, миллий маҳдудликдан халос бўлган эркин ва озод юртнинг йўли ойдин, келажаги порлоқдир. Халқимизга хос юксак ирода, теран ақлий салоҳият туфайли эзгу орзуларимиз бирин-кетин рўёбга чиқмоқда. Бугун жаҳон ҳамжамиятида мустақил Ўзбекистоннинг муносиб ўрни бор. Тенглар ичра тенгимиз. Қўлимизни қаёққа узатсак етади.

Энг асосийси, яратувчанлик ва бунёдкорлик муҳим ҳаётий мезонга айланмоқда. Пойтахтимизни қўя турайлик. Истиқлол шарофати билан республикаимизнинг энг чека ҳудудларида ҳам қурилиш-ободончилик ишлари қўламини ҳайратомуз тарзда кенгайтириб, шаҳар ва қишлоқлар бугунлай янги қиёфа касб этаёпти. Қўркам, замонавий иншоотларни кўрганда кўз қувнайди, дил яйрайди. Бўйдай серфайз гўшаларда яшашнинг ўзи бир бахт! Қашқадарё ҳам бугун ул-

Бунёдкорлик

Қашқадарёлик қурувчи-бунёдкорлар ҳам Истиқлолнинг 21 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар. Дилларда гурур ва ҳаяжон. Эришилган натижалар — бу сўнги марра эмас, албатта

кан қурилиш майдониға айланган. Аҳли эҳтиёжи учун зарур бўлган маданий-маиший иншоотларни тез, сифатли барпо этиш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланилмоқда. Хусусан, бюджет маблағлари ҳисобига буюртмачилик вазифасини бажараётган ягона буюртмачи хизмати — инжиниринг компанияси ана шундай бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлмоқда. Компания воситачилигида амалга оширилаётган қурилиш-тиклаш ишларининг асосий молиявий манбаи — бу инвестиция дастурига киритилган иншоотлар учун давлат томонидан ажратилаётган сармомодир. Дастур ижроси йўлида ҳомийлик маблағларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шу боис вилоятда қурилиш-ободончилик ишлари тобора жадаллашиб, янгидан-янги муваффақиятларға эришилаёпти.

Далилларға мурожаат қилайлик. Кейинги йиллар мобайнида вилоят ва шаҳар туманларида 44840 ўринли касб-хунар коллежлари янгидан қурилди, 18 таси қайта реконструкция қилинди, 6 таси капитал таъмирланди. Ўтган қисқа давр орасида 26178 ўқувчиға мўлжалланган 103 та мактаб янгидан барпо этилганлиги, 233 таси қайта реконструкция қилинганлиги, 150256 ўринли 303 та билим даргоҳи капитал таъмирланганлиги таҳсинға лойиқдир. Фақат шугина эмас. Компания саъй-ҳаракати билан жойларда 795 ўринға мўлжалланган 18 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 100 та спорт зали янгидан барпо этилди ва 7 таси қайта реконструкция қилинди. Капитал таъмирланган иншоотлар орасида 10 та мусика мактаби, 2 та қишлоқ врачлик пуншахари, 13 та ҳарбий қақирув шохбасиси ҳам бор. Қишлоқ аҳолисининг талаб-эҳтиёжлари ҳисобға олиниб, 153,6 км. узунликдаги сув қувурлари янгидан барпо этилди, жойларда 38 та артезиан қудуғи қурилиб, фойдаланишға топ-

ширилди. Бир сўз билан айтганда, бугун вилоят ҳудудида олиб борилаётган қурилиш-ободончилик ишларининг қўламини кенг. Мустақиллик шарофати билан шаҳар ва қишлоқлар тобора кўркам, замонавий қиёфа касб этмоқда. Шаҳар марказида қуриб битказилган 3000 ўринли амфитеатр мажмуи, 20 минг томошабинға мўлжалланган стадион, маҳалла гузарии, Одина жума масжиди ҳам бугун аҳли эҳтиёжлари йўлида хизмат қилмоқда. Ўтган қисқа давр оралиғида шаҳарнинг «Насаф», Амир Темуր номли, «Ўзбекистон» кўчалари, болалар истироҳат боғи қайта таъмирланди ва кенгайтирилди. Мустақиллик майдони янада ободонлаштирилди. Айни пайтда Қарши давлат университетининг мамыური биносиди реконструкция ишлари олиб боришмоқда.


— Мустақиллик йилларида яратиб берилган имкониятлар бугунги Қашқадарё мисолида яққол кўзға ташланмоқда, — дейди компания директори М.Эшбобоев. — Маълумки, ҳар қандай истиқболли режа ўз-ўзидан рўёбға чиқмайди. Бунинг учун катта куч ва етарли сармома керак.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, биз бугунги талаблардан келиб чиққан ҳолда тендер савдоларида голиб чиққан қорхоналар билан ўзаро шартнома асосида иш олиб бораёмиз ва қурилиш-таъмирлаш ишларига иختисослашган 110 дан зиёд хусусий қорхона ва ташкилотлар билан шартнома тузганмиз. Энг асосийси, шартнома шартларига қатъий риоя этиш, иншоотларни замонавий лойиҳа асосида тез, сифатли барпо этиш ҳамда белгиланган муддатларда фойдаланишға топшириш талабларига қатъий риоя қилинмоқда. Бундай манфаатли ҳамкорлик, шубҳасиз, ҳар икки томон учун қутилган самараларни бермоқда. Зеро, эндиликда биз қурилиш-ободончилик соҳасида етарли кўникма ва таърибаға эгамиз, деб бемалол айта оламиз.

Наманган вилоятидаги «Мукамал қурилиш саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон халқини энг улуг, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 21 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Мамлакатимизни озодлик ва ободлик тарк этмасин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!




САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

серқуёш юртимиз
аҳлини қутлуғ сана —
Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг
21 йиллиги
билан табриклайди



Осмонимиз ҳамisha мусоффо бўлсин!
Хонадонингиздан қут-барақа,
тинчлик-тотувлик аримасин, азизлар!




**M BERLIN-CHEMIE
MENARINI**

Уважаемые жители Узбекистана!

*В преддверии знаменательной даты
21-летия Независимости Республики Узбекистан
фармацевтическая Компания
Берлин-Хеми/Менарини (Германия)
сердечно поздравляет вас с этим праздником!*

*Желаем всем жителям Республики Узбекистан
здоровья, счастья, благополучия,
успешного труда во имя будущих поколений.
Пусть всегда в вашем доме будут мир и согласие,
а в ваших семьях, царят тепло,
любовь и уважение!*

Компания Берлин-Хеми/Менарини (Германия)





Халқаро молиявий ҳамкорлик кенгаймоқда

**Бундан 22 йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган
очиқ акциядорлик-инновация тижорат «Ипак йўли» банки бугун
мамлакатимиз молия институтлари орасида ўз ўрнига эгадир**

Ислохотлар моҳиятидан келиб чиқиб, асосий эътибор молиявий имкониятларни кенгайтириш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, миқозларга кенг турдаги корпоратив ҳамда чакана банк хизматлари кўрсатишга қаратилган. Бу, шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

«Ипак йўли» универсал молия муассасаси бўлиб, ҳозирги пайтда унинг бош амалиёт марказидан ташқари яна 10 та филиали ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шуларнинг 5 таси пойтахтимизда жойлашган. Қолганлари эса Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани, Самарқанд, Шахрисабз, Навоий ва Наманган шаҳарларида иш олиб бормоқда. Яқин келажақда яна 3 та филиал очилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, республикамиз бўйича 75 дан зиёд экспресс-марказлар ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари хизматиға сафарбар этилган. Банк активлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг 1 август ҳолатиға умумий кредит портфели 335 млрд. сўмдан, жами активлар миқдори эса 728 млрд. сўмдан ошди.

Банк жамоаси бир қатор халқаро молиявий ташкилотлар билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйганлиги эътиборға моликдир. Бу эса ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиялаштириш мақсадида Германия тараққиёт КФВ банки, «Landes Bank Berlin AG» Германия банки ва хусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорацияси, Осиё Тараққиёт банки кредит линиялари

фаол жалб қилинмоқда.

Бундай ҳамкорлик алоқалари, шубҳасиз, ўз тарихиға эгадир. Мисол учун, Германиянинг КФВ банки ва «Ипак йўли» банки 1997 йилдан буюн ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2012 йил 1 август ҳолатиға КФВ кредит линияси доирасида умумий миқдори 18,5 миллион евролик 70 та инвестицион лойиҳа муваффақиятли молиялаштирилди. Натижада 500 га яқин янги иш ўрни яратилди. 2012 йил 30 июнда 6,15 млн. евролик 4-трансига шартнома имзоландики, бу жаҳондаги энг илгор банклардан бирининг «Ипак йўли» банкиға билдирган ишончидан далолатдир.


Хусусий секторни ривожлантириш Ислом Корпорацияси билан яқин алоқалар ҳам яқин самара бераяпти. Жумладан, кичик ва ўрта бизнес вакиллари лойиҳавий молиялаштириш учун 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги молиялаштириш линияси очилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Натижада 8 та лойиҳа Ислом Корпорацияси томонидан маъқулланди ва молиялаштирилди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. «Ипак йўли» банки учун яна 5 млн. АҚШ доллари миқдорида 2-кредит линиясини очишға қарор қилинди. 2012 йил 1 август ҳолатиға ушбу линия ҳисобидан 16 та лойиҳа молиялаштирилиб, 326 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси ислохотларни чуқурлаштириш йўлида астойдил изланмоқда. 2006 йилнинг апрелида Осиё Тараққиёт банки билан лойиҳавий келишувға мувофиқ, «Ипак йўли» банкиға кичик бизнес ва микрофирмаларни молиялаштириш учун UZB-1963 лойиҳаси доира-

сида 1 млн. 300 минг АҚШ доллари ажратилган эди. Ушбу маблағ самарали ўзлаштирилганлиги туфайли яна 10 млн. АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратиш бўйича шартнома имзоланди. Айни кунда ушбу иш муваффақиятли амалға оширилмоқда. Қисқаси, банкнинг 2016 йилгача бўлган ри-

вожланиш стратегиясига асосан хорижий кредит линияларини жалб қилиш қўламини янада кенгайтириш, бу борада барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

«Ипак йўли» банки
ахборот хизмати



Азиз ватандошлар! Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги муборак бўлсин!




Жаҳон саҳнида ўз сўзига,
ўз нуфузига эга бўлиб бораётган
Ўзбекистон осмони узра бахт ва
омад куёши мангу нур сочаверсин.
Фарзандларимизнинг таълим-тарбияси
йўлида меҳнат қилаётган
ҳамкасбларимизға эса мустаҳкам соғлиқ,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз!

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ЖАМОАСИ

«БУЛУНГУР АВТОЙЎЛОВЧИ ТРАНС» МЧЖ жамоаси

ватандошларимизни
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ
билан самимий қутлайди.
Хонадонингиздан
тинчлик-хотиржамлик,
қут-барака аримасин!
Ўзбекистонимизға
ҳеч қачон кўз тегмасин!



«ДАКА ТЕХ» МЧЖ жамоаси

халқимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг 21 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.
Истиқлол биз учун тарихий қадриятларимиз,
урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни тиклаш,
ўзлгимизни англаш имконини берди.
Бас, шундай экан, ана шу буюк инъом,
улуғ неъматнинг қадриға етайлик!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«ТОҲИР БОБО НТИ» МЧЖ ЖАМОАСИ

эркинлик, хуррият байрами —
Истиқлолимизнинг 21 йиллик
тўйи билан барча ватандошларимизни
қизғин муборакбод этади.
Бизларға миллат шаъни,
қадр-қиммати, юрт тараққиёти,
эл обрўининг юксалиши,
тенглар ичри тенг бўлиш имконини
берган мустақиллигимиз абидий бўлсин!

Осмонимиз ҳамиша мусаффо,
хонадонларимиздан тинчлик ва осойишталик аримасин!

Ифтихор чеварлари фазони забт этмоқда

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларидаги стюардессаларнинг бежирим ва чиройли кийимларини кўриб, ҳавасингиз келган бўлиши аниқ. Бу махсус устбошларнинг аксарияти ўзимизда, Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамиятининг чевар қизлари томонидан тикилган.

«Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти 2008 йилнинг май ойида ташкил топган. Бу ерда нафақат махсус кийим, балки сифатли ва бежирим костюм-шима, пиджак, куртка, пальто ва яримпальто, болалар кийимлари ҳам ишлаб чиқарилади. Ушбу корхонанинг Наманган шаҳри аҳолиси ва вилоят иқтисодиёти учун ижобий таъсири жуда катта. Хусусан, корхона ташкил этилган илк йилда фақат 10 киши ишга қабул қилиниб, эскирган тикув машиналари ва дазмоллаш прессларида меҳнат қилишган бўлса, ҳозир бу ерда 60 нафар маҳаллий аҳоли замонавий технологик линияларни бошқаришга тайёр.

Боиси 2010 йилда корхона тўла қайта жиҳозланди. Махсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини таъминлаш мақсадида «Агро-банк» ОАТБнинг Давлатобод бўлимидан 554 минг АҚШ доллари миқдорда кредит олинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятини индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш Дастури ҳақида»ги 232-сонли қарорига мувофиқ, корхонага кредит имтиёзли фоизларда тақдим этилди. Ундан самарали фойдаланилиши натижасида 2010 йилда Германия, Япония ва Туркияда ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар сотиб олинди. Айни пайтда ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари тўла модернизацияланган. Бичишдан тортиб дазмоллашгача бўлган барча жараёнлар энг замонавий ускуналарда амалга оширил-

моқда. Ҳар йили ўртача 750 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказилапти.

Махсулотлар нафақат ички бозорга чиқарилмоқда, балки Россия Федерацияси ва Қозоғистон давлатларига ҳам ўзаро манфаатли шартлар асосида экспорт қилинмоқда. Юқорида айтилганидек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ва бошқа маҳаллий корхоналар унинг асосий буюртмачилари ҳисобланади. Хусусан миллий авиакомпаниямиз учун 2011-2012 йилларда 291 177 500 сўмлик эркаклар ва аёллар махсус кийимлари тикиб берилди.

— Бу ютуқларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг иқтисодиётимизни ривожлантиришга, тадбиркорларимизга яқиндан кўмаклашишга қаратилган бевосита ғамхўрлиги туфайли, деб биламан, — дейди «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти директори Анна Добрых. — Биз каби тадбиркорлик субъектлари учун яратилган қулай иқтисодий ҳуқуқий муҳитдан кўнглимиз фахр ҳиссига тўлмоқда. Корхонамизга берилган қатор солиқ ва божхона преференциялари боис тежалган маблағлар ҳисобидан қўшимча жиҳозлар сотиб олинди. Шу билан бирга тежалган маблағ турли хом ашё — мато ва фурнитурани импорт қилиш учун сарфланмоқда.

Дарҳақиқат, бу ютуқларнинг барчаси истиқлол берган неъматлар шарофати, Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлигидандир. Бунини «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жами-



яти меҳнат жамоасининг аъзолари ҳам эътироф этишмоқда: «Истиқлол туфайли корхонамиз махсулотлари фазони ҳам забт этаяпти», дейишмоқда.

«Санжар-Аслиддин» янги марраларни кўзламоқда

Ўтган асрнинг 60-йилларида Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги устахоналардан бирида косиблик билан шуғулланган Рауф бобонинг ёнидан суюкли невараси сира нари кетмасди

— Ушанда мен оқ-қорани таний бошлаган йигитча эдим, — дейди эндиликда моҳир тадбиркор Ёқуб Набиев. — Устачиликка қизиқишим кучли бўлгани учун мактабни битиришим биланоқ собиқ 28-хунартехника билим юртига ўқишга кирдим. Маълум муддат дурадгорлик билан шуғулландим.

Ҳа, орадан ўтган давр Ёқуб Набиев ва унинг издошлари учун чинакамига ҳаёт мактаби, тадбиркорлик соҳасининг ўзига хос сир-асрорларини мукамал эгаллаб олиш даври бўлди. Бугун уста Ёқуб ва унинг шогирдлари томонидан тайёрланган хилма-хил буюмлар, мебель жиҳозлари барча-барчага яхши кайфият улашиб, хонадонлару идора-ташкilotлар кўрқига кўрк қўшиб турибди. Энг муҳими, бундай жиҳозларнинг талабгорлари кўпайиб, икки томонлама ўзаро манфаатли шартнома тузувчи корхоналар сони ортиб бормоқда. Жумладан, биргина ўтган 2011 йилда «Миллий банк»нинг вилоят бошқармаси, Бухородаги 5-умумтаълим мактаби, «Автолендсервис» МЧЖ, «Семурғ» спорт мактаби, «Ҳамкорбанк»нинг вилоят филиали ва бошқа бир қатор ташкilot ва муассасалар билан жами 70 миллион сўмлик 102 та шартнома имзоланган муваффақ бўлиди. Жорий 2012 йилнинг ўтган даврида эса бу борадаги кўрсаткич 50 миллион сўмни ташкил этди. Бухоро шаҳар

газлаштириш идораси, электр тармоқлари ташкilotи, «Ўзстатгеосервис» ва бошқа муассасалар билан имзоланган 50 га яқин шартнома асосида изчил иш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, моҳир тадбиркор Ёқуб Набиевнинг саъй-ҳаракати билан 2009 йилнинг февраль ойида ўз фаолиятини бошлаган, мебель махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Санжар-Аслиддин» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида тайёрланаётган ошхона, турар-жой ва офис мебеллари ўз пишиқлиги, кўркемлиги, сифатлиги билан турдош корхоналарда ишлаб чиқарилаётган айнан шундай жиҳозлар билан бемалол рақобатлаша олади. Харидор-гир махсулотнинг эса бозори ҳамisha чаққон бўлиб келган. Бу ҳаётини ҳақиқатни Ё.Набиев ҳам, унинг раҳбарлигида меҳнат қилаётган қўли гул усталардан Ҳабиб Гадов, Хусниддин Бозоров, Баҳодир Эргашев, Баҳодир Раҳимов сингарилар ҳам яхши билишади. Шу боис улар ҳар битта жиҳозни алоҳида меҳр билан тайёрлашга интилишади ва бунга эришадилар ҳам.

Корхона ўз илк фаолиятини атиги 6 нафар ишчи билан бошлаганди. Айни пайтда бу ерда 16 киши иш билан таъминланган. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган бир-бирдан чиройли ва сифатли мебель жиҳозларини кўрган хар қандай кишининг дили яйрайди. Ёқуб Набиев ва унинг ҳамкасбларига мурожаат қилаётганлар Бухорода ҳам, қўшни вилоятларда ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг би-

рортаси ҳам хали бу ердан норизо бўлиб кетгани йўқ.

— Келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидами, — дейди корхона раҳбари. — Мебель турларини кўпайтириш асосий вазифаларимиздан биридир. Иш ўринлари эса камида 25 тага етказилади. Махсулотларнинг янги турлари сирасига осонлик билан қаровотта айланттириладиган ором курси (кресло), хонадонларга ўрнатиладиган ва роликлар ёрдамида очилиб-ёпиладиган купе-эшикларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Қўшма корхона аҳил жамоасининг барча аъзолари сингари моҳир иқтисодчи Сардор Набиев, бош ҳисобчи Зарина Раупова, иш юритувчи Шахло Мажидова сингарилар ҳам ана шундай ёруғ орзу-умидлар билан яшаб, фаолият олиб боришмоқда. Бухородаги «РК-Денталь» хусусий шифохонаси, шаҳар ҳокимлиги, «Ипотека-банк»нинг Сардор бўлими, шунингдек, «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» сингари корхона ва ташкilotларга қилиб қолсангиз, «Санжар-Аслиддин» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган хилма-хил мебель махсулотларини кўриб завқингиз ошади, чехрангиз ёришади.

Буларнинг бари мустақиллик туфайли, тадбиркорлар учун яратиб берилган имтиёزلар шарофатидандир. Улар ҳиқоямиз қаҳрамони Ёқуб Набиев ва унинг ҳамкасблари қатори янги марраларни забт этишга, мамлакатимиз иқтисодиётини ўз фидокорона меҳнатлари билан янада мустақамлашга даъват этаверади.



ABBOTT LABORATORIES SA ЖАМОАСИ

Мустақилликнинг 21 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Азиз юртдошлар! Барчангизга оилавий бахт, узоқ умр, ишларингизга улкан муваффақиятлар тилаймиз.





Еттинчи хазина самараси

«Хонқа-Паррандачилик» масъулияти чекланган жамияти 2005 йилнинг 10 январидан ташкил топган бўлиб, асосан тухум ва парранда гўшти етиштириш ва аҳолига сотишга ихтисослашган. Ҳозир бу ерда 150 минг бош товуқ ва 53 мингта ёш жўжа боқилмоқда

Корхонада паррандачиликни ривожлантиришда муҳим омил — товуқларнинг озуқа базасини шакллантириш учун ҳам етарли асослар яратилган. Хўжалик тасарруфида 80 гектардан зиёд ер майдони бўлиб, озуқабоп экин ва дон маҳсулотлари етиштириш мақсадида унинг 28,5 гектарига маккажўхори ва 15,4 гектарига беда экилган. Атрофдаги майдонларни кўкаламзорлаштириш мақсадида 1 гектар ерда бөг ҳам барпо этилган.

Айни пайтда бу ерда 44 киши меҳнат қилаётган бўлиб, уларнинг 5 нафари коллеж битирувчиларидир. Ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шундан бўлса керак, улар ўз ишларига масъулият билан ёндашган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

— Истиқлол шарофати, қолаверса, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган изчил сиёсат туфайли тадбиркорлик йил сайин ривожланиб бораёпти, — дейди масъулияти чекланган жамият директори Р.Бекматов. — Корхонамиз ҳам бу имкониятлардан унумли фойдаланишга интиломда. Масалан, бир қанча вақт аввал Германиянинг «Big Dutchman» корхонасидан 1 та жўжа ва 3 та товуқ боқиш линияларини сотиб олиш мақсадида «Узсаноатқурилишбанк»дан 1450000 евро миқдорда кредит олишга муваффақ бўлгандик. Ҳозиргача ушбу маблағ тўлиқ ўзлаштирилиб, юқоридаги тўртта линия ишга туширилди. Банк фоизлари ҳам режа бўйича ўз вақтида тўлаб бориляпти.

Шу кунларда корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш ва омухта ем базасини бойитиш учун 500 млн. сўм маблағга эҳтиёж сезаётганди. Яна «Узсаноатқурилишбанк»дан олинган кредит жуда қўл келди. Натижада цехлар реконструкция қилинди. Ветеринария блоқи, ошхона, омухта ем омбори, фирма дўкони ва мини блок бинолари қурилиб, ишга туширилди.

Шу ва бошқа зарурий молиявий-иқтисодий чора-тадбирлар боис корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари йил сайин юксалиб бормоқда. Хусусан, 2008 йилда 1046,5 минг дона тухум етиштирилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 25429,4 минг донга, 2011 йилда эса 31337 минг донга етди. Тovuқ гўшти сотиш (тирик ҳолда) 2010 йилда 89000 бошни ташкил этган бўлса, ўтган йили 90229 бошга етди. Ёш парранда ўстириш 2010 йилда 50000 бош, ўтган йили эса 102000 бошга етди. Тухумдорлик фоизи ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, корхона эндигина маҳсулот чиқаришни бошлаган 2008 йилда бу кўрсаткич 70 фоизга тенг бўлган бўлса, ўтган йили 82 фоизга чиқди. Товар айланмаси ҳам иш кўламига пропорционал равишда ўсиб бораёпти.

Жорий йилда корхона ўз фаолиятини янада ривожлантириш, аҳолини бундан ҳам кўп ва сифатли парҳез товуқ гўшти ҳамда тухум билан таъминлашни режалаштирган. Жумладан, корхона меҳнаткашлари тухум ишлаб чиқаришни 30 млн. донга, товуқ гўшти етказиб беришни 110 000 бошга, ёш парранда ўстиришнинг 110 000 бошга етказишмоқчи. Прогнозларга кўра, товуқларнинг ўртача тухумдорлиги жорий йилда 85 фоизга етиши кутилмоқда.

Корхона қошида иккита фирма дўкони мавжуд бўлиб, етиштирилган маҳсулотнинг 20 фоизи ташкилотларга пул ўтказиш йўли билан, қолгани ушбу дўконларда нақд пул ва пластик картчалар орқали сотилиб, тушумлар ўз вақтида банк ҳисоб рақамларига топширилди.


Мухтасар қилиб айтганда, «Хонқа-Паррандачилик» масъулияти чекланган жамияти фақат тараққиёт ва такомиллашув йўлидан бориб, Ватанимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

*келажакимиз эгалари бўлмиш
ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлида
самарали меҳнат қилаётган барча
ҳамкасбларимизни ва бутун халқимизни*

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ
билан чин дилдан муборакбод этади.

**Ёшларни ватанпарварлик,
миллий истиқлол ғояси ва умуминсоний
қадриятлар руҳида тарбиялашдек эзгу
ишларингизда омад ёр бўлсин!**



Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси «BULUNG`UR SENDVIK» МЧЖ агрофирмаси жамоаси

**барча юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги
билан самимий қутлайди.**

**Истиқлол байрами — тинчлик, фаровонлик,
эзгулик, яхшилик, бахту саодат, пок ниятлар
шодиёнаси.**



**Гўзал Ватанимиз
янада чирой очсин,
ҳаётимиз осойишта,
дастурхонимиз ҳар доим
тўкин бўлсин!
Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**




Наманган вилоятидаги «UMMON-SBK» фермер хўжалиги

*барча юртдошларимизни
Мустақиллиқнинг 21 йиллик
байрами билан қутлайди.*

**Халқимизга
тинчлик-хотиржамлик,
дастурхонига
тўкин-сочинлик,
хирмонига
барака тилайди.**



Истиқлолингиз қутлуғ бўлсин, Ўзбекистоним!



Истиқлол инсон имкониятларини намоён этишга хизмат қилмоқда

Бухоро-Жондор катта магистраль йўли ёқасидаги сўлим боғ бундан 15 йил аввал ташландиқ ва хароба маскан эди

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Энди эса ёзнинг айнаи жазирамасида ҳам дилкаш бир гўшага, ёшу қарини ўзига чорлаётган гўзал боғ турли тантаналару байрам кунларида маҳаллий аҳолининг сеvimли оромгоҳига айланган. Айтиш мумкинки, бу ердаги хар битта кўчат, гул ниҳоли ва хар битта ток қаламчаси кимё фанлари номзоди Бахриддин Бешимовнинг меҳри билан ерга қадалган.

Боғнинг қуйи томонида эса истиқлол шарофати билан бундан 16 йил аввал иш бошлаган «Альфа-Омега» масъулияти чекланган жамиятининг замонавий меъморчилик услубида қурилган бир-биридан кўркам бинолари қад ростлаб турибди. Корхона жамоаси бугунги кунда қатор дори воситалари, тиббиёт жиҳозлари ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарапти. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, у мамлакатимизда айнан шу йўналишда иш олиб бораётган ягона корхонадир.

Президентимизнинг шу йил июль ойида эълон қилинган ва юртимизда тадбиркорликни хар томонлама кўллаб-қувватлашга хизмат қила бошлаган 2 та фармони «Альфа-Омега» фаолиятини ҳам янги босқичга кўтарди, дейиш мумкин. Бугунгача эса корхонада ўтган йилги солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланиб, янги асбоб-ускуналар харид қилинди. Энг муҳими, солиқ имтиёзлари туфайли тежалган маблағ ҳисобига янги ишлаб чиқариш бинолари барпо этилди.

Хусусан, бу ерда замонавий тикув цехи ишга туширилиб, 12 хотин-қиз доимий иш билан таъминланганига ҳам кўп бўлга-

ни йўқ. «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро минтақавий филиалининг 55 млн. сўмлик кредити бу борадаги ишларни янада жонлантириш имконини берди.

Жамият раҳбари Бахриддин Бешимов 1954 йилда Жондор туманининг Самончиқ қишлоғида туғилган. Қишлоқ мактабини тугатган, Тошкент Давлат университетида тахсил олган. Талабалик йилларидаёқ полимерлар кимёси билан боғлиқ илмий иш қилишни ва янгиликларни халқ хўжалигига татбиқ этишни орзу қилган эди. Орадан кўп ўтмай, унинг орзуси ушалди. У номзодлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. 1996 йилда эса ўзи туғилиб ўсган қадрдон қишлоғида «Альфа-Омега» илмий-ишлаб чиқариш фирмасини ташкил этишга муваффақ бўлди.

— Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — дея эслайди Бахриддин ака. — Ушанда бир қатор тазйиқ ва тўқсинликларга дуч келганим рост. Гарчи мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юртимизда тадбиркорлик учун илк имкониятлар яратиб берилган бўлса-да, ҳали айрим маҳаллий раҳбарлар тадбиркорликка ўғай кўз билан қарардилар. Ҳатто бир йили тоқзор ва боққа мўлжалланган еримизни ҳам олиб қўйишмоқчи бўлишганди. Шу тариқа орадан йиллар ўтди. Бугун эса мустақиллигимиз меваси сифатида фаолият олиб бораётган пешқадам корхоналар сафида меҳнат жамоамиз аъзолари ҳам борлигидан мамнунман.

Ҳақиқатан ҳам, бугунга келиб «Альфа-Омега» вилоятдаги энг илғор корхоналардан бирига айланди. Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар арзонлиги, ишлатишда қулайлиги ва инсон организми учун фойдали экани билан ажралиб

туради.

Маҳсулот ва буюмларнинг қисқача тавсифомалари билан танишган киши бунга қайта-қайта ишонч ҳосил қилиши мумкин. Келинг, шу ўринда корхона бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг айримларига оид маълумотлар билан танишсак. Хусусан, харидорлар алоҳида мамнуният билан харид қилаётган белбоғ ва корсетларга тўхталсак. Улар Бухоро қорақўли, қўй ва туя жунидан тайёрланаётгани билан ҳам эътиборга сазовордир. Хуллас, белбоғ, корсет ва бандаж сингари маҳсулот ва буюмлар вақт ўтган сайин тобора харидоригир бўлиб бораёпти. Негаки, улар энг биринчи навбатда одам организмидеги неврологик ўзгаришларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бундан ташқари, шикастланганларда умуртқа погонасининг бел-думгаза бўлимлари хасталикларидеги оғриқни қолдиради. Шунингдек, радикулит, остеохондроз, ревматизм, невралогия, миозит, люмбаго, (беланги), пиелонефрит сингари хасталикларни даволаш чоғида танани иссиқ тутиш ҳамда микромассаж учун мўлжалланганлиги билан ахамиятлидир.

Маълумки, бундан бир неча йиллар аввал «Ниттифор», «Педдилин» сингари дорилар чет элдан валюта эвазига олиб келинарди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. «Альфа-Омега»да ишлаб чиқарилаётган сифатли «Дипол» шампуни бугун барчага маъқул тушаяпти. Корхонада юқорида эслатиб ўтганимиз — косметик вазелин тайёрлаш технологиясининг тўлиқ ўзлаштирилганлиги муваффақиятлар омили бўлаяпти.

Корхона ҳудудида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбчаси ва тикув цехи фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Ишлаб чиқариш муваффақиятларида, шубҳасиз, аҳил меҳнат жамоаси аъзолари — тикув цехи бошлиғи Санобар Раҳимова, чевар-тикувчилардан Ноила Ҳамроева, сифатли маҳсулотлардан бири — шампунь ишлаб чиқариш учун масъул бўлган Ибодулло Очилов, ишлаб чиқариш бўйича цех бошлиғи Азим Ортиқов, шунингдек, оддий ишчилардан Д.Ҳамроева, Н.Пўлатов, Г.Азимова сингариларнинг салмоқли улушлари бор.

Яқинда корхона биносига

туташ жойда «Ўрикзор» маиший хизмат мажмуаси ҳам иш бошлади. Бу эса қўшимча иш ўринлари яратилди, деганидир.

Яна ишлаб чиқариш билан боғлиқ баъзи рақамларга мурожаат этсак. Жорий йилнинг 8 ойида 280 мингта тиббий шампунь ишлаб чиқарилган бўлса, йил охиригача бу кўрсаткични 319 мингтага етказиш режалаштирилган. 2012 йилда жами 150 000 та косметик вазелин ҳам жойларга етказиб берилди. Шу кунгача дастурда кўзда тутилган имтиёзлар

туфайли 10 миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди. Корхонада рентабеллик даражаси 25 фоизни ташкил этмоқда. Бу ерга етказиб берилётган хом ашёнинг 90 фоизи маҳаллий маҳсулот экани эса муваффақиятнинг асосий омили бўлмоқда.

Ҳа, мустақиллик туфайли эзгу ва пок ниятли ҳамюртларимиз турли соҳа ва тизимларда ўз имкониятларини намоён этиш имконига эга бўлмоқдалар. Бахриддин Бешимов ва унинг издошлари меҳнати ҳам

бунга мисол бўла олади. Доманинг бир-биридан зуқко ва ишбилармон ўғиллари — Ботиржон, Бахромжон, Нодиржон, ва албатта, ҳеч истисносиз оила бекаси — муҳандис-технолог Муҳаббатхон Давронова ҳақида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин. Қутлуг айём — Мустақиллик солномасининг 21 йиллиги санаси муносабати билан тадбиркор оила янада улкан ишларни режалаштирмоқдалар. Биз эса янги мақсадлар ижобат бўлишига ишониб қоламиз.

БУХОРО ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини кутлуг сана — давлат мустақиллигининг 21 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини, барча мулкдор у тадбиркорларни Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами муносабати билан табриқлайди. Шу шодиёна кунларда меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларида омад тилайди.

ОАТ Туронбанк республикаимизнинг барча вилоят шаҳар ва туманларидаги 17 та филиал ва 30 та минибанклари орқали хизмат кўрсатиб келмоқда. Шунингдек аҳоли омонатларини банкка жалб қилиш мақсадида 16 турдан ортиқ омонатларни, халқаро пул ўтказмаларини ва барча турдаги банк хизматларини амалга оширмоқда. Мазкур филиал ва минибанклар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.

"Ahbor-Reyting" PA "Туронбанк"нинг рейтингини "UzB++" даражасида "Ижобий" прогнози билан тасдиқлади.

Республикаимизда биринчи бўлиб Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 42-уйда ОАТ Туронбанки ва "Western Union" Компанияси билан биргаликда янги махсус "Western Union" халқаро пул ўтказмалари шохбчаси ўз иш фаолиятини бошлади. Мазкур шохбчада мижозларга "Western Union" халқаро пул ўтказмалари хизмати билан биргаликда «Coinstar», «CONTACT», «Быстрая почта», «BLIZKO», «Золотая Корона», «MIGOM», «ЮНИСТРИМ» халқаро пул ўтказмалари орқали ҳам хизматлар кўрсатилади.

Тел: (+99871) 244-27-98
Тел: (+99895) 144-60-00

21

*Буюк ва Муқаддасан,
Мустақил Ватан!*

ИПОТЕКА BANK

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!



Озод ва обод юртга тўйлар ярашар

Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи» хайрия акциясининг навбатдаги босқичлари якунланди

Шухрат ХУЖАЕВ,
«XXI ASR»

Эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериш, меҳрга ташна қалб эгалари бошини силлаш халқимизга хос хислат. Эеро, ота-боболаримиз ёрдамга муҳтожлар учун ҳашар йўли билан уй қуриш, маҳалладаги болалар тарбияси билан шуғулланиш, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш каби вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратишган.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан ишлаб чиқилган «1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи» лойиҳаси бугун ана шундай аъёна ва қадриятларни давом эттириш, ҳусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос намунасига айланди, десак муболага бўлмайди.

23-24 август кунлари Хоразм вилояти, шу ойнинг 26-27-саналарида эса Сурхондарё вилоятида ўтказилган тўй тадбирларида ҳам юздан ортқк ёш келин-куёвларнинг қанчалар сурнай садолари янграб, қарийб 150 нафар жажжи болакайга тўнлар кийдирилди.

— Набиранимиз суннат тўйи ҳам ана шу маросимларга қўшилиб кетгани мени бе-

ҳад қувонтириди, — дейди боғотлик Ҳадижа Абдуллаева. — Тадбирда менга ўхшаган она-хонлар ўз фарзандларининг яқин келажақда Ватанимизга хизмат қиладиган ўғлонлар бўлиб етишиши учун тилак билдириб, дуога қўл оқдилар.

Таъкидлаш жоиз: акция муносабати билан Хиванинг Ичан қалъасида ташкил этилган тадбирлар, шу ерда ёзилган тўйин дастурхон, куй-қўшиқлар хориклик сайёҳларни ҳам безътибор қолдирмади.

— Мустақилликка эришганимиздан буён бундай хайрли ишларга ўз хиссасини қўшмоқчи бўлганлар сони тобора кўпайиб бораётгани қувончли ҳол, албатта. Фурсатдан фойдаланиб, мазкур тадбирларнинг ўтказилишига бош-қош бўлаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳомийларга ўз миннатдорлигини билдириб ўтмоқчиман, — дейди Ўзбекистон Қажрамони, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. — Мени хурсанд қилгани меҳрибонлик ўйи-мизда вояга етган бир ўғил ва бир қизимизнинг тўйи бўлди. Қизини, тарбияланувчиларимиздан бирининг кўнгил қўйган қизиникига қайта-қайта совчи бўлиб боришга мажбур бўлдим. Ҳокимлик билан бирга ёш оила яшайдиган янги уй-жой масаласини ҳал қилганимиздан сўнг тўйга ҳозирлик қўра бошладик. Ишончим комилки, бу ёшлар ана шундай эътиборни ҳеч қачон унутмайдилар.

Шу ўринда ташкилотчиларнинг сарҳаттеша ишлари жойлардаги қўллаб-таъбиркорлару фермерлар, йирик корхона вакилларининг ҳам эътиборини ўзига жалб эта олганини айтиб ўтиш жоиз.

— Мустақиллик йилларида бизга ўхшаган фермерларга ер эгаси сифатида ундан унумли фойдаланиш, даромад олиш учун кенг имкониятлар берилди. Шу босисавоб ишларга ўз хиссасини қўшишни лозим топдик, — дейди Богот тумани «Чўлаклар» фермер ҳўжалиги раҳбари Гулчехра Йўлдошева.

— Хайрия тадбирининг вилоятимизда ўтказилишини эшитиб, унда иштирок этишга қарор қилдик, — дейди «Сурхондарё дон маҳсулотлари» ОАЖ директори ўринбосари Қарши Ғаниев. — «Висол оқшомлари»да сўзга чиққан ёш келин-куёвларнинг айнан ана шундай тўйларни қўришни орзу қилганларини, яъни уларнинг орузларини рўёбга чиқаришга оз бўлса-да улуш қўлганимизни эшитиб, тўлқиланиб кетдим.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ахборот хизматида маълум қилишларича, жорий йилнинг март ойида стартоланган мазкур акция доирасида шу қўнганча мамлакатимизнинг 11 вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида 812 та никоҳ ва 999 та суннат тўйи ўтказилди. Хайрия тадбирининг яқиний босқичи эса Тошкент шаҳри ва вилоятида сентябрь ойида ўтказилади.

ЎЗБЕК ПОЛВОНИ КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Лондон шаҳрида давом этаётган XIV Паралимпия ўйинларида ҳамюртимиз Шариф Халилов кумуш медалини қўлга киритиб, энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига муносиб совға ҳозирлади.

Мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва гамхўрлик, аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имкониятлари чеklangан ва ногирон ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўз самараларини бермоқда.

Дэюдочимиз вази 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида венецузалик Маурисио Брикенони, аргентиналик Родолфо Рамирезни, ярим финалда россиялик Шаҳбан Курбонови маглубитга учратди.

Ҳал қилувчи баҳсда украиналик Дмитро Соловейга имкониятнинг бой берган Ш.Халилов кумуш медаль билан тақдирланди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, Ўза муҳбири

ЯНГИОБОДДА — ЯНГИ МАКТАБ

Нурота туманидаги Янгиобод кишлоғида болалар янги ўқув йилини барча шарт-шароитларга эга янги мактабда бошлайдиган бўлди.

Ушбу илм даргоҳи Қизилтепадаги «Маликбад курилиш монтаж» масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан барпо этилди.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида мактабимизнинг янги биносини фойдаланишга топширилиши бизга ҳақиқий байрам тўхфаси бўлди, — дейди мазкур мактаб директори Ортқк Юсупов. — 216 ўқувчига мўлжалланган билми масканимизда ўқувчиларга пухта таълим-тарбия бериш учун етарлича шароит ва имкониятлар яратилди. Кенг ва шинам ўқув хоналари замонавий мебеллар, кўрғазмали қуроллар билан жиҳозланган. Янгидан бунёд этилган спорт залида ўқувчилар спортнинг қатор турлари билан мунтазам шуғулланиши мумкин.

Қутлуг байрам арафасида туман марказидаги 54-умумтаълим мактабининг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бир неча умумтаълим мактабларида курилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Барча таълим муассасалари янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди.

(Ўза)

Музаффар спортчилар муносиб тақдирланди

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида 29 август куни XXX ёзги Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, мураббийлар, журналистлар йиғилди.

Тадбирда спортчиларимизнинг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Исрол Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва гамхўрлик самараси экани таъкидланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт иншоотларида, умуммиллий ҳаракатга айланган мусобақаларда товланган ёшларимиз бугун энг нуфузли халқаро турнирларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

XXX ёзги Олимпия ўйинларида ҳам спортчиларимиз ўз маҳорати ва салоҳиятини намойиш этиб, Ватанимиз шарофтини муносиб ҳимоя қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри

(Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарорига биноан спортчиларимизга барча зарур шарт-шароит яратилди. Бунинг натижасида 53 нафар олимпиячимиз мурақаб саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, спортнинг ўн беш тури бўйича Олимпия ўйинларига йўланма олди.

Бу Лондондаги ассосий беллашуларда ҳам ўз самарасини берди. Жумладан, эркин курашчимиз Артур Таймазов бу гал ҳам бош совринни қўлга киритиб, уч қарра Олимпия чемпиони, деган юксак номга сазовор бўлди.

Дэюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони ва Осие ўйинлари ғолиби Ришод Собиров, бокс бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан Тигиев Ўзбекистон спорт делегацияси хисобига биттадан бронза медаль қўшди.

— Лондон Олимпиадасида Ўзбекистон номи, давлатимиз маърифати баралла янграшга ўз хиссамни қўшиб, Президентимиз Исрол Каримовга берган ваъдаминг устидан чиқганимдан хурсандман,



— деди эркин кураш бўйича уч қарра Олимпия чемпиони Артур Таймазов. — Биз, спортчилар эришган муваффақиятлар — бугун халқимизнинг ютуғи. Қамтарона меҳнатимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлагани учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

— Олимпиада ўйинлари болалигимдан орзу қилар эдим, — деди Аббос Атоев. — Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор тўғрисида орузларим ушалди. Давлатимиз раҳбарининг фармонида муво-

фик «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланганим, айниқса, бу унвонни Президентимиз топширгани мени янада мамнун этди.

— Президентимиз Олимпиада ғолиблирига юртимизнинг юксак унвонларини топширгани, янги зафарлар тилагани бизга катта куч-ғайрат бағишлади, — деди Ришод Собиров. — 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига янада масъулият билан тайёргарлик қўраимиз. Ол-

тин медалини қўлга киритиб, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончини оқлаймиз.

Уч қарра Олимпия чемпиони Артур Таймазовга «Малибу», Лондон Олимпиадаси бронза медаллари совриндорлари — Аббос Атоев, Ришод Собиров, Сослан Тигиевга «Ласетти» автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов топширди.

(Ўза)

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

Навий шаҳрида «Uz-Kor Silkop» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг биринчи босқичи ишга туширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда мамлакатимизда Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш, қулай инвестиция муҳити яратиш каби масалаларга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Йилгига 12 минг тонна техник кремний ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона курилиши «Навийазот» очик акциядорлик жамияти ҳамда Жанубий Кореянинг «Neoplant» компанияси ҳамкорлигида амалга оширилди.

Мазкур корхонада ишлаб чиқариладиган техник кремний автомобилсозлик, самолётсозлик ва металлургия саноатида кенг фойдаланиладиган кимматбаҳо хомашё хисобланади.

Корхонада ишлаб чиқариладиган маҳсулот тўлиқ экспорт қилинади.

«Uz-Kor Silkop» қўшма корхонасининг ишга туширилиши билан уч юз янги иш ўрни яратилди.

Ёрқул Умар,
Ўза муҳбири

Я РЕКОМЕНДУЮ

Если лошадка, которую ты лепишь, больше похожа на совдку, делай совдку.

ЗАРИНА, Будущий Конструктор.

Пиковит
www.krka.ru

Витамины и минералы для успеха вашего ребенка.

KRKA

Имеются противопоказания. Перед применением ознакомьтесь с инструкцией.
Товар сертифицирован. Рег. Удостоверение: Б-250-95 №16704